

834

Юсуф ТУРСУНОВ

**“МУНШАОТ”  
АСАРИНИНГ  
МАТНИЙ ТАДЖИКИ**



TOCHIQ TAU



0000000814

A library label with the text "TOCHIQ TAU" at the top, a barcode in the middle, and the number "0000000814" at the bottom.

ЮСУФ ТУРСУНОВ

# “МУНШАОТ” АСАРИНИНГ МАТНИЙ ТАДҚИКИ

(Монография)

Алишер Навоий номидagi Тош-  
кент Давлат Ўзбек тили ва адабийи  
университети кутубхонасига

Ю Турсунов

22.02.2019й.

9036 3057

Тошкент  
“MUMTOZ SO‘Z”  
2016

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
ToshDO‘TAU  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

УЎК: 821.512.133  
КБК 83.4(5Ў)6

*Алишер Навоийнинг насрий асарлари сирасидан бўлмиш “Муншаот” асари нафақат шоир ижодида, балки мумтоз адабиётимиз хазинасида ҳам ўзига хос ўрин тутувчи нодир асар ҳисобланади. Зеро, у Шарқ ишио санъатининг туркий тилдаги гўзал ва бетакрор намунаси, шунинг билан бирга буюк даҳо эгасининг шахсий ҳаёти, ижодий ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятига доир муҳим маълумотларни намоён этувчи адабий-тарихий манбаъ ҳамдир. Шунинг учун “Муншаот”нинг энг қадимий ҳамда ишончли кўлёзма нусхаларига асосланган ҳолда унинг илмий-танқидий матнини тузишликни тақозо этади.*

*Ана шундай илмий жиҳатдан муҳим ва масъулиятли ишни мазкур асар устида узоқ йиллар изланишлар олиб борган олим Ю.Турсунов амалга оширди. Ўйлаймизки, асарнинг юзага келган ушбу мукамал матни мутахассисларимизга ундан янада кенгроқ ва унумлироқ илмий истифода этиши имконини беради.*

**Масъул муҳаррир:**

*Азизхон ҚАЮМОВ*

*Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби, ф.ф.д., академик*

**Такризчилар:**

*Саидбек ҲАСАНОВ ф.ф.д., профессор*

*Отабек ЖЎРАБОЕВ ф.ф.д., доцент*

83.4(5Ў)6

Т 39

**Турсунов, Юсуф.**

“Муншаот” асарининг матний тадқиқи / Юсуф Турсунов; масъул муҳаррир А.Қаюмов. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016. – 264 б.

ISBN 978-9943-4552-7-6

© Ю.Турсунов, 2016

© “MUMTOZ SO‘Z”, 2016

## ШАРҚ ИНШО САНЪАТИНИНГ ГЎЗАЛ ТУРКИЙ НАМУНАСИ

Алишер Навоий мероси тур ва жанр жиҳатидан ранг-баранг. У, аввало, лирик ва эпик асарлари билан гениал шоир сифатида жаҳон адабиётидан муносиб ўрин эгаллаган бўлса, қатор насрий асарлари билан ҳам туркий халқлар адабиёти, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшди. Навоий улуғ шоир бўлиши билан бир қаторда буюк мутафаккир ва адиб сифатида ўзбек адабиёти тарихида биринчи бўлиб тазкирачиликни (“Мажолис ун-нафоис”), тилшуносликни (“Муҳокамат ул-луғатайн”) арузшуносликни (“Мезон ул-авзон”) бошлаб берди. Навоийнинг яна она тилида “Муншаот”ни яратиб, ёзишмалар илмига ҳам асос солганлигини ҳисобга олсак, унинг адибликда ҳам, олимликда ҳам, ижтимоий вазифаларда бўлганида ҳам ўзбек тилининг равнақи учун ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кураш олиб борганлиги яна бир бор намоён бўлади.

Навоийнинг бошқа асарларини заррача камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, “Муншаот” шоир асарлари орасида алоҳида аҳамият касб этади. Биринчидан, Навоий “Муншаот”и эпистоляр жанрнинг ўрта аср Шарқига хос шакли – иншо санъатининг ўзбек тилидаги дастлабки ҳамда нодир намунаси сифатида маданиятимиз хазинасидан ўрин олгандир. Иккинчидан, “Муншаот” Навоийнинг ижодий ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятида юз берган энг муҳим воқеаларни ўзида реал акс эттиради. Шунга кўра, бу асарга тарихий-адабий манба сифатида қараб, Навоийнинг даври ва замондошлари, ҳаёти ва ижодиёти, ижтимоий ва сиёсий фаолиятини ўрганиш учун энг ишончли адабий манбалардан бири сифатида мурожаат этиб келинмоқда. Учинчидан, “ҳар кимга намуна бўларли форс адабиёти билан мусобақа қила олурли буюк асарлар яратишни ўз зиммасига олган” (Олим Шарафиддинов) Алишер Навоий Шарқда қадимдан мавжуд бўлган иншо санъатининг ўзбек тилидаги намунасини яратиш билан туркий тилнинг имкониятлари форс тили имкониятларидан асло кам эмаслигини яна бир бор намоёйиш этди.

Ана шу жиҳатларга кўра “Муншаот” Навоийнинг насрий асарлари орасида ўзига хос муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, у тарихий-адабий манба сифатида кўпдан бери навоийшунос-тадқиқотчилар-

нинг эътиборини тортиб келмоқда. Кейинги йилларда эса Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг дунёқарashi ҳамда XV асрдаги Хуросоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда “Муншаот”га тез-тез мурожаат этила бошланди. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, Навоий мактуботига хос баъзи бир характерли хусусиятлар улардан тўла истифода этишга бир қадар монелик кўрсатиб туради. Мактубларнинг ана шундай хусусиятларидан бири уларда адресат ва сананинг кўрсатилмаганлигидир. Навоийнинг ҳозирда бизга маълум (нашр этилган ҳамда кейинги вақтларда маълум бўлган) мактубларининг биронтасида нома жўналитаётган шахс ва унинг ёзилган вақти кўрсатилмаган<sup>1</sup>.

Таниқли навоийшунос олима Суйима Ғаниева тўғри қайд этганидек<sup>2</sup>, мактублар қаердан қаерга ва кимларга йўлланганлигини аниқлаш анча мушкуллигидан илмий адабиётимизда баъзи мактублар юзасидан ғоят чалқаш ва қарама-қарши фикрлар мавжуд.

Бизнингча, ҳозирги қадар муаммо бўлиб келаётган бу ҳодисани яна ўша иншо санъатининг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб изоҳлаш керак. Яъни, мактублар ўша даврда бирон бир хабар, мақсад ёки янгиликни элтувчи восита – ҳужжат эканлигидан кўра кўпроқ Шарқ бадий прозасининг ўзига хос намунаси сифатида юзага келган ва қабул қилинган. Бошқача қилиб айтганда, бу мактублар ҳозирги кундаги оддий хат тушунчасидангина иборат бўлиб қолмасдан, балки ўрта аср Шарқ адабиётидаги бадий ижод турларидан бири сифатида юзага келгандир. Асосан, форс тилида яратилган ана шундай мактублар тўплам ҳолига ҳам келтирилганлиги ва шунинг билан бирга иншо санъати ҳақида ўзига хос рисолалар ҳам юзага келганлиги фанда маълум. Бу ўринда Навоийнинг ўзига замондош ижодкорлар – Абдуллоҳ Марвориднинг “Шарафнома”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Махзан ул-иншо”, Абдурахмон Жомийнинг “Муншаот” асарларини эслаш кифоя. Бироқ, Навоий “Муншаот”нинг муқаддима қисмида ёзишича, туркий халқлар орасида ёзиладиган ёзишмалар бадий гўзал ифодалардан, кўркам сўз

<sup>1</sup> ЎзФА академиги И.О.Султонов ўзининг “Навоийнинг қалб дафтари” номли китобида Навоий мактубларининг бу хусусияти ҳақида икки хил фикр билдиради, унинг ёзишича, “Навоий ... адресатларни хатлардан олиб ташлаган (ёки у вақтда адресатни хатнинг ўзида кўрсатиш одати бўлган эмас)”. Қаранг: Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969, 186-бет.

<sup>2</sup> Ғаниева С. “Муншаот”да даврнинг баъзи ижтимоий-сиёсий масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1975, 1-сон, 11-бет.

ва иборалардан холи (“алфози латофатдин муарро ва тарокиби балоғатдин мубарро”) бўлган, уларда чиройли шеърӣ парчалар, гўзал байтлар бўлмаган (“адоси рангин фиқаротдин намойишсиз ва мазмуни рангин абётдин оройишсиз”), бу жиҳатдан қараганда форс тилидаги мактублар дилга ёқимли ва юксак савияда бўлган (“муқобалада форсий алфознинг иншолари дилписанд ва макотиб ва имлоалари аржуманд эрди”). Шунга кўра дилида туғилган ниятини баён этиб Навоий ёзади: “...хаёлга андоқ келдиким, турк алфозининг дағи руқбалари ҳамул мисол била битилгай ва бу тилнинг номаларин ҳам ўшул минвол била сабт этилгай”<sup>3</sup>.

Зотан, мактублар шунчаки бирон хабар ёки мазмунни ташувчи хужжатгина эмас, айна пайтда ўзига хос бадий санъат намунаси сифатида яратилар экан, уларнинг бошига фалончидан-фалончига, деб ёзиш улардаги бадийликка соя солиб кўядигандек туюлган, бошқача қилиб айтганда адресат ва сананинг ёзилиши мактуб услубига нисбатан номувофиқ кўринган бўлса, эҳтимол. Қолаверса, адресат ва санани ёзишга деярли эҳтиёж ҳам бўлмаган, чунки мактуб ишончли ва тайинли кишилар орқали жўнатилган. Бундай кишилар – уларни “қосид”, “хомил” яна “доранда” деб аташган – мактубнинг ёзилган вақти, жўнатилаётган ери ва хат муаллифи ҳақидаги баъзи маълумотларни оғзаки етказишдан ташқари баъзи бир махфий туғин лозим бўлган гапларни айтишни ҳам ўз зиммасига олган<sup>4</sup>.

Дарвоқеъ, “Муншаот”га хос яна бир жиҳат: тўпلامдаги баъзи мактубларда шахслар номи ўрнида “фалоний” сўзи ишлатилади. Шоир ёзаётган мактубидан ўзи учун бир нусха ёзиб олиб қолаётганида ёки кейинчалик, яъни айтиш мумкинки, мактубларни тўпلام ҳолига келтираётган вақтда баъзи мактублардаги шахслар исмини “фалоний” сўзи билан алмаштирган бўлиши керак. Табиийки, шу

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Асарлар. Ўн учинчи том, 87-бет. “Муншаот”даги айрим мактублар мазмунига қараганда, Навоийнинг шу тарзда ёзган мактубларига баъзи шахсларнинг, хусусан, Хусайн Бойқаронинг жавоб мактублари ҳам сержило ва соф бадий шаклда ёзилган кўринади. Чунончи, бир мактубда Навоий ўзига келган мактубни шундай сифатлайди. “Не икки байт эрдиким, икки сарой ҳосилин фидо қилсам, қеч иш қилмаиш бўлгаймен ва не назм ва наср эрдиким, жон ва кўнгул жавҳарларин нисор этсам, қадрин билмаиш бўлгаймен, назмининг раъноларида юз ноз ва насрининг зеболарида минг роз”.

<sup>4</sup> “Муншаот”даги баъзи мактубларда учровчи “Ружуъ руқба хомилининг адосига ва ҳавола нома ноқилининг дуосига қилилди”, “мундағи ҳолатни руқба хомилидин сўрулса, арз қилгусидур” каби жумлаларни худди мана шу маънода тушуниш керак.

ишни амалга ошираётган чоғда у ўзининг имзосини ҳам тушириб қолдирган. Чунки мақсад эътиборига кўра энди имзонинг туришига ҳожат йўқ эди. Демак, бу факт ҳам Навоийнинг муайян сабаб ва заруриятлар тақозоси билан ёзилажак мактубларини Шарқ иншо санъатининг ўзбек тилидаги намунаси сифатида яратганлиги ва уларни бадиий ижоднинг ўзига хос бир тури сифатида тўпланганлигидан далолат беради.

Ўша даврлардаги ҳукумат раҳбарлари ёки сарой эгаларининг давлат ишларига доир ёзишмаларини адиб ва алломаларнинг мактубларига қиёсланса, улар ўртасида асосан, биз сўз юритаётган жиҳатларга кўра тафовут борлигини кўрамиз. Давлат бошлиқлари ёки уларнинг номидан иш юритувчи шахсларнинг мактубларида аксарият вақт адресат ва санадан ташқари мактуб йўллаётган кишининг номи (албатта, улугʻловчи сўз ва сифатлар билан) ҳам кўрсатилган; билдирилажак мақсад, талаб ёки хабарлар аниқ ибора, конкрет жумлалар орқали очиқ ва равшан баён қилинган. Зотан, бу тоифа кишиларнинг ёзишмаларида бадиий услуб эмас, расмий услуб устун туради.

Дарвоқе, Навоий “Муншаот”идаги 25-мактубда бир ҳукмдор шахс томонидан иккинчи бир юқори даражали давлат кишисига юборилажак нома қай шаклда ёзилиши кераклиги ҳақида сўз кетадики, бу ёзилганлардан ҳам давлат эгаларининг ёзишмалари ҳақида бир қадар тасаввурга эга бўла оламиз. Мактубда ёзилганлардан маълум бўлишича, тобеъ вилоятлардан бирини бошқараётган қайсидир шахзода ўзига меҳмон бўлиб келиши кутилаётган ҳон унво­нидаги шахс хусусида икки нарсани Ҳусайн Бойқародан сўраб, билиб беришни Навоийдан илтимос қилади (“Андоқ ишорат бўлуб эрдиким, хазрати хон бобида икки сўзни Мирзо тобуғида арз қилиб, жавобин олиб юборгил”) – бири қай йўсинда у кишини одам юбориб йўқлаш, иккинчиси, у кишига юбориладиган мактуб қай тарзда ёзилиши керак. Шунга мувофиқ Навоий ёзиб юборган жавобида Ҳусайн Бойқаро кўрсатмаларига доир қуйидагиларни ўқий­миз: “... бу муддатда бизга мундоқ азиз меҳмон келган эмас, битикда хон тобуғида<sup>5</sup> деб битиб, мактубни охиригача таъзим би­ла битисун ва орқасида муҳр ё исмин битик ўртасида қироғи сори майл қила босиб, ё (исмини) битсун, деб ҳукм қилдилар”.

<sup>5</sup> Навоийнинг бир қатор мактублари имлосида характерли бир хусусият мавжуд – баъзи мактубларда жуналиш келишиги қўшимчаси (-га, -ға, -қа) ўрнига ўрин-пайт келишиги қўшимчаси (-да, -та) ишлатилган.

Бу факт давлат эгалари, ҳукмдор шахслар ёзишмалари анъанавий Шарқ номачилигига нисбатан ўзига хос жиҳатларга эга эканлигидан гувоҳлик беради. Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи”) номли асарида тексти келтирилган Хуросон шоҳи Шохрух билан Хитой подшоҳи Дой-Минглар ўртасидаги ёзишмалар ҳам шуни тасдиқлайди. Хитой элчилари келтирган хат “Дой-Минг, подшоҳи муаззам, Самарқанд диёрига Шохрух баҳодир учун нома юбормоқда!” деб бошланади.

Ўз навбатида, Шохрухнинг шу элчилар орқали юбораётган жавоб хати эса “Шохрух султондан Дой-Минг подшоҳ тарафига таърифга сизмас (беҳад) саломлар” деб бошланади<sup>6</sup>.

Навоийнинг улуғ замондоши, устоз санъаткор Абдурахмон Жомийнинг ўз мактубларини жамлаб, тўплам ҳолига келтирилганлиги маълум. Унинг форсий мактубларидан иборат ана шу “Муншаот”нинг бир неча қўлёзма нусхалари ҳозирда мавжуд<sup>7</sup>. Шунингдек, ЎзФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида Жомий ва яна Навоийга замондош бўлган бир қанча шахслар (Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва унинг ўғиллари – Хожа Абдуллоҳ ҳамда Хожа Яҳё, Хожа Абдулаввал, Мавлоно Қосим, Мавлоно Абдусайд, Муҳаммад ибн Амниддин, Хожа Али ва Хожа Ҳасан бин Алоиддин Аттор)нинг ёзишмаларидан иборат “Мажмуаи мурасолот” ёки “Навоий альбоми” номли бир мажмуа сақланади<sup>8</sup>. Ана шу тўпламдаги мактубларнинг деярли биронтасида ҳам адресатни кўрмаймиз.

Кўринадикки, Шарқнинг машҳур адиблари, шу жумладан, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий мактубларининг зикр этилаётган икки хусусияти (адресат ва услуб) уларнинг илмий-тарихий қимматини бир қадар чеклаб туради. Чунки ана шу жиҳатлар туфайли мактуб мазмуни бир мунча мавҳум тарзда намоён бўлади.

Шунга қарамасдан, Навоийнинг бир қатор мактубларидаги баъзи бир факт ва маълумотлар, исм ва ишоратлар ҳамда билдирилаётган хабарлардан мактуб адресати ва тахминий бўлса-да, ёзилган вақти ҳақида тегишли хулосалар чиқариш мумкин. Баъзи

<sup>6</sup> Самарқандий А. Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн. Форс-тожик тиладан таржима, таржимон А.Ўринбоев. Т.: Фан, 1969. 174-179 ва 177-178 бетлар.

<sup>7</sup> ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв. № 620-П, 4401, 1804, 284-1.

<sup>8</sup> ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв. № 2178, 4245, 5136.



мактубларда эса мазмун анча ёрқин ифодаланган бўлиб, уларда муаллифнинг мақсад ва ниятлари аниқ кўзга ташланиб туради. Бундай мактубларда ёзилганлар, асосан, конкрет хабар ёки фактлардан, ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий воқеаларга доир маълумотлардан иборатдир. Шунга кўра, Навоийга замондош тарихчилар (Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий, Бобур) асарлари ва шунингдек, шоирнинг ўзининг бошқа асарлари – “Мажолис ун-нафоис”, “Хазойин ул-маоний” дебочаси ва баъзи лирий асарлари ёрдамида бу мактублар мазмунига янада аниқлик киритиш мумкин.

Табийки, Навоий мактубларининг биз сўз юритаётган жиҳатларидан бири – сана масаласи яна бир муаммони келтириб чиқаради – мактубларнинг ёзилган вақти кўрсатилмаганлиги туфайли “Муншаот”да мактублар хронологиясини аниқлаш анча мушкулдир. Бироқ, проф. Иззат Султонов “Муншаот”да хатлар хронологик тартибда берилган” деган фикрни билдиради ва “саналари кўрсатилмаган бўлса ҳам, бу хронологик хатларнинг мазмунидан билиб олиш мумкин”, дея ўз фикрини асослайди<sup>9</sup>. Бироқ, мазмунидан ёзилган вақтини бир қадар аниқлаш мумкин бўлган мактубларни ўзаро қиёсласак, хатлар тўпلامда хронологик тарзда жойлашмаган бўлиб чиқади. Мисол тариқасида баъзи мактубларни келтирамыз. 15-мактуб мазмунидан унинг Хусайн Бойқарога ёзилганлигини билиш қийин эмас<sup>10</sup>. Мактубда айтилишича, Хусайн Бойқаро Навоийга шеърларини тўплаб, Султонали Машҳадийга кўчиртиришни ва сўнгра ўзига юборишни таклиф этган, лекин баъзи сабабларга кўра, Навоий бу ишни кечроқ амалга оширган. Ишнинг

<sup>9</sup> Иззат Султон, кўрсатилган китоб, 186-бет.

<sup>10</sup> Айна пайтда “Муншаот”даги мактубларнинг биронтасида каердан каерга, кимга ва қачон ёзилганлига ҳақида маълумотнинг йўқлиги уларни қай тарзда номлаш керак, деган муаммони ҳам келтириб чиқаради. Асарнинг 1966 йилги нашрида ҳар бир мактуб рақам остида берилган. (Қаранг: Алишер Навоий. Асарлар. Ўн учинчи том. Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966). Биз ана шу нашрдаги рақамланишни асос қилиб иш кўришни мақсадга мувофиқ топдик. Бироқ, мазкур нашрда нашриёт айби билан баъзи мактублар рақамланмаган ёки икки мактуб битта рақам остида берилган. Иккинчидан, биз “Муншаот” асари қўлёзмаларини ўрганишимиз жараёнида шу вақтга қадар номаълум бўлиб келган йигирмага яқин мактубни аниқлашга муяссар бўлдик. Шунга кўра, бизнинг нашримизда мактублар сони ва тартиб рақами мазкур нашр ҳамда Алишер Навоий “Мукаммал асарлар тўплами”нинг 14-жилдидаги “Муншаот” нашридан бир мунча фарқ қилади. 2011 йилда чоп этилган Алишер Навоий “Тўла асарлар тўплами” ўн жилдигининг 9-жилдидан ўрин олган “Муншаот” ноширлари биз томондан тайёрлаб қўйилган матннинг электрон вариантдан фойдаланган ҳолда аввалги нашрларга нисбатан тўлдириш қилганлар. Шу боис бу нашрдаги мактублар миқдори ва тартиб рақами бизнинг нашримизга деярли тўғри келади.

кечкиш сабабини баён этиш ҳамда юзага келган тўплам – девонни олиб боришни Навоий азиз дўсти Мавлоно Мир Хусайн Бовардийга топширади.

Адабиётшунос олим Ходи Зарифнинг таъкидлашича, бу девон Навоийнинг биринчи девони “Бадойиъ ул-бидоя” бўлиб, унинг юзага келиш вақти 1471 ёки 1472 йилдир<sup>11</sup>. Ҳозирда “Бадойиъ ул-бидоя”нинг XV асрга мансуб тўртта нодир нусхаси маълум ва уларнинг энг сўнгги кўчирилгани Тошкентдаги нусха бўлиб, у 1486 йилда битилгандир. Бошқа нусхалар – Париж нусхаси (Франция миллий кутубхонаси, № 746/1480-81, Лондон нусхаси (Англия, Британия музейи, № 401/1482-83 ва Баку нусхаси (Озарбойжон ФА республика қўлёзмалар фонди, № 3010) 1484 йилларда кўчирилган<sup>12</sup>.

Энди бу мактубдан аввалги ўринда турувчи 11, 12-мактублар мазмунига эътибор берайлик: 11-мактубда Навоий шаввол ойининг йигирма олтисиди Марвдан Астрободга жўнаётганлигини ёзади. “Равзат ус-сафо” асаридан маълумки, хижрий 892 йилнинг қишини Марва ўтказишга қарор қилган Султон Хусайн Бойқаро шу йили Навоийни Астрободга ҳоким қилиб жўнатади<sup>13</sup>. Демак, мактубни Навоий ҳ. 892 йил шаввол ойининг йигирма олтинчисиди – ҳозирги ҳисоб билан 1487 йил 16 октябрь, душанба куни, Марвдан Астрободга жўнаш олдида ёзган. 12-мактубда эса, Навоий энди Астрободда эканлигини ёзади. Қолбуки, бу вақтга қадар “Бадойиъ ул-бидоя” девони тузилгангина эмас, ҳатто, тўрт марта кўчирилган ҳамдир. Башарти биз унинг тузилган йилини Ходи Зариф кўрсатганидек 1471 ёки 1472 йили деб ҳисобласак, ана шу воқеа муносабати билан юзага келган 15-мактуб 11-мактуб ёзилган вақтдан ронпа-роса ўн беш йил аввал ёзилган бўлади.

56-мактуб Навоийнинг Бадиуззамон Мирзога давлатни идора этиш бобида билдирган ғоятда қимматли таклиф ва маслаҳатларидан иборатдир. Ушбу мактубдаги баъзи бир далил ва ишораларга асосланган ҳолда уни Навоий Бадиуззамон Мирзонинг Астрободга

<sup>11</sup> Ходи Зариф. “Бадойиъ ул-бидоя”нинг тузилган йилини аниқлашга доир / Фозиллар фамиляси. Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969, 86-94 бетлар.

<sup>12</sup> Қаранг: Навоий ўзбекча қўлезма девонларининг редакцион классификацияси, Таблица № I. Тузувчи: проф. Ҳ.С.Сулаймонов. Алишер Навоий, Хазойин ул-маоний, IV. Т.: ЎзФА нашриёти, 1960, 847-бет.

<sup>13</sup> Қаранг: Навоий замондошлари хотирасида. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 37-бет.

ҳоким бўлиб борганидан (1490 йил) кейин йўллаганлигини аниқлаган эдик<sup>14</sup>. Ана шу мактубдан олдинги, 55-мактубнинг ҳам Бадиуззамонга ёзилганлиги унинг мазмунидан яққол англашилади. Мактуб мазмунига кўра, тобеъ вилоятларидан бирига эгалик қилаётган Бадиуззамон Мирзода марказий давлат эгаси Хусайн Бойқарога бўйинсунмаслик, отага нисбатан ҳурматсизлик аломатлари зоҳир бўла бошлаган. Шунга кўра, уни бу йўлдан қайтариш, инсофга келтириш мақсадида Навоий шахзодага ўзининг панд-насихатларини баён этади. Демак, бу мактуб Бадиуззамон Мирзо табиатида кейинчалик содир бўлган саркашликлар туфайли юзага келган<sup>15</sup>. Шундай бўлгач, у 56-мактубдан бир неча йил кейин ёзилган бўлади. Башарти “Муншаот”даги мактублар хронологик тартибда берилган бўлганида эди, бу мактуб 56-мактубдан олдин эмас, балки кейин жойлашган бўлар эди. Абдурахмон Жомий вафоти билан боғлиқ мазмундаги мактуб 55-мактубдан анча кейин, яъни 75-тартиб рақами билан келади. Ваҳолоんки, Жомий 1492 йил 8 ноябрда вафот этган.

Шунинг билан бирга баъзи ўринларда бир манзилга олдинмакейин ёзилган ёки бир жойдан туриб жўнатилган бир нечта мактублар батартиб жойлашган кўринади. Масалан, юқорида айтиб ўтганимиздек, 11-мактуб мазмунидан уни Навоий Астрободга жўнаш олдидан ёзаётганлиги аниқ кўриниб турса, 12-мактубда энди шоир Астрободдалигини ёзади.

Шунингдек, 43 ва 44-мактублар мазмунидан улар бир манзил – Машҳаддан ёзиб жўнатилганлиги англашилади.

Зотан, Навоий мактубларида ана шундай хусусиятларнинг мавжудлигидан қатъий назар, уларнинг ҳар бири буюк даҳо эгасининг ҳаёти ва ижоди, ижтимоий фаолияти ва дунёқараши ҳамда XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросондаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётни ўрганишда қимматли материаллар берувчи муҳим бадий-тарихий ҳужжатдир.

Навоийга замондош бўлган маданият арбоблари бу асарга юксак баҳо бердилар, ўзларининг муносабатларини билдирдилар.

<sup>14</sup> Қаранг: Ю.Турсунов, “Дастурнома” кимга йўлланган? // Адабиёт кўзгуси. 2000. 5-сон, 20-23 бетлар.

<sup>15</sup> Фикримизча, мазкур мактуб 1497 йилнинг бошларидаги воқеа – Бадиуззамоннинг Хусайн Бойқаро фармонида зид равишда Астрободни қўлдан чиқармаслик йўлидаги ҳатти-ҳаракатлари (бу ҳақда қаранг: Навоий замондошлари хотирасида, 46-47 ва 132-133 бетлар) муносабати билан ёзилган.

Жумладан, машҳур тарихчи, даврининг таниқли адиби бўлган Хондамир Навоийнинг насрий асарлари ҳақида сўз юритар экан, “Муншаот” ҳақида ёзади: “Яна бири ўзларининг ҳар кимга ёзган туркий мактубларидирки, рисола шаклида тўплаганлар. Агар ёзувчи юлдуз (аслиятда юлдуз ёзувчиларнинг ҳомийси бўлмиш Аторид, ҳозирги тилимизда аталмиш Меркурий сайёраси назарда тутилади – Ю.Т.) осмон қоғозларига унинг қимматбаҳо мактубларидан бирининг сифатларини узоқ муддат ёзса ҳам поёнига етолмайди”.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоийнинг туркий тилидаги ижодий меросини санаб ўтаркан, “Хамса” ва “Лисон ут-тайр” достонларини ҳамда “Хазойин ул-маоний”даги тўрт девон номларини келтиргач, яна ёзади: “Яхши рубоиёти ҳам бор. Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлганларга боқа пастроқ ва сустроқ воқеъ бўлубтур. Ул жумладан, иншоларин Мавлоно Абдурахмон Жомийга тақлид қилиб жамъ қилибтур”<sup>16</sup>.

Бобур назарда тутаётган, яъни Навоийнинг “Хамса”си достонлари ва “Хазойин ул-маоний” девонларига қараганда, “пастроқ ва сустроқ” ёзилган асарлари, асосан, унинг насрий асарлари бўлиб чиқади. Албатта, бу айтилганларга қўшилиб бўлмайди. Аввало, Бобур томонидан Навоий асарларининг бирдан иккинчисини пастроқ ёки юқорироқ қўйилиши ажабланарли ҳолдир. Бизнингча, Бобур Навоийнинг эпик ва поэтик асарларини кўп мутолаа қилгани ҳолда унинг соф насрий асарлари билан шошилиброқ танишган бўлса керак<sup>17</sup>. Унинг (Навоий) “иншоларини Мавлоно Абдурахмон Жомийга тақлид қилиб жамъ қилибтур”, деб ёзиши бу фикримизни тасдиқлагандек бўлади. Чунки, биринчидан, Навоий на “Муншаот”нинг ўзида ва на бошқа асарларида унинг Жомийга тақлид қилиб, мактубларини тўплаганлигига ишорани кўрмаймиз. Башарти шундай қилган бўлганида, у ҳар қандай керакли ўринда буни рўйи рост эътироф этган бўларди. Иккинчидан, Навоийнинг асосий мақсади мактубларни тўплаш эмас, балки форс тилида

<sup>16</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Шарк” нашриёти, 2002. 132-бет.

<sup>17</sup> Уша ўринда Бобур Навоийнинг насрий асарларидан фақат “Мезон ул-авзон” асаринигина алоҳида тилга олади ҳамда унда янглиш ва хато ўринлар борлигини қайд этади. 16-17 ёшидан бошлаб шеър ёза бошлаган ва шеър илмига ҳаваси кучли бўлган Бобурнинг ўзига қадар яратилган арузга оид асарлар қаторида Навоийнинг “Мезон ул-авзон”ини ҳам алоҳида қизиқиш билан ўқиб чиқиб, уни қайта-қайта муҳокама қилган бўлиши табиий.

бўлгани каби ўзбек тилида ҳам ёзилажак мактубларга бадий либос кийдириб, ўзбек тилининг гўзаллиги ва имкониятлари кенг эканлигини яна бир бор намоёниш этиш эди.

Зотан, Навоий асарнинг муқаддима қисмида таъкидлаганидек, туркий халқлар орасида сержило услубда мактуб ёзиш одати бўлмаганлиги туфайли ишро санъатининг форс тилидаги намуналари (фақатгина Жомий мактублари эмас) жавобида ўзбек тилида ҳам мактублар ёзган ва уларни тўплам ҳолига келтирган экан, у Жомийга бўлмаса-да, барибир форсийгўйларга тақлид қилибди-ку, деювчилар топилиши мумкин. Тўғри, буни инкор эта олмаймиз. Лекин В.Г.Белинский ёзганидек, “ҳар қандай халқ бошқа халқдан ўрганиши мумкин, бироқ у олган ва тақлид қилган қарзига, сўзсиз ўз даҳосининг муҳрини босади”<sup>18</sup>.

Бинобарин, ўзбек мумтоз адабиёти хазинасида ягона ҳисобланган туркий “Муншаот”нинг муаллифа ҳам ундаги иншоларга ўзининг навоийёна муҳрини босгандир. Шунинг учун ҳам у комил ишонч билан “... макотибга рақам урубменки, форсий сеҳрсозлар ва наҳлавий афсона пардозлар ҳам онда авроқ ораста ва ажзо ироста қилибдурларким, доно ҳакам адолат юзидин кўз солса ва бурунги форсий ва сўнги туркий латойиф ва дақойикидин баҳра олса, ҳукм сўрар замонида ва ҳар қайсининг мартабасини таъйин қилур авонида умидим улдур ва хаёлимға андоқ келурким, сўзум мартабаси авждин қуйи инмагай ва бу тартибим кавкабаса аъло даражадан ўзга ерни беганмагай”<sup>19</sup> дейишга журъат этган.

Дарҳақиқат, кейинги асрларда ҳам Навоий “Муншаот”и маърифат аҳлининг диққат эътиборида бўлиб келди, шоирнинг бошқа асарлари катори котиблар томонидан қайта-қайта кўчирилди.

XIX асрга келиб эса, асар Европа туркологларининг, шу жумладан рус олимларининг ҳам эътиборини торта бошлади. Бу асар ҳақида биринчи бўлиб илмий фикр билдирган киши рус олими М.Никитский бўлди. У “Амир Низомиддин Алишер, унинг давлат ва адабиёт соҳасидаги аҳамияти” номли магистрлик диссертациясида шоирнинг ижод намуналари ҳақида маълумот бериб, жумладан, “Муншаот” асарига ҳам қисқача тўхталиб ўтади. Бироқ бунда у деярли фақат Бобур маълумотларига асосланган ҳолда сўз

<sup>18</sup> Белинский В.Г. Адабий орзулар. Адабий-танқидий мақолалар. Т.: Фағур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т.: 1977, 8-бет.

<sup>19</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 14-том, 121-бет.

юритади. Лекин гап бунда ҳам эмас, шуниси характерлики, Никитский “Бобурнома”да бўлмаган маълумотларни ҳам Бобурга тақайди:

“IX. МУНШААТЪ”, письмо́вникъ в прозе и стихахъ. Сочинение считае́мое Баберомъ однимъ изъ нисшихъ по достоинству. Баберъ называетъ этотъ писмовникъ подражаниемъ письмо́момъ Мауляна-Абдурахмана-Джами, впрочемъ только вторую часть этого письмо́вника, а первую считае́тъ подлинникомъ. Цель этого письмо́вника, говоритъ авторъ записокъ واقعات بابر та, чтобы всякий могъ найти образецъ письма, приспособленный къ какому бы то, не было предмету, о которомъ хотель писать”<sup>20</sup>.

Бизнингча, Никитский асарнинг ўзи билин яқиндан танишмаган бўлиши керак. Бобур маълумотларига кўр-кўрона суяниши натижасида эса юкоригагидек нотўғри фикрларга келган. Агарда Никитский лоақал Навоий “Муншаот”ининг муқаддимасини ўқиган бўлганида ҳам бу асар ҳақида шунчалик мувоҳасали гапларни ёзмаган бўлур эди.

1857 йилда проф. И.Н.Берёзин Қозонда нашр эттирган “Турк хрестоматияси” китобининг 1-томида “Муншаот”дан парчалар беради. Бу – тўпламнинг аввалидан олти (1-6) мактуб эди<sup>21</sup>.

Собиқ шўро даврида Навоий “Муншаот”ига 1920 йиллардаёқ кизиқиш бошланган эди. 1926 йилда Бокуда Озарбойжон Давлат нашриёти проф. Исмоил Ҳикматнинг “Амир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва адабий мавқеъи” ва проф. Бакр Чўбонзоданинг “Навоий – тилчи” мақолалари билан Навоийнинг “Вакфия” ҳамда “Муншаот” асарлари тўла нашр этилади. “Муншаот”нинг мазкур нашри Навоийнинг саксон саккизта ўзбек ва бир форсча мактубидан иборат эди.

Китобга тақриз ёзган А.Самойлович ҳар икки автор мақола-сида ҳам нашрга асос бўлган кўлёзманинг кўрсатилмаганлиги ва 1857 йилда Берёзин нашр эттирган хрестоматияга бу асарлардан парчалар киритилганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаганлигини қайд этади<sup>22</sup>. Самойлович Берёзин хрестоматиясидаги парчалар ҳам,

<sup>20</sup> Эмирь-Назам-эд-динь-Али-Ширъ въ государственномъ и литературномъ его значении. Разсуждение Михаила Никитского. На степень магистра восточной словесности. Санкт-Петербургъ. 1856, стр.85-86.

<sup>21</sup> Қаранг: А.Самойлович. Критика и библиография / Мир-Али-Шир. Сборникъ къ пачисотлетию со дня рождения. Л.: Изд-во АН СССР, 1928, стр. 171.

<sup>22</sup> Ўша асар, ўша жойда.

Боку ширри ҳам муътабар қўлёзма пухса асосида амалга оширилган, деган қарорга келади<sup>23</sup>.

1928 йилда проф. Фитрат томонидан тузилган “Ўзбек адабиёти намуналари” хрестоматиясига “Навоийнинг мактублари (Руқъот)-дан” деган умумий сарлавҳа билан Навоийнинг икки мактуби киритилади<sup>24</sup>. Булар “Муншаот”даги 4- ва 56-мактублар эди. 56-мактуб матни “Навоийнинг Хусайн Бойқарога хати” сарлавҳаси остида, 4-мактуб эса “Навоий бир дўстига ёзадир, бир киш зиёфати муносабати билан” деган сарлавҳа остида берилган. Бироқ, бу ҳар икки мактубнинг ҳам матнида жиддий нуқсонларга йўл қўйилган.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг мамлакатимиздаги илқ тадқиқотчиларидан бири, марҳум навоийшунос Олим Шарафиддинов ўзининг “Алишер Навоий” номли илмий-оммабоп асарини<sup>25</sup> ёзар экан, буюк мутафаккирнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ёритишда “Муншаот”даги 56-мактубга кўпроқ мурожаат этади<sup>26</sup>. Айни пайтда олим “Муншаот” Навоий даври, унинг сиёсий, ижтимоий қарашлари ҳамда ҳаёти тўғрисида қимматли материаллар берувчи муҳим манба эканлигини алоҳида қайд этади<sup>27</sup>. Бироқ Олим Шарафиддинов ўзи сўз юритаётган 56-мактубни Султон Хусайн Бойқарога ёзилган, деган фикрда бўлган.

1941 йилда мазкур олим тузган “Ўзбек адабиёти хрестоматияси”да<sup>28</sup> “Муншаот” асаридан намуна тариқасида ана шу мактуб “Навоийнинг Хусайн Бойқарога хати” сарлавҳаси остида берилади ва унга “Бу Навоийнинг давлат ислоҳоти ҳақидаги машҳур мактубидир. Навоий бу хатни Астрободдан ёзиб юборган” деган изоҳ илова қилинади<sup>29</sup>. Бу мактуб матни “Муншаот”нинг қўлёзма ман-

<sup>23</sup> Ўша жойда.

<sup>24</sup> Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд. Тузувчи: Фитрат. Тошкент-Самарқанд: Ўзнашр, 1928, 267-279 бетлар. Қайта нашри. Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2016.

<sup>25</sup> Олим Шарафиддинов бу китобни 1939 йилда чоп эттирган ва 1941 йилда уни кенгайтириб, қайтадан ишлаб бoшлаган. Лекин бу ишни амалга ошириш унга насиб этмади – олим Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Навоий юбилейини ўтказувчи ҳукумат комиссияси тошшириғи билан Иzzат Султонов мазкур китобни бошдан оёқ қайта ишлаб чиқади. 1948 йилда китоб иккинчи марта нашр эттирилади. Қаранг: Олим Шарафиддинов. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. Т.: Ўздавнашр, 1948.

<sup>26</sup> Ўша китоб, 72-бет.

<sup>27</sup> Ўша китоб, 89-бет.

<sup>28</sup> Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. VIII-XVасрлар. Олий педагогика ўқув юртлари учун. Т., 1941.

<sup>29</sup> Ўша китоб, 259-бет.

баларидан эмас, балки Фитрат хрестоматиясидан олиб қайта босилган. Мактубнинг “�ўзбек адабиёти намуналари” китобида берилган матндаги хаго ва камчиликларнинг бу хрестоматияда ҳам айнан тақрорланиши ана шундай хулосага олиб келади.

1946 йилда Р.Л.Волин томонидан Ленинград фондларида сақланаётган Навоий асарлари қўлёзмалари қаторида у ердаги мавжуд “Муншаот” асари қўлёзмаларининг ҳам тавсифи берилади<sup>30</sup>.

Тарихчи олим Р.Н.Набиев “XV асрда Мовароуннахрнинг сиёсий-иқтисодий ҳаётидан” номли мақоласида Алишер Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтади<sup>31</sup>. Марказлашган давлат тарафдори бўлган Навоийнинг Султон Хусайн давлати яхлитлиги ва бирлиги учун қайғурганлиги, марказий ҳукуматга қарши ҳар қандай бош-бошдоқликка олиб борадиган ҳаракатларни олдини олиш учун қўлидан келганча ҳаракат қилганлигини олим “Муншаот”даги Бадиуззамонга ёзилган каттагина ҳажмдаги бир мактуб мисолида асослаб беради<sup>32</sup>. Шунингдек, олим Навоийнинг давлат бобидаги прогрессив ғоялари, айниқса, унинг Бадиуззамонга юборилган иккинчи бир мактубида кўринишини таъкидлайди<sup>33</sup>. Мақола муаллифи “Бу мактуб бир вилоят ҳокимига ёзилган бўлса ҳам, Навоийнинг давлатни қандай идора этиш ҳақидаги тушунчасини яққол ифодалайди” деб ёзадики, унинг бу ўринда 56-мактубни назарда тутаётганлаги аниқ кўриниб турибди. Бинобаран, Набиев биринчи бўлиб бу мактубни Хусайн Бойқарога эмас, Бадиуззамонга ёзилган, деб тўғри ҳукм юритган.

Бироқ, шунга қарамасдан, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида яратилган кейинги илмий мақола ҳамда монографияларда бу мактуб тилга олинганда унинг адресати Хусайн Бойқаро, деб кўрсатилиб келинди<sup>34</sup>. Фақат 70-йилларнинг бошларига келибгина на-

<sup>30</sup> Волин С.Л. Описание рукописей произведений Навои в Ленинградских собраниях. Сборник “Алишер Навои”. М. -Л.: Изд-во АН СССР, 1946., стр. 203-235.

<sup>31</sup> Набиев Р.Н. XV асрда Мовароуннахрнинг сиёсий-иқтисодий ҳаётидан / Улуғ Ўзбек шoirи. Мақолалар тўплами. Т.: ЎзФАН нашриёти, 1948.

<sup>32</sup> Ўша китоб, 31-32 бетлар.

<sup>33</sup> Ўша китоб, 32-33 бетлар.

<sup>34</sup> Қаранг: Олим Шарафиддинов. Алишер Навоий. Т.: Ўздавнашр, 1948, 72-бет; Е.Э.Бертельс, Избранные труды / Навои и Джами. М.: Наука, 1965, стр. 71; Ойбек. Навоий гулшани. Т.: “Тошкент” бадий адабиёт нашриёти, 1963, 425-бет; Н.Маллаев, Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб, қайта ишланган учинчи нашри. Т.: Ўқитувчи, 1976, 374-бет; И.Султон, Навоийнинг қалб дафтари. Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1968, 352-бет; Ҳ.Алихўжаева. Буюк даҳо мактублари // Шарқ юлдузи. 7-сон, 1967, 178-бет.



ноийшунослигимизда бу мактуб адресати ҳақидаги нотўғри қарашларга нуқта қўйилди. Адабиётшунос олима Марғуба Мирзааҳмедова 56-мактуб Султон Ҳусайнга эмас, балки унинг ўгли шаҳзода Бадиуззамон Мирзога ёзилганлигини мазкур мактубнинг ўзидаги ҳамда унга алоқадор томонлари бор бўлган, яъни мазмунидан Бадиуззамон Мирзога ёзилганлиги аниқ кўриниб турувчи аввалги, 55-мактубдаги фактик маълумотлар асосида кўрсатиб берди<sup>35</sup>.

1961 йилда Г.А.Давидова томонидан Ленинград фондларида сақланаётган Навоий “Муншаот”и қўлёзмаларининг палеографик тавсифи эълон қилинди<sup>36</sup>.

60-йилларнинг ўрталарига келиб “Муншаот” асари ҳақида махсус мақолалар юзага кела бошлади. Жумладан, адабиётшунос, Ҳалида Алихўжаева “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилган “Буюк даҳо мактублари” номли мақоласида<sup>37</sup> “Муншаот”нинг мамлакатимиз фондларидаги мавжуд қўлёзма нусхалари ҳақида умумий маълумот беради ва Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги давридаги тарихий шароит ҳамда Навоийнинг ижтимоий фаолиятига тўхталиб, шоир мактублари ана шундай ижтимоий-сиёсий шароит тақозоси натижасида юзага келганлигини қайд этади.

Ҳ.Алихўжаева Навоий “Муншаот”и устидаги изланишларини давом эттира бориб, кейинги илмий мақолаларида асар ва унинг қўлёзма манбаълари ҳақидаги маълумотларни янада бойитди<sup>38</sup>.

1966 йилда Навоий асарлари ўн беш томлигининг ўн учинчи томида “Маҳбуб ул-кулуб” ва “Вақфия” асарлари билан бирга “Муншаот” ҳам тўлиқ нашр этилгач<sup>39</sup>, унга бўлган қизиқиш ва ундан илмий истифода этиш янада кучайди; навоийшунослар, хусусан, Навоий биографлари бу асарга кўпроқ мурожаат эта бошладилар. Чунончи, таниқли навоийшунос олим Иззат Султонов

<sup>35</sup> Мирзааҳмедова М. Навоийнинг бир мактуби ва унинг адресати ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971, 6-сон, 58-61-бетлар.

<sup>36</sup> Қаранг: Г.А.Давидова. Палеографическое описание рукописей “Муншаот” (“Сборник писем”) Алишера Навои / “Краткие сообщения Института народов Азии”. Москва, 1961, № 44, стр. 167-188.

<sup>37</sup> Алихўжаева Ҳ. Буюк даҳо мактублари // Шарқ юлдузи. 1967, 7-сон, 176-182-бетлар.

<sup>38</sup> Қаранг: Ҳ.Алихўжаева, Муншаот // Ўзбекистон маданияти, 1967, 8 апрель; Алишер Навоий “Муншаот”ининг номаълум бир нусхаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1966, 2-сон, “Муншаот” асари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968, 3-сон.

<sup>39</sup> Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Ўн учинчи том. Т., 1966, 87-156 бетлар.

“Навоийнинг қалб дафтари”<sup>40</sup> номли китобини яратар экан, бунда у ўзига хос оригинал йўл танлайди – олим Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритишда фақат шоир ҳақида замондошлари (Абдурахмон Жомий, Султон Ҳусайн Бойқаро, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Абдураззоқ Самарқандий, Зайниддин Восифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар) ёзиб қолдирган хотира ва қайдлар ҳамда буюк санъаткорнинг ўз асарларига таянади. Тадқиқотчи мазкур асарлардаги Навоийнинг ҳаёти, фаолияти ва маънавиятига доир маълумотларни истифода этишда уларнинг маъносини ҳозирги замон ўқувчиси осон идрок этиши учун ҳолисона изоҳлаб беради. Жумладан, Иззат Султонов кўп ўринларда ўзининг фикр-мулоҳазаларини, даъво ҳамда хулосаларини исботлаш ёки янада конкретлаштириш мақсадида “Муншаот”даги мактублардан парчалар келтиради, баъзан эса уларни тўлиқ матнини беради. Муҳими шундаки, муаллиф “Муншаот” асари хусусида алоҳида тўхталиб, қисқача тарзда бўлса-да асарнинг характерли хусусиятларини изоҳлаб беради<sup>41</sup>.

Академик В.Зоҳидов “Улуғ шоир ижодининг қалби” номли монографиясининг “Навоий ҳаёти саҳифалари” деб аталувчи 3-бобида Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларини ёритишда “Муншаот”даги мактубларга бир неча бор мурожаат этади<sup>42</sup>.

Яна шу йили В.Зоҳидов “Муншаот” ҳақида тўрт қисмдан иборат махсус катга бир мақола ёзади. “Навоийнинг яна бир ҳаётномаси” деб аталган бу мақоланинг<sup>43</sup> аввалида олим “Муншаот”нинг ҳар жиҳатдан муҳим ва қимматли экани, шунинг билан бирга унда муаммоли ҳамда мураккаб томонлар ҳам мавжудлигини қайд этиб, сўнгра асарнинг ўрганилиш тарихига қисқача тўхталиб ўтади<sup>44</sup>. Олим гуманист шоир Алишер Навоийнинг ўзбек тилининг равнақи ва мавқеъи йўлида толмас курашчи эканлиги унинг ана шу асарини яратиши мисолида ҳам яққол намоён бўлишини алоҳида уқтириб,


<sup>40</sup> Иззат Султон. “Навоийнинг қалб дафтари”, Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Т., 1969 й.

<sup>41</sup> Иззат Султон. “Навоийнинг қалб дафтари”, Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Т., 1969, 186-бет.

<sup>42</sup> В.Зоҳидов. Улуғ шоир ижодананг қалби, “Ўзбекистон” нашриёти, Т., 1970, 75-78 бетлар.

<sup>43</sup> Қаранг: В.Зоҳидов. Танланган асарлар, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат адабиёти, Т., 1977, 171-209 бетлар.

<sup>44</sup> Уша асар, 172-бет.



ундаги “мактублар мазмун жиҳатидангина эмас, тил жаҳатидан ҳам катта аҳамиятга эга” эканлигини кайд этади<sup>45</sup>.

Навой “Муншаот”ининг бадий хусусиятлари ҳақида навой-шунослигимизда биринчи бўлиб В.Зоҳидов сўз юритди. У мазкур мақоласининг IV қисмида асарнинг насрий ва шеърий қисмларига хос бадий хусусиятларни мактублардан парчалар келтириш орқали талқин этади<sup>46</sup>.

Ниҳоят, В.Зоҳидов “Совет Ўзбекистони” газетасининг 1970 йил, 9 май сонида Навойнинг асранди ўғлига ёзган мактуби ҳақидаги “Улуғ шоир фожианомаси” номли мақоласини эълон қилди<sup>47</sup>.

“Муншаот”даги 87-рақамли бу мактуб мазмунидан англашилишича Навой бир болани фарзанд сифатида ўз тарбиясига олади ва кўп захматлар чекиб унга таълим-тарбия бериш билан шугулланади. Бироқ, бола ишончни оқламайди, балки нохуш қилиқлари ва нодонликлари билан шоирни ранжитади, кўнглини чўктиради.

Филология фанлари доктори, проф. А.Ҳайитметов “Шарқ юлдузи” журналининг 1971 йил, 12-сонида эълон қилган “Навойнинг тутинган ўғли” номли мақоласида мактуб мазмунидан келиб чиқиб, унинг адресати ким эканлигини аниқлашга муваффақ бўлади<sup>48</sup>. Бу – Навойнинг акасига неvara бўлмиш Мириброҳим бўлиб чиқади.

Филология фанлари доктори А.Абдуғафуров “Навой ижодида сатира” номли рисоласида ҳужумкор руҳда битилган бу мактубни шоир ижодидаги “кулгисиз” сатиранинг энг ёрқин намуналаридан бири сифатида таҳлил этади<sup>49</sup>.

А.Ҳайитметов томонидан “Муншаот”нинг яна бир кўз илғамас қирраси очилади. 1971 йилда Аҳмад Югнакийнинг ягона асари – “Ҳибат ул-ҳақойиқ” достони тўлиқ нашр этилади. Китобни қўлга олиб варақларкан, А.Ҳайитметов унинг саҳифаларидан Навойнинг Бадиуззамонга ёзган мактубида келтирган Адиб Аҳмаднинг куйидаги рубойисини ахтаради:

<sup>45</sup> Қаранг: В.Зоҳидов. Танланган асарлар, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1977, 174-175 бетлар.

<sup>46</sup> Ўша асар, 206-210 бетлар.

<sup>47</sup> Яна қаранг: В.Зоҳидов. Олим бегадир одам, “Ёш гвардия” нашриёти, Т., 1976, 7-15 бетлар.

<sup>48</sup> Қаранг: А.Ҳайитметов. Адабиётимиз тарихининг ўз изоҳлари, Навойнинг тутинган ўғли, “Шарқ юлдузи”, 12-сон, 1971, 192-193 бетлар.

<sup>49</sup> А.Абдуғафуров. Навой ижодида сатира. 2-китоб, “Фан” нашриёти, Т., 1972, 54-56-бетлар.

Атодин хато келса, кўрма хато  
Савоб бал хато, токи қилса ато,  
Атонинг хатосини билгил савоб,  
Сани юз балодин қутқарғай худо.

Бироқ бу рубоийни у китобнинг бирон ерида учрата олмайди. Бу факт эса олим қайд этганидек<sup>50</sup> “Ҳибат ул-ҳақойиқ”нинг бизгача етиб келган қўлёзма нусхалари чала эканлигидан, Навоийнинг эса дostonнинг мукаммал нусхасидан фойдаланганлигидан гувоҳлик беради.

Ўз навбатида Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги лавҳалардан иборат “Алишер Навоий” номли китоб муаллифи филология фаһлари доктори А.Қаюмов ҳам “Муншаот”даги мактублардан истифода этади. Чунончи, олим “Муншаот”даги баъзи мактубларда ёзилганларга асосланган ҳолда Ҳирот тахти учун кураш олиб бораётган Ҳусайн Бойқаронинг энг яқин маслаҳатчиси, ишонган дўсти, унга юпанч ва умидворлик бағишлаган киши Навоий бўлганлигини қайд этади<sup>51</sup>. Шунинг билан бирга у Навоийнинг ҳаёти охирларида ёзган асарлари устида сўз юритаркан “Муншаот” ҳақида ҳам тўхталиб, 55-мактубнинг юзага келишини бадий лавҳаларда тасвир этади<sup>52</sup>. Сўнгра асар ҳақида қисқача маълумот беради<sup>53</sup>.

Таниқли навоийшунос олима Суйима Ғаниеванинг “Муншаот”га доир қатор илмий ҳамда оммабоп мақолаларини навоийшунослигимизга қўшилган улкан хисса, деб баҳоласак хато бўлмас. Навоийнинг насрий асарлари устида тадқиқот ишлари олиб бораётган олима “Муншаот”ни иншо санъати – эпистоляр наср намунаси, деб баҳолайди ва бу асар орқали буюк мутафаккир қадимги ўзбек тилининг эпистоляр жанрдаги имкониятларини кўрсатиб берганлигини алоҳида қайд этади<sup>54</sup>.

Айни чоғда “Муншаот”ни XV аср иккинчи ярмида Хуросондаги ижтимоий ва сиёсий муносабатлар тарихини ўрганишда му-

<sup>50</sup> Абдуқодир Ҳайитметов. “Ҳибат ул-ҳақойиқ”нинг матни, “Гулистон” журнали, 1972, 6-сон, 22-бет.

<sup>51</sup> Азиз Қаюмов. Алишер Навоий (шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида лавҳалар). “Ёш гвардия” нашриёти, Т., 1976, 47-бет.

<sup>52</sup> Азиз Қаюмов. Алишер Навоий (шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида лавҳалар) “Ёш гвардия” нашриёти, Т., 1976, 143-145 бетлар.

<sup>53</sup> Уша асар, 145-бет.

<sup>54</sup> Суйима Ғаниева. Навоий насри, “Ўзбекистон маданияти”, 1975 й., 7 февраль.

хим хужжат деб қараган олима ундаги Хусайн Бойкаро ва Бадиуззамон Мирзоларга ёзилган мактубларга алоҳида эътибор беради. Ана шу кузатишлари натижаси ўлароқ унинг “Муншаот” да даврнинг баъзи ижтимоий-сиёсий масалалари” номли мақоласи юзага келди<sup>55</sup>. Мақола аввалида автор “Муншаот”нинг характерли хусусиятлари устида қисқача тўхталади, асар муқаддимасида ёзилганларга суянган ҳолда мажмуанинг юзага келиш сабаблари ҳамда унинг асосий моҳияти ҳақида сўз юритади. Олима “Навойнинг давлат арбоби сифатида практик фаолиятида уни энг аввало сиёсий ихтилофларнинг олдини олиш, давлат мустақиллиги ва яхлитлигини сақлаб қолиш, мамлакат осойишталигини қатъий барқарор қилиш ва мустаҳкамлаш масалаларига доир мазмунан ғоятда характерли бўлган 55 ва 56-мактубларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил этиб беради.

Олима “Иншо санъати – “Муншаот” номли мақоласида<sup>56</sup> иншо санъатининг Шарқда ғоят қадимий тарихга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, бу санъатнинг баъзи намоёндалари ҳамда турлари ҳақида характерли маълумотларни келтиради. Сўнгра, иншо санъатининг XV асргача босиб ўтган тараққий йўллари устида сўз юритади ва бу санъат назариясига оид асарларнинг бир қанчасини санаб ўтади. Туркий халқлар адабиётида биринчи марта юзага келган мактублар мажмуаси бўлмиш Навоий “Муншаот”и ҳақида сўзлашга киришар экан, Суйима Ғаниева ундаги “мактублар ичида Шарқ иншо санъатида шаклбозликка асосланган анъанага биноан битилган хатлар мутлақо йўқ” эканлигини, “йилнинг тўрт фасли тавсифига бағишланган тўрт хатни истисно қилганда муайян масалалар юзасидан муайян мақсадларда ёзилган мактублар тўплами” эканлигини алоҳида қайд этади. Мақоланинг яна бир муҳим фазилати шундаки, унда биринча марта Навоий хатлари иншо санъатидаги мактубларнинг қайси турларида битилганлиги айтиб ўтилади – авторнинг кўрсатишича улар мактубларнинг “хитобия” ва “жавобия” турларида ёзилган.

Шундан кейин олима асосий мақсадга ўтиб, тўпلامдаги ҳажман унчалик катта бўлмаган, аммо “қатор тарихий воқеалар, сиё-

<sup>55</sup> Қараг: Суйима Ғаниева. “Муншаот”да даврнинг баъзи ижтимоий-сиёсий масалалари, “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1975, 1-сон, 11-15 бетлар.

<sup>56</sup> Қараг: Суйима Ғаниева. “Иншо санъати – “Муншаот”, Гулистон 1975, 2-сон, 20-21 бетлар.

сий ҳодисаларга ишора, муаллифнинг ҳаёти охирларидаги аҳволи руҳиясига доир қайдлар, осуда келажакка умид каби янғровчи нидолардан иборат ғоятда характерли мактуб устида сўз юритишга киришади. У тарихий манбаларга асосланган ҳолда Навоий қалбини ларзага солган ва натижада ана шу мактубнинг юзага келишига сабаб бўлган воқеаларни аниқлашга муваффақ бўлади. Бу – ўша Султон Ҳусайн Бойқаро билан Бадиуззамон Мирзо ўртасида Балх вилоятига ҳокимлик қилиш масаласида юзага келган низо ва бунинг натижасида норасида Мўмин Мирзонинг ҳалок этилиши воқеасидир.

Автор мақолада Навоийнинг зийрак давлат арбоби сифатида сиёсий ихтилофларни олдини олиш, шоҳ билан шахзодалар ўртасидаги низоларга барҳам бериш ва уларни муросага келтириш йўлида амалий чоралар кўрганлиги, ана шу мақсадда баъзан шахзодаларга, хусусан, Бадиуззамонга ўғитлар тўла мактублар йўллаганини алоҳида қайд этади; сўз бораётган мактубда ҳам шоирнинг ана шу мақсади ифодаланганини таъкидлайди.

Шундай қилиб “Муншаот” шу кунга қадар Алишер Навоий даври, ҳаёти, ижодий ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятига доир қимматли маълумотлар берувчи муҳим адабий-тарихий манба сифатида мутахассислар эътиборини жалб этиб келган бўлса-да, унга бирон муносабат билан йўл-йўлакай мурожаат этиш, асарнинг айрим жиҳатларинигина ўрганиш ёки ундаги баъзи мактубларни таҳлил ва тадқиқ этиш билангина чекланиб келинди. Шунинг учун бу асар ҳақида баъзан чалкаш ва зиддиятли фикрлар билдириш ҳоллари ҳам содир бўлди.

Албатта, адабиётимиз тарихида яратилган бир қатор бадиий-тарихий ёдгорликлар каби Навоий “Муншаот”и устида тадқиқот олиб боришнинг ҳам ўзига хос шарт ва талаблари мавжуд. Ана шундай талаблардан бири мазкур асарнинг ишончли ва мукамал текстини аниқлаш ва ундан истифода этиш имкониятига эга бўлишидир. Чунки, ўрганилажак адабий ёдгорликнинг муаллифи автографи ёки шу асарнинг ишончли ва мукамал матнига эга бўлмай туриб илмий тадқиқот ишлари олиб бориш қутилган натижаларни бермайди.

Зотан, атокли шарқшунос-текстолог олим Е.Э.Бертельс “Шоҳнома” асарининг танқидий текстига ёзган сўзбошида “Ҳар бир бадиий-тарихий ёдгорликни чуқур филологик таҳлил қилиш

ишининг дастлабки босқичи ана шу асар қўлёзмаларини тўшлаш ва уларни муқояса қилиш, текстда рўй берган ўзгаришларнинг тарихий перспективасини аниқлашдан иборат бўлиши керак” дея таъкидлаган эди<sup>57</sup>.

Шунга кўра биз ҳам “Муншаот” асарининг энг эътиборли қўлёзма нусхаларини излаб топдик ва уларни қиёсий ўргандик.

## “МУНШАОТ”НИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

Навоий “Муншаот”нинг қўлёзма манбаларини ўрганиш ўтган асрнинг ўрталаридан бошланди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, 1946 йилда С.Л.Волин Санкт-Петербург фондларида сақланаётган Навоий асарлари қўлёзмаларини илмий тавсиф этар экан, “Муншаот”нинг ҳам қўлёзма нусхалари тавсифини беради. 1961 йилда Г.А.Давидова “Муншаот”нинг мазкур фондлардаги қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот бериб, уларни палеографак жиҳатдан тавсиф этади<sup>58</sup>. Гарчи олима ўз олдига “Муншаот” қўлёзмаларининг палеографак хусусиятларини ўрганишни мақсад қилиб қўйган бўлса-да, мақолада қўлёзмаларнинг мукамал тавсифини беришга ҳаракат қилади. Шунинг билан бирга у С.Л.Волиннинг мазкур қўлёзмаларни тавсиф этишда йўл қўйилган хатоликларини ҳам кўрсатиб ўтади. Олимнинг яна бир муҳим хизмати шундаки, у ўз мақоласига илова тарзида “Муншаот”даги мавжуд мактублар мазмунидан келиб чиқиб, шартли равишда уларнинг номлари рўйхати (“Перечен писем Муншаот”)ни ҳам беради. Ана шу рўйхатга кўра, “Муншаот” таркибидаги мактубларнинг умумий сони 87 тадир.

Ҳ.Алихўжаева 1966 йилда ЎзССР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондидага “Муншаот” қўлёзмаларининг баъзилари ҳақида маълумот берувчи мақолани эълон қилади<sup>59</sup>. 1970 йилда эса ЎзФАШИнинг илмий ходимлари Қ.Муниров ва А.Носиров-

<sup>57</sup> Иктибос Ёқубжон Исоқовнинг “Навоийнинг илк девонини текстологик текшириш принциплари” номли мақоласадан олинди. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1962, 4-сон, 65-бет.

<sup>58</sup> Г.А.Давидова, Палеографическое описание рукописей “Муншаот” (“Сборник писем”) Алишер Навоий, “Краткое сообщеная Института народов Азии” Москва, 1961, № 44, стр. 167-192.

<sup>59</sup> Ҳ.Алихўжаева. Алишер Навоий “Муншаот”нинг помаълум бир нусхаси ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти, 1966 й., 2-сон, 63-бет.

лар ана шу институтнинг қўлёзмалар фондидаги мавжуд “Муншаот” қўлёзмалари ҳақида маълумот берган эдилар<sup>60</sup>.

Бироқ Давидова бир характерли фактга – “Муншаот” қўлёзмалари мактублар микдорига кўра бири иккинчисидан тафовут этишига эътибор бермаган. Мактублар матнига ортиқча эътибор бермаганлигидан “Тоғ-тоғ ниёз рафъидин сўнгра қоф-коф ихлос юзидин маъруз улким...” деб бошланувчи биринчи мактубни алоҳида мустақил мактуб ҳисобламаган. Афтидан, буни асарнинг сўз бошиси – мукаддиманинг сўнгги қисмлари деб билган бўлса керак. Олиманинг мақола сўнггида илова тариқасида берган рўйхатда мактублар сонининг 88 та эмас, 87 та эканлигига сабаб ҳам шунда.

Фақат Давидовагина эмас ЎзФАШИДаги “Муншаот” қўлёзмалар ҳақида биринчи бўлиб ахборот берган Ҳ.Алихўжаева ҳамда шу институтнинг илмий ходимлари Қ.Муниров ва А.Носировлар ҳам қўлёзма манбаларнинг умумий тавсифини бериш билан кифояланиб, масаланинг ана шу, муҳим томонига эътибор бермаганлар. Ҳолбуки, ҳозирга қадар бир қанча авторлар томонидан тавсиф этилган бу қўлёзмалар ўзаро кўчирилиш тарихи, китобат услуби ҳамда китобат шакли каби жиҳатларга кўра фарқланиб қолмасдан таркибига кўра ҳам бири иккинчисидан кескин фарқ қилиши кўзга ташланаб туради.

Ишимизнинг мақсад ҳамда моҳиятига кўра “Муншаот” қўлёзмалари мактублар микдорига кўра тўлиқ ёки тўлиқ эмаслиги, мактублар матни ҳамда уларнинг бут ёки бут эмаслигига асосий эътиборни қаратдик. Чунки варақлари бут бўлиб, яхши сақдаганлигидан ташқари таркибидаги мактублар тўлиқ, ҳар бир мактуб бошқасидан аниқ фарқланган ҳамда тугал ва ғоят саводли кўчирилган қўлёзмагина ишимиз учун асосий таянч гусха бўлиши мумкин. Умуман, бундай мукамал нусха фанимиз учун, биринчи навбатда асарнинг танқидий матнини тайёрлаш ва нашр эташда муҳим роль ўйнайди.

<sup>60</sup> Қ.Муниров, А.Носиров. Алишер Навоий асарларининг ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти тўпламидаги қўлёзмалари, Тошкент, “Фан” нашриёти, 1970, 61-бет.

Бу атама С.Л.Волин, Г.А.Давидова ҳамда Ҳ.С.Сулаймоновларнинг Навоий асарлари қўлёзмалари ҳақидаги мақолаларида шундай юритилганлигим назарда тутиб, бир хилликни сақлаш мақсадида биз ҳам уни шу шаклда қўллашни мақбул кўрдик.



Шунга кўра, биз “Муншаот”нинг мамлакатимизнинг хазиналаридаги олтига, ҳамда хорижий давлатлар фондида сақланаётган қўлёзмалардан эса тўрттасининг фото нусхаларини ўрганиб чиқдик.

Аввалда Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи қўлёзмалар фондида (биз мазкур нусха билан ана шу ердалигида тўлиқ танишган эдик) ва ҳозирда эса Ўз ФАШИнинг қўлёзмалар хазинаси, Ҳамид Сулаймон фондида Навоийнинг бир куллийети сақланади. 316-инв. рақамли бу қўлёзма куллийет ҳақида дастлабки тўлиқ илмий маълумотни устоз Ҳамид Сулаймонов “Адабий мерос” тўпламининг 1973 йил 3-сонида “Алишер Навоий куллийети қўлёзмалари тадқиқотидан” сарлавҳали мақоласида берган ва унинг таркибий ҳолатини мақолага илова тарзида тузилган “Алишер Навоий қўлёзма куллийетларининг қиссий жадвали”да кўрсатган эди.

Куллийет ҳ. 1240-1245, м. 1824/25-1829/30 йилларда Шарқий Туркистоннинг Қашкар шаҳрида уйғур адабиётининг таниқли намёндаларидан бири, шоир Абдурахим Низорий томонидан кўчирилган. Куллийетнинг 890 б варағидан бошланиб, 926 б варағида тугайдиган “Муншаот” манти бошқа нусхаларга нисбатан бир қатор жиҳатларга эга. Чунончи, у ўзидан олдинги саҳифаларни (882 б-890 б) эгаллаган “Ғаройиб ус-сиғар” “Дебоча”си матнига улашиб кетган; мактубларнинг бошланиши ва тугаганлигини кўрсатувчи белги ва аломатлар кўйилмаган – бир мактуб тугаган жойдан навбатдаги мактуб ёзиб кетилаверган; баъзи ўринлардагина, қайсики, “Куллуқ дуодин сўнгра арз улким, ...” “Куллуқ арзадошт улким, ...” жумлалари келган жойларда қизил рангда رقعہ сўзи ёзиб кўйилган. Ҳолбуки, ҳамма мактублар ҳам ана шу жумлалар билан бошланавермайди, “Муншаот”нинг биз кўрган барча қўлёзма нусхалари сўнгида келадиган бир форсий мактуб бу қўлёзмада йўқ. Афтидан, унинг форс тилида бўлганлиги туфайли котиб кўчирмасликни мақбул кўрган. Қўлёзманинг яна бир асосий камчилиги унда 75, 76, 77, 78, 79 ҳамда 80-мактубнинг аввалидан катта қисмининг йўқлигидир. Эҳтимол, мазкур нусханинг кўчирилишига асос бўлган қўлёзмада бу мактублар ёзилган варақ тушиб қолган, котиб эса табиий ҳолда буни пайқамандир. Зотан, юқорида биз келтирган камчиликлардан ҳам унинг “Муншаот” таркибини яхши билмаслиги кўриниб турибди.

Қўлёзма матнида ҳам бир қатор нуқсонли ўринлар учрайди. Чунончи, 3-мактубдаги маснавийнинг сўнги мисрасида келган “дуқонин оч” ибораси *اج ديکائين* шаклида, 5-мактуб сўнгидаги байтнинг иккинчи мисрасидаги “кетарур” сўзи, *کوتارور* тарзида кўчирилган; 4-мактуб бошланишидаги “хеч замони мусодақатлиқ асҳоб бода базми тархин солурға” жумласи

هيچ زمانى مصادقت احباب بربرى اصحاب بزم طرحين سالور غه

6-мактуб бошланишидаги “Матлуб кемасин биров соҳилға еткургайким мақсуд жунгининг фикхристин” жумласи

مطلوب سين برو ساحل غه بيتکور کايکيم مقصود حيلي نينک فهرستين

кўринишида кўчирилган. 7-мактубдаги маснавийнинг бириничи байти:

Не беша, Ахраман бўстону боғи,  
Анинг не авжи пайдо, не қироғи.

نه بيشه بو بوستان باغى  
انينک نه حدى باردور نه قراغى

тарзида нуқсли ва тафовутли кўчирилган.

Келтирилган мисоллар қўлёзманинг бошланиш саҳифаларига хос бўлиб, кейинги варақларда ҳам бундай нуқсонлар бот-бот кўзга ташланади.

Семёнов тавсифида берилган 3441-І рақамли қўлёзма<sup>61</sup> нусха ҳозирда ана шу институтнинг қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Семёнов қайд этганидек, қўлёзма настаълиқ хатида ниҳоятда чиroyли ва айтишимиз мумкинки, саводли кўчирилган бўлса-да, бизнинг мақсадга кўра талабга жавоб бера олмайди. Чунки, унда мактублар сони жуда кам – 37 тадир. Бу нуханинг кўчирилишида манба бўлган қўлёзманинг таркиби айнан шундай бўлганми ёка хаттот И.Одилон ундаги мактубларнинг баъзаларинигина кўчирганми, буни аниқлаш мушкул. Семёнов қўлёзмани тасниф этишда традицион пранципга амал қилгани, яъни китобнинг ташқи белги ва аломатларини тавсиф этиш билангина чекланганлиги туфайли масаланинг бу томонига эътибор бермаган.

ЎзФАШИнинг қўлёзмалар фондидаги 7732-инвентарь рақамли нусха – Хоразмда китобат этилган бу нусха саҳифасига сатрлар диагональ бўйича кўчирилган, қўлёзманинг энг муҳим томони

<sup>61</sup> А.С.Семёнов. Описание рукописей произведений Навои хранящихся в Государственной публичной библиотеке. УзССР, Т., 1940, стр. 42.

шундаки, унда мактублар матни бири иккинчисидан аниқ фарқланаб туради. Чунки, ҳар бир мактубнинг бошланишига ишора сифатида – نوع دیگر “Навъи дигар” ибораси қизил рангда ёзилган ва ана шу иборанинг тўғрисида китоб ҳошиясига мактубнинг тартиб рақами котиб томонидан ёзиб қўйилган. Айни пайтда ундаги ҳар бир мактуб матни тўлиқ ҳолдадир.

ЎзФАШИИнинг қўлёзмалар фондида 5342-рақам билан сақланаётган “Муншаот”нинг навбатдаги қўлёзма нусхаси XIX асрда Тошкентда кўчирилган<sup>62</sup>. Шунини назарда тутиб биз уни шартли равишда Т<sub>1</sub> нусха деб атадик.

Фақат “Муншаот” асарининг ўзидангина иборат бўлган бу қўлёзма насталиқ хатида ниҳоятда чиройли хат билан кўчирилган. Орадан тушиб йўқолган биринчи ва ўн тўртинчи варақлардаги мактублар текстини И.Одилов бошқа бир нусхадан кўчириб тўлдирган. Мактублар рақамланмаган ва уларнинг бошланиш ёки тугалланишига ишора сифатида бирон-бир белги қўйилмаган. Бироқ, ҳар бир янги мактуб хат бошидан кўчирилган.

Бу нусханинг асосий камчилиги унда 61-дан 83-мактубгача бўлган хатларнинг йўқлигидир. Лекин, айни чоғда унинг “Муншаот” нашрлари ва Хоразм нусхасига нисбатан бир афзаллик жиҳати ҳам бор. Т<sub>1</sub> нусхасининг И.Одилов томонидан тўлдирилган 14 варағида бу нашрларда ва шунингдек Хоразм нусхасида йўқ бўлган икки мактуб учрайди. “Ниёз рафъидин сўнгра эълум улким, Хожа Ахмад келди” жумласи билан бошланиб “Агарчи сўз кўп эрди, малул бўлмағайсиз, деб ушмунчага ихтисор қилилди” жумласи билан туговчи каттагина ҳажмдаги ва

Ул шаҳ тобуғиндаким, эрур маъдани жуд,  
Шаҳлар аро бўлмағай бир андоқ мавжуд,  
Ҳам волида покийдек хисоли маҳмуд,  
Ҳам ахтари толеъдек исми масъуд

рубойиси билан бошланиб:

Афлокча тахти иқтидоринг бўлсун,  
Анжумча сипоҳи бешуморинг бўлсун,  
Ҳақ ҳифзию сиёнати ҳисоринг бўлсун  
Яъни, бори ишта тенгри ёринг бўлсун.

<sup>62</sup> Қ.Муниров, А.Носиров, 61-бет.

рубоййси билан туговчи, мазмунан характерли бўлган бу мактублар матнини биз “Адабий мерос” тўпламининг 10-сонидаги мақоламизга илова тариқасида эълон қилган эдик<sup>63</sup>.

“Муншаот” нашрлари ҳамда Хоразм нусхасига кўра мактублар миқдори чегарасининг бундай “бузилиш” ҳолати фақат ана шу нусха учун хосми ёки бу ҳол бошқа нусхаларда ҳам такрорланармикин?

Ана шундай қизиқиш билан ЎзФАШИДаги 5343-рақамли “Муншаот” қўлёзма нусхасини varaқлаймиз. Биз шартли равишда Т<sub>2</sub> нусха деб атаган бу қўлёзманинг аввалидан 23 varaғи йўқолган бўлиб, бу varaқлар 1940 йилда И.Одилов томонидан тўлдирилган. Асл нусхаси Т<sub>1</sub> нусхаси каби гўзал настаълиқ хатида кўчирилган. Кейин тўлдирилган varaқлар саҳифаларини 52-мактубгача бўлган хатлар эгаллаган, охириги, яъни 23 а саҳифага 52-мактубнинг “Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, бу банда куллуқдин...” жумласидан кейинги қисми алоҳида мактуб сифатида ёзилган. И.Одилов тиклаган қисм, яъни кейинги тўлдирилган varaқлар билан асосий нусха ўртасида қоғоз ва хатларидан ташқари яна бошқа фарқли жиҳатлар кўзга ташланиб туради.

Бу қўлёзмада Т<sub>1</sub> нусхасига нисбатан янги ҳисобланган икки мактуб мавжуд ва булардан ташқари яна “Хукамо қавли бода тарбиятида мундоқдурким,...” деб бошланувчи учинчи янги бир мактуб ҳам учрайди. Аммо бу мактуб тўлиқ эмас, қўлёзманинг охири сукутли бўлгани учун биз бу мактубнинг давомини ўқиш имкониятига эга эмасмиз.

Табийки, бу ҳолат ҳали яна мазкур мактубнинг давомидан ташқари шу кунга қадар илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолиб келаётган мактубларни ҳам ўз ичига олган тўлиқроқ нусханинг бўлиши мумкин, деган қарорга келишимиз учун тўла асос бўла олади.

ЎзФАШИДаги “Муншаот” қўлёзма нусхаларининг охиригиси – 9353-Ш инвентарь рақамли қўлёзма XIX асрда котиб Муҳаммад Маъсум томонидан кўчирилган. Бу китоб орасида бир неча varaқ етишмайди. Шунга кўра ундаги мактубларнинг умумий сони 77 та бўлиб, китоб 84-мактуб билан (у ҳам тўлиқ эмас) тугайди.

<sup>63</sup> Ю.Турсунов. Навоий “Муншаот”ининг Ленинград фондидаги икки қўлёзма нусхаси ҳақида. “Адабий мерос”, 1978 йил, 10-сон, 62-70-бетлар. Нашримизда бу мактублар 94 ва 95 рақамлар остида берилмоқда.

Кўринадика, бизнинг юкоридаги ниятимизга кўра ҳам шунингдек, бошқа мақсадларда ҳам бу нусхага мурожаат этиш кутилган натижани бермайди.

Навоий “Муншаот”ининг Тошкент ҳамда Ленинград фондларидаги қўлёзма нусхаларини ўрганиш билан бирга кейинроқ биз шоирнинг ҳаётлик чоғида, яъни ҳижрай 901-902 / мелодий 1495-96 – 1496-97 йилларда тузилган ва ҳозирда Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Тўлқоши сарой кутубхонасида сақланаётган куллиёти ичидаги ишимизга даҳлдор саҳифаларнинг фото нусхасини олишга муяссар бўлдик<sup>64</sup>. “Муншаот”нинг бу мўътабар нусхаси ҳақида кейинроқ батафсил сўз юритамиз. Аммо, унга қадар зарурият туғилганлиги туфайли баъзан Ленинград нусхаларига уни солиштириб кўришга тўғри келди ва шунга биноан керакли ўринларда энг ишонарли нусха сифатида Истанбул нусхаси нома билан қўлаймиз.

Салтиков-Шчедрин номидаги Ленинград Давлат Халқ кутубхонасида сақланаётган “Муншаот”нинг тўрт қўлёзма нусхаси ичида навоийшунос олимларимиз қайд этганидек<sup>65</sup> энг мўътабар ҳамда диққатга сазовор нусха Хаников коллекциясидаги қўлёзмадир. Чунки, “Муншаот”дан ташқари яна Навоийнинг ўн икки асарини ўз ичига олган 55-инвентарь рақамли бу куллиёт Истанбулдаги биз юкорида тилга олган куллиётдан кейин шоир ҳаётлик вақтида кўчирилган иккинчи китобдир. У ҳижрий 904 (мелодий 1498-1499) йилда Ҳирот шаҳрида кўчирилган. Биз бу қўлёзмани шартли равишда А нусха деб юритамиз. Куллиётнинг бир қанча ўринларида, жумладан, “Муншаот” асари ёзилган варақлардан ҳам тушиб йўқолган.

Китоб пойгирлари ва ҳар иккала пагинацияга кўра “Муншаот” ёзилган варақлар тўлиқдек кўринадика. Аммо мактублар матнини синчиклаб кўздан кечирилса ёки уларни асар нашрларига солиштириб кўрилса, орада 7-11 мактублар ҳамда 53-73 мактубларнинг йўқлиги аён бўлади. 7-мактубнинг бош қисмидан озгинаси ва 11-мактуб сўнггидаги бир байт ҳамда 54-мактуб бошидаги рубоийнинг дастлабки икки мисраси ва 73-мактуб сўнгги қисмининг ки-

<sup>64</sup> Бу ишда бизга катта ёрдам бергани учун Туркиялик санъатшунос олим Юсуф Дурулга чексиз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

<sup>65</sup> Қаранг: Ҳ.С.Сулаймонов. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан, “Адабий мерос”, 1973, 3-сон, 85-бет.

тоб саҳифаларида мавжудлиги шубҳасиз бу мактублар ёзилган варақларни тушиб йўқолганлигини кўрсатади.

Бошқа нусхаларнинг энг сўнгида келувчи форсий мактубнинг бош қисми билан қўлёзмининг асосий варақлари тугайди ва бу мактуб тўлдирилган варақ саҳифаса (110-“а”)дан давом этади. Тўлдирилган варақ саҳифаларида (110 “а” ва “б”) бир форсий мактубдан ташқари яна бешта ўзбекча мактуб ёзилган бўлиб, улардан дастлабки иккитаси Т<sub>1</sub> нусхада учраган мактублар, учинчиси эса Т<sub>2</sub> нусхада фақат бош қисмигина (Хукамо қавли бода тарбиятида мундоқдурким) мавжуд бўлган мактубнинг тўлиқ текстидир. Сўнги икки мактуб эса навбатдаги биз учун тамоман янги бўлган мактублардир<sup>66</sup>.

Шу ўринда бир савол туғилади: кейинчалик тўлдирилган бу бешта мактуб куллиёт варақлари пароканда бўлмасдан аввал ҳам мазкур китоб саҳифаларида мавжудмиди ёки бу нусха ҳам таркиби жихатидан Хоразм нусхаси (таркибида 92 та ўзбекча мактуб ва энг сўнги бир форсий мактуб) редакциясини такрорлармиди. Бошқача қилиб айтганда, биз реставратор деб таҳмин қилаётган шахснинг ҳаракати туфайли бу нусха “Муншаот” қўлёзмаларининг энг тўлиқ редакциясига айланганмикин?

Буни аниқлаш мушкул, албатта. Аммо бундан қатъий назар, шуниси қувонарлики, бу нусха “Муншаот” нашрлари ва Тошкент фондларидаги кўпгина қўлёзмаларга нисбатан асарнинг тўлиқ бўлган редакцияси ҳам мавжудлигини узил-кесил тасдиқ этади.

Мазкур нусханинг кейинги асрларда ҳам таркиби, китобат тарихи ҳамда матнга кўра энг мукамал ва мўътабар нусха деб топилиб, унга мурожаат этиб келинганлигини кўрсатувчи бир факт мавжуд. Бу “Муншаот”нинг кейинги асрда кўчирилишида ана шу нусханинг манба бўлганлигидир. XIX асрда кўчирилган бу нусха ҳам ҳозирда ЛХДҚда сақланмоқдадир<sup>67</sup>. Биз у ҳақда кейинроқ сўз юритамиз.

ЛХДҚда яна бир Навоий асарлари куллиёти сақланади. У 558-инвентар рақамли қўлёзма бўлиб, аввалги куллиётдан ропша-роса бир аср кейин – ҳижрий 1004-1007 (м. 1595-96 - 1598-1599) йиллар-

<sup>66</sup> Бу мактублар нашримизда 96 ва 97 рақамлар остидаги мактублардир.

<sup>67</sup> Бу нусханинг тавсифини дастлаб Волин берган эди. Қаранг: С.Л.Волин, стр. 229.

да Озарбайжоннинг Қизилогоч деган жойида кўчирилгандир<sup>68</sup>. Котиби Али Файзий. “Муншаот” асари “Тарихи мулуки аҷам” асаридан кейин, 17-ўринда келиб, 655 “б” - 668 “а” саҳифаларини эгаллаган. Биз бу қўлёзмати шартли равишда Б нусха деб қўлаймиз. Жамъи мактублар сони бошқа Ленинград нусхалари, ва ҳатто, Тошкент нусхаларининг аксариятига ҳам қараганда бир мунча камроқ, 66 тадир, нусхада муқаддима йўқ. Бироқ унинг бошқа нусхаларга нисбатан фарқли томони фақат бу билан чекланиб қолмайди. У мактубларнинг жойлашиш тартибига кўра ҳам бошқа нусхалардан кескин ажралиб туради. Яъни, бошқа ҳамма нусхаларда айнан бир хил бўлган мактублар тартиби бу нусхада 15-мактубдан кейин бузилган. 15-мактубдан кейин биз учун тамоман янги бўлган навбатдаги мактуб ёзилган<sup>69</sup>.

Шундан кейин мактублар қуйидагича тартибда келади: 88, 45, 23, 46, 47, 28, 48, 51, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 56, 57-мактубдан 82-мактубгача яна бошқа нусхалардаги тартиб сақланиб, ундан кейин 43-мактуб ва ниҳоят 89, 90, 93-мактубдир.

Шунингдек, бу нусха матнига кўра ҳам бошқа нусхалардан фарқланиб туради. Тўғри, баъзи тафовутли ўринлар котибнинг йўл қўйган хатоликлари ёки асарни кўчириш чоғида тутган йўли билан изоҳланиши мумкин, бошқача қилиб айтганда, мазкур тафовутли ўринлар хаттотнинг “ўз диди ва тушунчасига қараб асардаги сўз ва ибораларни аслидан бошқача қилиб, ўзгартириб, ўз дидига мослаб кўчириши”<sup>70</sup> туфайли юзага келгандир. Қуйидаги сўз ва ибораларнинг бошқа нусхалар ва шунингдек, нашрларидагига нисбатан ёзилишидаги фарқланишига кўра ана шундай ҳукми юритиш мумкин бўлар:

Бошқа нусхалар ва нашрларда	Б нусхада	Мактуб	Саҳифа
وطن هجر اياميغه	وطن هجرانى ايامى	7	658 “а”
اندک	ادنا	9	658 “б”
حندق قليب	حندق لاب	10	658 “б”
محالف چريکى	محالف چريکى نينک	10	658 “б”

<sup>68</sup> Волиндан ташқари бу қуллётнинг таркиби ва бошқа хусусиятлари ҳақида навоийшунос олим Ҳ.С.Сулаймонов ҳам батафсил сўз юритган.

<sup>69</sup> Бу мактуб нашримизда 99-тартиб рақами остида келади.

<sup>70</sup> А.Ҳайитметов. Навоийнинг текстологик тадқиқотлари ва уларнинг тақдири ҳақида, Навоий даҳоси, -Т., Фафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1970, 146-бет.

ظلمتین	نپنک ظلمین		
کورماکلیک	کورماک	11	660 “a”
باش اندورماکای مین	باش اندورکای مین	68	665 “a”
کورسون	کورکوزسون	71	665 “b”
اوزونکوزکا تسکین	اوزونکوزنی تسکین	81	668 “a”
بریپ	بریپ		

Айни чоғда **Б** нухаси матнида бошқа нухаларга, хусусан **А** ва **Истанбул** нухаларига нисбатан янада жиддийроқ, янада характерлироқ бўлган тафовутли ўринларга дуч келамиз. Бундай тафовутлар асосан мактубларнинг шеърий қисмларига тааллуқлидир. Бошқача қилиб айтганда, шеърий парчаларда тахририй ўзгаришнинг гувоҳи бўламиз. Чунончи, 80-мактубдаги шеърий парчанинг

کوب اوردوم دردو محنت تاشی غه باش  
که سیندی هر طرف دین باش و هم تاش

байти **Б** нухада бошқачароқ тарзда ёзилгандир:

کوروم یوزی فراقدین توکوب یاش  
کوب اوردوم دردو محنت تاشیغه باش

Кўзум юзи фироқидин тўкуб ёш,  
Кўп урдум дарду меҳнат тошига бош.

85-мактуб бошидаги рубойининг дастлабки икки мисраси:

Десамки, сўрай сени, не тил бирла сўрай,  
Ё улки кўрай сени, не кўз бирла кўрай.

**Б** нухада:

دیسام که سورای سینی نه تیل بیرله سورای  
یا اول که کورای دیسام نه کوز بیرله کورای

17-мактуб сўнггидаги рубойининг учинчи мисраси бошқа нухаларда “*Шаҳзодага гар равза муяссар бўлди*” тарзида ёзилган бўлса, **Б** нухада “*Шаҳзодага равза гар муяссар бўлди*” шаклида берилгандир.



Шунингдек, бу нусхадаги баъзи шеърӣй парчаларда мисралараро сўзлар ўрнининг алмашган ҳолати ҳам учрайди. Чунончи, 20-мактубдаги

Куёш хорани жавҳар этган киби,  
Тенгиз катрани гавҳар этган киби

байти

تېنكيز قتره نى جوهر اينكان كيبي  
قوياش حاره نى كوهر اينكان كيبي

тарзида ёзилгандир.

“Сабаъи сайёр” достонининг илмий-танқидий матнини тузиб нашрга тайёрлаган марҳум навоийшунос олим Порсо Шамсиев қўлёзмалар матнини кузатиш жараёнида ёрдамчи нусхалар билан таянч нусха ўртасидаги маълум бўлган фарқларнинг шундай хил вариантини котибнинг тузатишлари бўлмай, авторнинг кейинги тахрири бўлиши ҳам мумкин, деган фикрни айтади<sup>71</sup>.

Зотан, “Муншаот”нинг Б нусхаси билан бошқа нусхалар ўртасидаги бу хил тафовутлар сабабчиси деб котибни кўрсатиш унчалик мантиққа тўғри келмайди. Қолаверса, Б нусхасида бу фикримизни янада қатъийлаштирадиган яна бошқа фактлар ҳам мавжуд. Чунончи, Б нусхада 43-мактубдаги

Ўнуб кўзумга қўюб, жоним ичра ер бердим,  
Алиф кибики бўлубтур макони жон ичра.

байтидан кейин бошқа нусхаларда учрамаган

Ҳаётнинг алифидек чу кирди жон аро ул  
Шифоға бўлди сабаб жисми нотавон ичра

байти мавжуд (667 “б” саҳифа).

Нихоят, Б нусхасида бошқа нусхаларга нисбатан яна бир характерли факт тўхталсак. Бу ҳам 23-мактуб билан боғлиқ ҳодисадир. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Навоий баъзи мактублардаги шахслар исмини “фалоний” сўзи билан алмаштирган. Жумладан, 23-мактубда ҳам ана шу ҳолни кўраимиз. “Андокким, – дейилади бир ўринда, – анинг кайфиятидан фалонеким, табъининг диққат ва латофати жонбахшлиқда Масихосо эрур ва назмининг

<sup>71</sup> Алишер Навоий. Ҳамса, Сабаъи сайёр, Илмий-танқидий матн. Тайёрловчи П.Шамсиев, – Т., ЎзФА нашриёти, 1956, 13-бет.

салосат ва равонлиги Хизр зулоли хосияти берур, – соҳиб вукуфдур”.

Навоий кайфиятидан бунчалик якин хабардор ва шунчалар сифатларга эга бўлган шахс ким бўлди экан? Буни билиш мушкул, албатта. Ана шу мактубни Б нусхадан ўқир эканмиз, шу жойга келганда “фалонеким” сўзи ўрнида “Хожа Осафий” номига дуч келамиз (1-илова).

Бу фактлардан Б нусханинг тексти “Муншаот”нинг илк редакцияси эмасмикин, деган фикр туғилади кишида. Зеро, Навоий ўзга кишиларга ёзган ўзбекча мактубларини “авроқ зимнида сабт” этаркан, маълум сабабларга кўра баъзи мактублардаги шахслар номини тушириб қолдиришни маъқул кўриб, бундай ўринларда “фалон” мавхумини ишлатиб кетган, айрим мактублардаги кишилар исмини эса аввалгича қолидирган бўлиши, шубҳасиз. Шундай экан, у кейинги мактублари ҳам бир оз йиғилгач, уларни “Муншаот” таркибига киритмоқчи ва шу муносабат билан мактубларнинг жойлашиш тартибига ўзгартириш киритиб, баъзи ўринларни таҳрир қилмоқчи ҳам бўлган бўлиши керак. Ана шуларни амалга оширар экан, энди у Хожа Осафий номини ҳам тушириб қолдириб, уни ўрнига “фалонеким” сўзини қўйиб кетган. Шу тариқа “Муншаот”нинг иккинчи редакцияси юзага келган. Зотан, “Муншаот”нинг биринчи редакциясини ўзида акс эттирувчи Б нусхадаги мактублар шоирнинг нисбатан аввалроқ, фикримизча ҳижрий 899, милодий 1493-94 йилларга қадар ёзилган мактублардир. Бундай дейишимизга асос шуки, “Муншаот”даги Навоийнинг “Султон Маҳмуд Мирзо қошидин Маҳмуд барлос келиб нешқаш ва сочиқ келтируб, қуллук хизматкорлиғларин азҳор килди” дея берган хабаридан иборат мактуб (38) бу нусхада йўқ. Бобурнинг “Бобурнома”да ёзганларидан маълумки, Султон Маҳмуд Мирзо акаси Мовароуннаҳр ҳокими Султон Аҳмад Мирзо 899 йил шаввол ойи (м. 1494 йил июль ойи)да вафот этгач Самарқандга келиб ҳокимликни қўлга олади<sup>72</sup>. 900 йил рабиъ ул-охир ойи (1495 йил январь ойи)да эса вафот этади<sup>73</sup>. Шунга кўра, мазкур мактубни шу вақт оралиғида, яъни 1494 йилнинг охирларида ёзилган, деб ҳисоблаш мумкин.

Шундай экан, бу нусхада нима учун Навоий “Ҳазойин ул-маоний”сининг юзага келиши ҳақида сўзланувчи 42-мактуб

<sup>72</sup> Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. 46-бет.

<sup>73</sup> Ўша асар, 48-бет.

(Хусайн Бойкарога ёзилган) ҳамда 902 (м. 1496-97) йилдаги Балх шаҳрига эгаллик қилиш даъвосини қилиб, ўзининг баъзи бир номақбул ишлари билан Хусайн Бойқарони безовта қилаётган Бадиуззамон Мирзога Навоийнинг берган панд-насихатларидан иборат 55-мактубнинг йўқлиги ўз-ўзидан аён.

Навоийнинг Бадиуззамон Мирзога давлатни идора этиш бора-сида берган таклиф ва маслаҳатларидан иборат 56-мактуб Б нусхаси саҳифасидан ўрин олган (662 “б”). Чунки аввал айтганимиздек, бу мактуб шахзоданинг Астрободдаги дастлабки хукмронлик йиллари, яъни 90-йилларнинг бошларида ёзилгандир.

Шунингдек, бу нусхада сўз боши – муқаддиманинг йўқлиги ҳам тасодифий ҳол бўлмаса керак. Бундан шундай тахминни ҳам қилиш мумкинки, мазкур қўлёзма Навоийнинг дастлабки тўпланган, аммо ҳали ўзи томонидан назардан ўтказилиб, сўнгра рисола-нинг юзага келиш сабабини баён этилувчи сўз боши ёзилмаган мусаввададан кўчирилган нусхаларнинг биридир. Зеро, жаҳон кутубхоналарида “Муншаот”нинг ҳали бизга маълум бўлмаган қўлёзма нусхалари сақланмоқда экан, улар орасида таркиби жиҳатидан Б нусхасини айнан такрорловчиси ҳам учраши мумкин. Башарти, шундай бўлса унда бизнинг бу фикримиз янада қатъий-лашади.

Шоирнинг кейинроқ ёзган мактублари, шу жумладан 38, 42 ва 55-мактублар ҳисобига тўлдирилган навбатдаги редакцияси “Муншаот”нинг иккинчи редакцияси бўлиб, бу редакцияни Хоразм нусхаси ва таркибига кўра бу нусха билан тенг турадиган нусхалар ўзида акс эттиради, деб айтиш мумкин. Албатта, бунда баъзи мактубларнинг орада йўқлигина мустасно ҳасоблаш керак. Шунда ЎзФАШИдаги 9353-111 ва Ҳамид Сулаймон фондидаги 316-инв. рақамли нусхалар “Муншаот”нинг иккинчи редакциясини беради, дея оламиз. Шунингдек, ЎзФАШИдаги Т<sub>1</sub> нусха ҳам аслида “Муншаот”нинг иккинчи редакциясидир, фақат И.Одилов кейинчалик унга иккинчи редакцияга тегишли бўлмаган икки мактубни киритган.

ЛХДҚдага хижрий 1241 (м.1825-26) йилда кўчирилган қўлёзма ҳам “Муншаот”нинг иккинчи редакциясини беради. Бирок, Навоийнинг бир қанча асарлари<sup>74</sup> билан бир муқовада сақланаётган бу нусхада 62 ва 84-мактублар орасидаги хатлар йўқ (ЎзФАШИ-

<sup>74</sup> С.Л.Волан, стр. 235.

даги  $T_1$  нусхада ҳам худди ана шу мактублар ўз ўрнида йўқ). Б нусхаси учун хос бўлган хусусиятларнинг баъзиларини такрорлашини ҳасобга олмаганда бошқа нусхаларга нисбатан бу нусхада характерли жиҳат ёки афзаллик томонларни кўрмаймиз.

Ниҳоят, Ленинград халқ кутубхонаси фондидаги тўртинча қўлёзма Навоийнинг “Чихл ҳадис”, “Хамсат ул-мутахаййиран” ва “Мезон ул-авзон” асарлари билан бир муковада сақланаётган нусхадир. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, XIX асрга оид бу қўлёзма А нусхасидан айнан кўчирилган бўлиб, буни дастлаб Г.А.Давыдова аниқлаган эди<sup>75</sup>. Бирок, олиманинг асосий вазифаси “Муншаот” қўлёзмаларининг палеографик тавсифини бериш бўлганлиги учун бу ҳодисани қисман ёритиш билангина чекланган. Биз XIX асрга оид бу қўлёзмани шартли равишда В нусха деб белгилаб, унинг 55-инвентарь рақамли нусха – А дан айнан кўчирилганлигини махсус мақолада тўла ёритганмиз<sup>76</sup>.

Хўш, ана шу В нусха ва унинг кўчирилишида манба бўлган  $L_1$  нусхаси ҳамда  $T_1$  ва  $T_2$  нусхаларининг редакцияси хусусида қандай ҳукм чиқариш керак, ахир улар таркибида “Муншаот”нинг иккинчи редакциясини акс эттирувчи нусхаларнинг сўнггида келувчи форсий номадан кейин яна бир нечта (А ва Б да - 5 та,  $T_1$  да - 2 та,  $T_2$  да -3 та) мактуб мавжуд. Уларни иккинчи редакция нусхаларига нисбатан “Муншаот”нинг янада тўлиқроқ бўлган кейинги, яъни учинчи редакциясини берувчи нусхалар, деб юри-тиш мумкин эмасмикин?

Истанбул нусхасининг микрофильмини қўлга киритиб, уни тўлиқ ўрганиб чиққанимиздан кейингина бу масала ойдинлашди. Мазкур нусхалар “Муншаот” асари учинчи редакциясининг тўлиқ бўлмаган, яъни охири сукутли намуналари бўлиб, бу редакциянинг мукамал намунаси эса Истанбул нусхасининг ўзидир. Чунки, “Муншаот”нинг биз кўриб чиққан барча қўлёзма нусхаларида бор бўлган мактублардан ташқари бу нусхада (унинг сўнгги саҳифасида) биз учун тамоман янги бўлган яна етти мактуб, ҳаммаси бўлиб эса, бир юз тўрт мактуб мавжуддир.

Демак, кўринадики, Навоийнинг ўзи ҳаётлигида кўчирилганлиги билан ғоятда мўътабар ҳисобланувчи бу қўлёзма айни пайтда

<sup>75</sup> Г.А.Давыдова, стр. 174.

<sup>76</sup> Юқоридаги мақола.

таркибига кўра ҳам бизгача етиб келган “Муншаот” қўлёзмаларининг энг мукамал нусхасидир.

Куллиётнинг бошқа ўринларидаги каби “Муншаот” ёзилган варақлар ҳам жуда яхши сақланган, саҳифа текстлари рамка – жадвал орасига олинган. Ҳар саҳифада сатрлар сони 27 тадан. Саҳифаларга деярлик пойгир қўйилмаган ва шунингдек, ўтмишда ҳам бизнинг давримизда ҳам варақлар рақамланмаган. Ҳар бир мактуб охирига бошқа баъзи нусхалардаги каби “ м ” ишораси қўйилган. Аммо, улардан фаркли равишда бу нусхада “ м ” ишорасидан ташқари ўша қаторга то жадвалга қадар турли вариантда гуллар тасвирини ифодаловчи нақшлар чизилган. Бинобарин, мактублар бири иккинчисидан кескин ажралиб туради. Асар тексти майда классик настаълиқ хатда ғоятда чиройли қўчирилган бўлса-да, унда анчагина камчилик ва нуқсонли ўринлар учрайди. Бизнингча котиб шошилиб иш кўрган ва натижада ана шундай хатоликларга йўл қўйган бўлиши керак. Баъзи ўринларда бир сўз ўрнига иккинча бошқа бир сўзни ёзиб юборилиб, сўнгра устидан чизик тортилган; бир сўзни икки марта – аввалги сатр охири ва кейинги сатр бошида – ёзилган; керакли қўшимча ўрнига бошқа қўшимча ёзилган ва баъзи қўшимчалар устидан ноўрин чизик тортилган.

Лекин ўз вақтида котиб тарафиданми ёки кейинчалик бошқа шахс томониданми бундай нуқсон ва камчиликларнинг баъзилари тузатилган ҳам. Чунончи, 786-варақнинг “а” саҳифасида *بو حقىرىنى* жумласидаги иккинчи сўз – “*حقىرىنى*” аввал қўшимчасиз ёзилган, кейин эса унинг тепасига одатдаги матн хатидан кичикроқ хатда *نى* “ни” қўшимчаси ёзилган; 17-мактубдаги *اطلاعى جانغه باعث افكارلىغ ايردى ييئتيشتى* жумласидаги *ايردى* сўзи одатдаги қаторда эмас, балки “афгорлиғ” ва *ييئتيشتى* сўзлари тепасига ёзилган (787 “б”); 22-мактубдаги *اوز عوضيم* – “Ўз эвазим” иборасига аввал *دين* “дин” қўшимчаси қўшиб ёзилган, кейин эса бу қўшимча устидан чизик тортилган (788 “б”).

Бундай тузатишларни диққат билан кузатишимиз давомида янада характерлироқ фактга дуч келамаз. Ган шундаки, қўлёзма саҳифаларидаги айрим тузатишлар шунчаки имловий тузатишлар бўлмай, балки тахририй тузатиш тарзидадир. Мисолларга мурожаат этамиз:

1. Маълумки, 23-мактубнинг насрий қисми “Қолғонни ҳам умид улким, бот муяссар бўлгондан сўнгра аларни ҳам еткурул-

гусидур”, деб тугалланади. Гап бу ерда Навоийнинг ҳали ёзиб тугалланмаган китоблари ҳақида кетмоқда. Истанбул нусхасида бу гап бошқа нусхаларда қандай бўлса айнан шундай ёзилган. Аммо, الارنى هم – “аларни ҳам” сўзлари устидан чизик тортилган. Зотан, бу ўринда ана шу сўзларга эҳтиёж ҳам йўқ. Бу гапда сўз кетаётган нарсани икки марта тилга олишга не ҳожат? Қолаверса бу жумлани гализлаштиради ҳам. Мазкур тузатишни бажарган киши ана шуларни ўйлаган бўлиши керак.

2. 7-мактубнинг сўнгроғида шундай байт бор:

Ўзлугин ошик агар дўст ҳавосиға берур,  
Ёрдин хар не келур жониға осойиш эрур.

Истанбул нусхасида бу байтнинг иккинчи мисраси бошқа нусхалардаги каби

اوزلوكين عاشق اكر دوست هواسيغه بيورور  
ياردين هر نه كيلور چانيغه اسايش ايورور

ёзилган, лекин جان - “жон” сўзи устидан чизик тортилиб, тепасига روح - “руҳ” сўзи ёзилган (785 “б”).

Бизнингча ҳам “жон” ўрнига “руҳ” сўзини ёзиш мақсадга мувофиқроқдир. Чунки, бу байтда шоир ёр, яъни дўстдан келадиган жисмоний қийинчиликларни эмас, балки у туфайли бошга тушган маънавий кўргиликларни назарда тутаяди. Шундай экан, бундай азоблар киши жонига эмас, руҳига дахл этади, дейиш тўғрироқ бўлади.

3. 16-мактубда Навоий хат адресатига кўнглидан кечган андиша ва хаёлларни шундай баён этади: “Бу паришон ҳолнинг ошуфта хаёлидин не содир бўла олғайкам, ул олий мажлис мулозимлари эшитурға лойиқ бўлғай ва ошуфта хаёлнинг қаламий мақолидин не рақам сурат боғлағайким, ул шариф маҳфилнинг муқоринларининг фархунда ройиға мувофиқ келғай”. Истанбул нусхасида ана шу қисмдаги “фархунда ройиға” ибораси устига кўплик қўшимчаси لارى – “лари” ёзиб қўйилган (2-илова). Шунда бу ибора “фархунда ройлариға” тарзида ўқилади. Дарҳақиқат, сўз кўпчилик ҳақида бормоқда. Шундай экан, уларнинг ҳам кўпчилик эканлигини, ҳам хурматини назарга олган ҳолда “уларнинг муборак фикри” эмас, балки “уларнинг муборак фикрлари” дейиш жоиздир.

4. 18-мактуб бошидаги рубойнинг тўртинчи мисраса бошқа нусхалардаги каби қуйидагича ёзилган:

نيچون قرا قيلماسون فلكنى اھيم

Бироқ *فلكنى* сўзи устидан чизиқ тортилиб тепасига *قوياشنى* сўзи ёзилган (2-илова). Дарвоқеъ, бу рубой “Ҳазойин ул-маоний”да ҳам мавжуд бўлиб, унда ҳам мазкур мисра

Невчун қаро қилмасун қуёшни оҳим

тарзида ёзилгандир.

Шунинг билан бирга баъзи сўзлар ўчирилиб, унинг тўғри шакли китоб ҳошиясига ёзиб қўйилган.

Бу ўринда яна шу нарсани қайд этиб ўтишимиз керакки, биз сўз юритган ўринлар асосан қўлёзманинг аввалга саҳифаларигагина мансубдир. Қўлёзманинг иккинчи ярмидаги саҳифаларда деярлик ҳеч қандай тузатиш ёки ҳошияда қайдларни кўрмаймиз. Бу ҳам бизнингча тасодифий ҳол бўлмаса керак. Ушбу факт ҳамда юқорида сўз юритганимиз – тахририй характердаги тузатишларнинг анчайин жиддийлигидан бу ишда Навойнинг қўли бор эмасмикин, деган фикр келади киши ҳаёлига. Яъни, асар муаллифи ва куллиёт мусаннифи сифатида Навоий қўлёзма кўчирилаётган пайтда котиб ишини қандай бораётганини текширган вақтда кўзга ташланган хатоликларни ҳамда тахрир талаб ўринларга керакли тузатишларни киритишни кўрсатган ва шунга биноан котиб буни бажарган бўлиши мумкин.

Ҳ.С.Сулаймоновнинг кўрсатишича, мазкур куллиётдаги “Садди Искандарий” дostonи ёзилган варақларнинг охиригисида (224 “б”) 901 ва “Ғаройиб ус-сиғар”нинг охириги варағи (482 “а”)да ҳижрий 902 тарихи турган ҳолда унда 904- (м. 1498-99) йили яратилган “Лисон ут-гайр” дostonи билан 905- (м. 1499) йили ёзилган “Муҳокамат ул-луғатайн” ва “Сирож ул-муслимийн” асарлари ҳам мавжуддир<sup>77</sup>. Айтиш мумкинки, Навоий куллиёт учун “Муншаот” асарининг кўчирилиш вақтида унинг аввалги редакцияларига кирмай қолган, яъни кейинги вақтларда ёзилган мактубларини ҳам қўшиб кўчиришни котибга топширган бўлиши керак. Шунда Истанбул нусхаса “Муншаот”нинг муаллиф томонидан тўлдирилган, сўнгги, энг мукаммал редакцияси бўлиб чиқади.

<sup>77</sup> Ҳ.С.Сулаймонов, 90-бет.

ЎзФАШИнинг Ҳамид Сулаймон фондида Навоий “Ҳамса”сининг XVII асрда кўчирилган бир нусхаси сақланади. 2777-инв. рақамли бу қўлёзма кўп уриниб, варақлари афтода ва пароканда ҳолга келиб қолганлиги учун қачонлардир таъмир этилган. Шу сабабли унинг варақлар қоғози икки хилдир, яъни китобнинг аслига доир варақлар ва йўқолган варақлар ўрнига таъмирчи томонидан киритилган кейинги асрга доир варақлар. Текстлар саҳифанинг ўртасида икки устунда ва ҳошияда жойлашган. Асосий варақларда сарлавҳалар кизил ранг саёҳда ёзилган. Асосий варақларнинг икки саҳифасида китобат санаси кўрсатилган: 44 варақнинг “б” саҳифасида рақамлар билан 1093 (м. 1682) йил кўрсатилган, 263 варақнинг “б” саҳифасида эса, араб тилида сўзлар билан 1094 йили қайд этилган.

Агар қўлёзмани бир-бир варақлаб кўрилса унинг саҳифаларида Навоийнинг бошқа асарлари, жумладан “Муншаот”дан ҳам парчалар борлиги маълум бўлади – 266 ва 267 варақлар саҳифаларида 22, 46, 65, 48, 59, 70, 57, 61 мактублар матни жойлашган. Лекин гап бунда ҳам эмас. Бу ерда биз бошқа бир характерли фактнинг гувоҳи бўламиз – китобнинг асосий варақларидан бирида, яъни 266 варақнинг “а” саҳифасида қизил сиёҳ билан ёзилган шундай сарлавҳага кўзимиз тушади: **АЙЗАН ИНШОИ АМИР АЛИШЕР НАВОИЙ РУХСАТИ ҲАЖ**.

Мактубда Навоий ўзига хос сўз ўйини билан ёши олтмишга борганлигини айтади. Бу эса бизга мазкур мактубнинг ёзилган йилини аниқлаш имконини беради. Буни, албатта, мусулмон оламида қўлланилиб келинган ҳижрий-қамарий тақвим асосида ҳисоблаб чиқарамиз.

Яъни, Хондамир маълумотиغا кўра Навоий 844 йил 17 рамазон ойида туғилган<sup>78</sup>. Шу санадан ҳисоблаганда Навоийнинг олтмиш ёши 904 йилга тўғри келади. Ҳижрий 904 йилнинг рамазон ойи милодий 1499 йилнинг апрел ойига тўғри келади<sup>79</sup>.

Демак, мазкур мактуб Навоийнинг 1497-98 йилларда “Муншаот” асарини ўзи тасниф этган куллийетга киритиш муносабати билан амалга оширган энг сўнгги, учинчи редакциясидан

<sup>78</sup> Хондамир. Макоримул-ахлоқ, Т., Гафур Гулом номдаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967, 27-бет.

<sup>79</sup> Каранг: В.Б.Цибульский. Современные календари стран Ближнего и Среднего Востока, М., Изд-во «Наука», 1964, стр. 80.



кейин ёзилган. У тўпلامга кирмаган бўлса-да, йўқотиб ҳам юборилмаган, Навоийнинг яқин кишилари ёки Хусайн Бойқаро кўлида сақланган. Кейинчалик кимдир уни шоир асарлари кўчирилган китоб саҳифасига битиб қўйиш билан йўқолиб кетиши хавфини олдини олган. Биз Навоийнинг насрий асарларидан иборат XVI асрга оид бир қўлёзмада<sup>80</sup> ҳам тўпلامга кирмаган яна бир мактубни учратган эдик (4-илова).

Шунингдек, “Бобурнома”нинг 1500-1501 йиллар воқеаларига доир қисмида сўзланган Навоийнинг мазкур асар муаллифига йўллаган мактуби ҳам ана шу икки мактуб каби шоир ҳаётининг сўнги йилларида ёзилган бўлгани учун тўпلامга кирмаган. Афсуски, бу мактуб ҳозирга қадар етиб келмаган ёки етиб келган бўлса ҳам бизга номаълум бўлиб турибди.

Шундай қилиб, “Муншаот” Навоийнинг бошқа асарлари каби ўтган асрларда кўп мартаба кўчирилган бўлиб, ҳозирги кунда мамлакатимиз ва чет эл фондларида унинг кўплаб қўлёзма нусхалари сақланаётганлиги, энг муҳими улар орасида шоир ҳаётлик чоғида китобат этилган нусхаларининг ҳам мавжудлиги навоийшунослигимиз учун ғоятда қувончли ҳолдир. Муҳими, асарнинг илмий-танқидий матнини тузишда улардан маълум даражада истифода этиш мумкин.

### *“Муншаот”нинг илмий-танқидий матнини тузишда жалб этилган қўлёзма нусхалар ва матн танқиди*

“Муншаот”нинг биз танишишга муваффақ бўлган ва юқорида бир қадар тавсифи келтирилган қўлёзмалари ичида асар танқидий матнини тузишда Истанбул нусхаси энг ишончли нусха вазифасини ўтай олиши мумкиндек кўриниши, шубҳасиз. Зеро, у таркибидан жой олган Куллиёт Навоий ҳаётлик чоғида кўчирилгангина эмас, балки унинг назорати остида тасниф этилган ҳам. Бирок, шунга қарамасдан, бу нусхада ҳам қатор нуқсонли ўринлар мавжудки, улар котибнинг шошилиб иш кўрганлиги оқибатида юзага келгандек тасаввур ҳосил қилади кишида. Бунга мисол тариқасида бир неча ўринларни келтирсак:

1. 79-мактубнинг насрий қисмида келган

<sup>80</sup> ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фонди. Инв. № 10, 110 “б” варак. Бу мактуб нишримизда 110-рақам остида берилмоқда.

بو سرحددا مامن توتتوم شگ يوق که حلوص عقيدم نتیجه سی دین ایردی  
жумласидаги сўнги ибора ўрнига И нусхада ایردی ибораси  
ёзилган. Маъно жиҳатидан бу ибора жумланинг мазмунига деярлик  
сингишмайди. Б нусхада мазкур ибора яна бошқача шаклда: *اثر يردين*  
ايردى . Бу энди мазмун моҳиятига кўра бир мунча яқинрок. Шундай  
эса-да, мантиқан сўз бораётган жумлада “натижасидин эрди” ибо-  
расини қўллаш ўринлидир.

## 2. 90-мактубни Навоий

تيل كا منكور بولغان و قلم غه مسطور قيلغان بودوركيم

жумласи ва сўнгра

Илоҳи, жоми васли дилфрўзи,  
Мени лабташнаға бот айла рўзи

байти билан тугатади. И нусхада жумла сўнгидаги *قيلغان بودوركيم*  
иборасидаги *بو* кўрсатиш олмоши ихтиёрсиз равишда тушириб қол-  
дирилганлиги боис ибора *دورکيم قيلغان* сўзига айланиб қолган. Бу эса  
муаллиф урғу бераётган жумла ва байт ўртасидаги боғланишни  
йўққа чиқарган. Қолаверса, жумла мазмунидаги аниқликка путур  
етган.

## 3. 78-мактубни якунловчи маснавийнинг

قمر بيرله خورشيددين متصل  
ساجيلسون باشينک اوزره اق و قزيل

байтидаги *بيرله* сўзи ўрнида *بولدى* сўзи ёзилган, яъни кўмакчи  
вазифасидаги сўз феълга айланган. Оқибатда мисранигина эмас,  
байтнинг ҳам мазмуни мавхум ҳолга келиб қолган.

4. И нусхадаги 74-мактуб матнида бошқа нусхаларга нисбатан  
янада сукутли ўринлар учрайди. Чунончи, мактубнинг насрий  
қисми бошланишидаги

تا شفق نينک رنگين صفحه سي قوياش مهره سيدين جلی تابقای اول صفحه کاتب لار

ایلکی دین

тарзида кўчирилганки унда бир эмас, иккита нуқсонга йўл қў-  
йилган: *صنع* сўзи тушиб қолган ва “котиблари килкидин” жумласи  
“котиблар илгидин” қилиб кўчирилган бу ҳолат жумланинг уму-  
мий мазмунига жиддий путур етказган.

## 5. 73-мактубдаги

بو سلطنت اوجی نينک اختری کيم شرف برجی دین طلوع ايتميش پرتوی دین دهر  
شيدستانى روشن بولسون و بو خلاقت بوستانى نينک وردی کيم سعادت چمنى دین جلوه  
قيلميش طراوتی دین عالم ویرانى کلشن بولسون

насрий қисмнинг сўнги жумласи **И** нусхада

- طراوتى دین عالم ویراننى کلشن ایتسون

– тароватидин олам вайронни гулшан этсун.

Бир эмас, икки ўриндаги фарқ жумла мазмунини ўзгартириб юборган. Бу эса мазкур насрий қисмнинг умумий мазмунини ғализлаштиради. Дарвоқеъ, “Муншаот”нинг 1966, 1988 ва 2012 йиллардаги нашрларида ҳам ушбу жумланинг сўнггидаги сўз “бўлсун” эмас “этсун”. Демак, мазкур ҳолат **И** нусхасидан бошқа нусхаларга, шунингдек, нашрларга асос бўлган қўлёзма учун ҳам хос бўлган.

Кўринадики, Навоий ҳаётлик чоғидагина эмас, балки унинг раҳнамолиги остида кўчирилган бўлса-да, мазкур куллийётдаги “Муншаот” матнidan биз келтирган ўринлардаги нуқсонлар ундан таянч нусха сифатида фойдаланишга моненьлик қилади.

“Муншаот”нинг биз фотонусхасига эга бўлган яна бир ғоятда эътиборли нусхаси, қайсики, шоир барҳаётлик чоғида (яъни 1498-1499 йилда) кўчирилган қўлёзма саводлилигига кўра мақсадимизга мувофиқ нусха бўлиб чиқди. Чунки, биз шартли равишда **А** нусха деб атаган бу нусханинг матни **И** нусхага нисбатан камчиликлардан анчагина ҳолидир. Унда матн мазмунига жиддий таъсир этувчи нуқсон ва хатоларни деярли учратмаймиз. Баъзи ўринларда илмий-танқидий матнимизга мувофиқ келувчи тузатишлар, шунингдек, сатр устига сўз ва иборалар ёзиб қўйилишдек тўлдиришлар мавжуд. Бундай тузатиш ва тўлдиришларнинг баъзилари эса таҳририй характерга ҳам эгадек тасаввур ҳосил қилади кишида. Масалан: 26-мактубдаги “Хар ойинаким, андоқ бўлғусидур кўёшдин заррапарварлиқдин ўзга иш келмагусидур ва бу куёшдин равшанроқдур” гапининг кейинги қисми китобат чоғида *ایش کیلماکوسی قویاش دین روشن* аш қилмақоси қоиаши дин рошн аш қилмақоси дор у бо қоиаши дин рошн қилиб тўлдирилган. **И** нусхада эса бу тўлдирилган қисм йўқ. 38-мактубнинг сўнггидаги якунловчи гапда “*Анга даги гоҳи мулоҳаза қилилиб, амалга келтурулса, давлатқа мувофиқ бўлғусидур...*” дейилади. Бу қисмни **А** нусхада ўқиймиз: *انکا داغی قیایلیب دولت قه* ва *کاهی ملاحظه قیایلیب دولت قه موافق بولغوسیدور* – “қилилиб давлатқа” сўзлари устига *عمل غه کیلتورولسه* ибораси ёзиб қўйилган.

Ана шу зикр этилган хусусиятларга кўра **А** нусхасини иппимизга таянч нусха қилиб олишимиз мумкин эди. Афсуски, юқорида айтиб ўтганимиздек, яъни қўлёзмадан таҳминан тўрт ёки беш варақнинг тушиб йўқолганлиги бундай қарорга келишимизга имкон бермайди. Зеро, унда деярли йигирма тўртта мактуб етишмайди.

Шунга кўра, таянч нусха вазифасини ўтай оладиган кўлёмани топиш мақсадида “Муншаот”нинг энг тўлиқ ҳолатдаги, яъни учинчи редакциясини берувчи нусхани излашга тўғри келади. Адабиёт музейининг кўлёмалар фондида Навоийнинг хорижий мамлакатлар хазинасида сақланаётган кўлёмма куллийётларининг фотонусхалари мавжуд. Улардан бири фанда Париж нусхаси дея номланиб келаётган куллийёт бўлиб, унда шоирнинг 26 асари ўрин олган. Бизнинг эътиборимизда бўлган “Муншаот” асари куллийётнинг энг сўнггида келади. Шунинг учун ҳам бу асар тугалланган саҳифада колофон бўлиб, унда кўлёманинг котиби, китобат санаси ва жойи зикр этилган: Тамом бўлди китоб биъавниллаҳил-маликил-вахҳоб тарих тўққуз юз ўтуз учда фақири ҳақир Али Ҳижронийнинг илгида гафараллоху зунубаху ва сатара ъуйубаху фи дорис-салтана Ҳиротда туганди.

Икки жилддан иборат куллийётнинг кўлёмма нусхаси Франциянинг Париж Миллий кутубхонасида 316-317 инв. рақамлари билан сақланади. Бу кўлёмани синчиклаб ўрганишга муваффақ бўлган Ҳамид Сулаймонов биз юқорида тилга олган мақоласида унинг тўлиқ тавсифини берган. Мақолада айтилишича, кўлёмма матни ғоятда гўзал кўринишида бўлиб, у Хуросоннинг классик настаълиқ хатида кўчирилган. Биз ҳам ишимизда **П** нусха деб атаган ушбу нусхани ўрганишимиз натижасида шу нарса маълум бўлдики, у Истанбул нусхасидан айнан кўчирилган экан. Бу ҳолатни биз юқорида келтирган **И** нусхасига хос нуқсонларнинг ушбу **П** нусхасида ҳам айнан такрорланишидаёқ кўришимиз мумкин. Шунингдек, бошқа нусхаларга нисбатан **И** нусхадаги фаркли ўринлар **П** нусхасида ҳам такрорланади. Баъзи ўринларда эса, **И** нусхадаги хато жумлаларни **П** нусхаси котиби тўғрилаб кўчирган. Чунончи, 49-мактубда учровчи бир жумла **И** нусхасида хато тарзда: فرح پى فرح خنده پى فرح قال қилиб кўчирилган. **П** нусхада эса бу жумла فرح خنده پى فرح قال тарзида тўғри кўчирилган.

Яна бир эътиборли жиҳат: **П** нусха котиби **И** нусхасидаги сўзларни “замонавийлашган” (агар шундай дейиш ўринли бўлса) шаклини ёзади. **И** нусхада: ايردى ، اورغای ، اولولدى ، سўзлари **П** нусхада: ایدی ، اورکای ، اولدی .

Бу каби хусусиятлари, хусусан **И** нусхадан кўчирилганлигига кўра, **П** нусхаси таянч нусха вазифасини ўтай олмаса-да, уни асосий нусхалар каторига кўшишга қарор қилдик.

Адабиёт музейи фондида фото нусхаси сақланаётган Навоий куллиётлари орасида нисбатан қадимийроқларидан яна бири 4056-инв.рақамли нусхадир<sup>81</sup>. Бу куллиётнинг қўлёзма нусхаси Туркияда, Истанбулнинг Сулаймония кутубхонасида сақланади. Шуни назарда тутиб биз уни шартли равишда **И<sub>1</sub>** нусха деб атадик. Туркиялик таниқли олим Огох Сирри Левенд Алишер Навоий ҳақидаги икки жилдлик рисоласида бу қўлёзманинг тўлиқ тавсифини берган<sup>82</sup>. Ҳамид Сулаймонов ана шу манбадан фойдаланган ҳолда юқорида зикр этилган мақоласида қўлёзма ҳақида қисқача маълумот бериб ўтган. Унда айтилишича, китоб тахминан XVI асрнинг биринчи ярмида кўчирилган бўлиб, у қачон, қаерда ва ким томонидан кўчирилганлиги номаълум. Матн майда настаълик хатида кўчирилган бўлиб, саҳифаларга пойгирлар кўйилган, варақлари бут. Мактублар матни бир-биридан ажралиб туради, чунки уларнинг охирига тугалланганликни билдирувчи **ع** ҳарфи ва оралик жой қолдирилган.

Нусханинг мукамаллиги матннинг саводчилигида ҳам кўрилади. Бу жиҳатдан баъзи ўринлардаги сўз, ибора ва жумлаларнинг тушиб қолганлигини ҳисобга олмаганда у **А** нусхага яқин туради. Шунга кўра, **А** нусхадаги варақлар тушиб қолган ўринларда **И<sub>1</sub>** нусхага таяниш мумкин.

Шу тариқа “Муншаот”нинг илмий-танқидий матнини тузишда унинг ўзимиз ўрганиб чиққан қўлёзма нусхалари орасидан бештасини асосий нусха қилиб олинди. Булар: **А**, **И**, **И<sub>1</sub>**, **Б** ва **В** нусхаларидир.

Матншуносларимиз қайд этганларидек, насрий асарлар устида текстологик тадқиқотлар олиб бориш анчайин мураккаб иш бўлгани боис биз **А** нусхасини таянч манба деб топсак-да, унга ва шунингдек, қолган нусхаларга ҳам танқидий кўз билан қараб, фаол танқидий таълаш принципи бўйича иш кўрдик. Албатта, ишимизда Навоий асарларининг, хусусан, насрий асарларининг илмий-танқидий матнини тайёрлаган матншунос олимларимизнинг иш тажрибаларига суяндик. Матнни **А** ҳамда **И<sub>1</sub>** нусхалари таркиби билан эски ўзбек ёзувида мукамал тарзда – “Муншаот”нинг сўнг-

<sup>81</sup> Адабиёт музейининг катта илмий ходими Жалолиддин Жўраев 2010 йилда Туркияда хизмат сафарига бўлган чоғида ана шу қўлёзманинг электрон нусхасини мамлакатимизга келтирган эди. Ундан бизга бир нусха кўчириб тақдим этгани учун ҳамкасбимизга ўзимизнинг миннатдорчилигимизни билдирамыз.

<sup>82</sup> Agah Surri Levend, Ali Sir Nevai, II cilt, Ankara, Türk tarih kurumu basimevi, 1966, б. 3-4.

ги, учинчи редакцияси ҳолатида кўчириб чиқдик. Асар таркибига кирмай қолган, қайсики бошқа қўлёзма манбалардан аниқланган икки мактубни матн охирига 109 ва 110-рақамлари билан тиркаб кўйдик.

Ишга жалб этилган нусхалардаги А нусхага нисбатан фарқли ўринлар илмий-танқидий матн аппаратида қайд этиб борилди. Шунинг билан бирга А нусхага хос бўлган нуқсон ва камчиликлар ҳам танқидий матнда рад этилиб, аппаратда кўрсатилди.

Чунончи: 3-мактубдаги

رتبه دا انى اعلى ديسه بولغاي بس سبب بو بولا الغاي كيم و باعث مونى ديسه بولغاي كيم  
жумласида *سبب* бу *و* боғловчиси тушиб қолган. Биз жумлани бошқа нусхалардан тўғри ҳолатдаги вариантини кўчирдик ва аппаратда мазкур камчиликни қайд этдик.

86-мактубдаги “*ва баъс зулмати зимнида ҳаёти жовид навиди етар*” жумласи А нусхада: *و باس ظلمتى دا حيات جاويد نويدى ييتار*. Бунда “зулмати” сўзига ўрин-пайт келишигини қўшиб ёзилиши ва “зимнида” сўзининг тушириб қолдирилиши оқибатида жумла мазмунига жиддий путур етган. Бу ўринда ҳам ушбу нуқсонни текст остида қайд этган ҳолда, бошқа нусхалар асосида жумланинг тўғри ва тўлиқ шаклини тикладик.

Ҳатто, баъзи ўринларда деярли барча нусхани ҳам рад этишга тўғри келди. Масалан, 31-мактуб А, И, И<sub>1</sub>, П нусхаларда (бу мактуб Б нусхада йўқ, афтидан у 1494 йилдан кейин ёзилган) шундай тугалланади:

چون مبارك نظر لارى توشكاي اصلاح بيله مشرف بولغاي دولت مدام و سلطنت مالا

كلام

*Чун муборак назарлари тушгай, ислоҳ била мушарраф бўлгай. Давлат мудом ва салтанат молокалом.* (Дарвоқеъ И<sub>1</sub> нусхада бу мактуб матни *والسلام* сўзи билан тугайди).

Кейинги гапнинг мазмуни мубҳам, чунки унда муҳим бир сўз – кесим етишмаяпти. Бу ҳолатни бизнингча, котибларнинг тутган йўллари билан изоҳлаш керак. Зеро, улар ҳамма вақт ҳам матнни кўчириш чоғида унинг мазмунига эътибор беравермайдилар. Мазкур ўринда ҳам улар келтирилган икки гацдан иборат парчани битта гап деб тушунишган ва “*бўлгай*” сўзини кейинги қисмга, бизнингча иккинчи гапга ҳам дахл этади, деб ўйлашган. Зотан, Навоий насрида уюшиқ гапларнинг аввалгисига тегилши кесим

ёки кесим вазифасини бажарувчи сўз кейинги гапда ҳам қўллангудек бўлса, иккинчи гапда уни ёзиб ўтирмаслик ҳоллари ҳам учрайди. Бунга мисолни “Муншаот”нинг ўзидан ҳам келтиришимиз мумкин. Чунончи, 36-мактубдан: “*Ҳар қаён юзлансангиз фатҳу зафар ёрингиз бўлсун ва жамиъ офот ва балиётдин Ҳақ таъоло ниғаҳдорингиз, омин*”. 11-мактубдан: “*Ва лекин хаёл ботил экандур ва муддао отил*”.

Зикр этилаётган парчада “*бўлгай*” сўзига котиб ана шундай тушунча билан қараган ва иккинчи бор уни ёзмаса ҳам бўлади, деб билган. Биз бу сўзни ўз ўрнига қўйдик ва бу ҳолни нусхаларнинг нуқсонини, деб топиб, аппаратда қайд этдик.

Нусхалараро тафовутларнинг бир туркуми эквивалент сўзларнинг қўлланишидир. Масалан, 79-мактубдаги *حلوص عقيدم نتیجه سی دین خبریدین* жумласидаги *دین نتیجه سی* сўзи ўрнида **И** ва **П** нусхаларда *خبریدین*, **Б** да эса *اثریدین* ёзилган. Шунингдек, **И** нусхаси котиби *دنیی، قضا، حال، حق،* **Б** нусха котиби эса *جهان، اجل، جزوی* сўзлари ўрнига *جزئی* сўзлари ўрнига *تقدیر، تینگری، خرسند* каби эквивалентларни ёзади. Биз бундай ўринларда **А** ва **И<sub>1</sub>** нусхалардаги вариантни мақбул топдик ва танқидий матнга киритдик, эквивалент сўзларни эса аппаратда қайд этдик.

Нусхалар ўртасидаги характерли фарқлардан яна бири айрим сўзларни замонавийлаштирилган (модернизациялаган) шаклда ёзилишидир. Чунончи: *اورتاکالی* эмас *اورتاکالی* каби, *کیتورکای* эмас *کیتورکای* каби. Бунда ҳам таянч манба ҳисобланган нусхалардаги вариантни текстда бериб, ўзгартирилган, яъни, замонавийлаштирилган шаклдагисини танқидий матн аппаратида кўрсатдик.

Ана шу ҳолат муносабати билан бир масалага тўхталгимиз келди. У ҳам бўлса, бу каби сўз ва ибораларни замонавийлаштиришнинг “Муншаот” нашрларида ҳам мавжудлигидир. Асарнинг амалга оширилган нашрларида сўз ва ибораларни ҳозирги тилимизга мослаштирилган ҳолда босилган ўринлар учрайди. Чунончи, қўлёзма нусхалар матнидаги

*توکاتکاندین، اگر ایکینجی هم، بیغاج، ایردی ایرکین، قچن، دنیی، تیکماسه* каби сўз ва иборалар “тугагандин” (56-м.), “агар иккинчиси ҳам” (5-м.), “ёғоч” (7-м.), “эрди эркан” (12-м.), “қачон” (56-м.), “дунё” (24, 59, 65, 87-м.), “етмаса” (56-м.) қилиб босилган. Бундай ўзгартиришлар исмларда ҳам учрайди: *سنایی* - Санойй, *ابو اسحق* -

Мир Саййид Абу Исҳоқ. Кўплаб мактубларда учрайдиган *بييارىلدى* сўзи деярли барча ўринда “*юборилди*” шаклида табдил қилинган; *بىزىنك* ، *سىزىنك* каби қаратқич келишиги билан келган олмошлар бугунги истеъмолдаги шаклда – “*сизнинг*”, “*бизнинг*” қилиб босилган.

Бизнингча, бу каби ўзгартиришлар ноширларнинг эмас, балки нашриёт ходимларининг ишлари бўлиши керак. Мумтоз адабиётимизнинг тил хусусиятларидан яхши хабардор эмасликлари боис баъзи котиблар аслиятни “тузатиб” кўчирганларидек, нашриётдагилар асар ноширининг матнига ана шундай “тузатишлар” қилганлар ва бу ўзгартирилган сўз ва иборалар кейинги нашрларга ҳам ўтиб бораверган. Ҳолбуки, фанда шундай илмий ҳақиқат мавжудки, ҳар қандай асар ўз даври маданиятининг бадий ёки илмий ёдгорлигигина эмас, балки ўша давр ва ўша халқ тилининг ўлмас обидаси ҳамдир. Зеро, унда ўша давр адабий тилининг бойлиги ва хусусиятлари, ўша тил таровати ҳамда камолотининг муайян бир босқичи мужассамлангандир. Шунга кўра, мумтоз адабиётимиз намуналари, хусусан, Алишер Навоий асарларидаги сўз, ибора ва жумлаларни замонга мослаб ўзгартирган тарзда нашр этиш номақбул ишдир. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиккан ҳолда биз кўлёмза нусхалар матнининг ҳар бир жиҳатига эътибор бердик, хаттоки, сўзларнинг имлосигача. Масалан, 13-мактубда *مولانا غياث الدين حلالى* номи учрайди. Бу ном нашрларда “Мавлоно Ғиёсиддин Жалолий” тарзида босилган. Ҳолбуки, биз кўрган барча нусхаларда (ишга жалб этилмаган нусхаларда ҳам) тахаллус *حلالى* эмас *حلالى* ёзилган (3-илова). Шунга кўра, уни “Ҳалолий” дея қабул қилдик ва танқидий матнга киритдик. Луғатлардан маълум бўлишича, “ҳалол” ёки “ҳаллол” сўзининг маъноси ҳал қилувчи, ечиб берувчи маъносидадир. Эҳтимол, мазкур шахс юксак билим ва иқтидорга эга бўлиб, ўта мураккаб масалаларни ечиб бера олиши туфайли замондошлари томонидан ана шундай лақаб билан аталгандир.

Бугунги тилимизда фаол қўлланиладиган “хизмат”, унга нисбатан кам ишлатиладиган “гунбаз” ва деярли ишлатилмайдиган “гаъвиз” сўзлари нусхаларда *تعويد* ، *كنبد* ، *خدمت* деб ёзилган. Нашрларда уларнинг бугунги истеъмолдаги шакли берилган. Биз уларни нусхалар матнида қандай битилган бўлса, танқидий матнда ҳам, кирилл ёзувидаги текстда ҳам шундай бердик.



## Ишдаги белгилар

Ишимизда мақбул белгилар қўллашда ҳам деярли шу кунга қадар тузилган Навоий насрий асарлари илмий-танқидий матнлари муаллифлари тутган йўлдан бордик. Чунончи, илмий-танқидий матнимиздаги бирор сўз асосга олинган қўлёзмаларда бошқа сўз ёки ибора билан алмаштирилган бўлса, унда танқидий матндаги сўз тепасига рақам қўйиб, саҳифа остида бу сўз қайси асосий нусхамизда қандай сўз билан алмашган бўлса, ўша сўз кўрсатилди. Масалан, 70-мактубда *دور بولغان* сўзи Б нусхада *بولغان ايرميش* ибораси тарзида келади. Бу ҳолда матнда *دور بولغان*, аппаратда *بولغان ايرميش*<sup>6</sup> деб берилди. Шунингдек, 77-мактуб матнидаги *سلامت ليغينگيز غه* сўзи И<sub>1</sub> нусхада *سلامتینگيز غه* шаклида берилган. Биз танқидий матнда аввалги вариантни қолдирган ҳолда, ўзгарган сўзни аппаратда *И<sub>1</sub> سلامتینگيز غه* қайд этдик.

Бутун бир жумла ёки ибора бошқача шаклдаги жумла ёки ибора билан алмашган ҳолларда танқидий матнда жумла бошланганидан сўзнинг ўнг томонига юлдузча (\*) белгиси ва жумла тугалланганидан сўзга навбатдаги рақамни қўйдик. Масалан, 4-мактуб матнидаги *ايشيكلار مدروس و حجره ايشيك لاری مسدور* ибораси Б нусхада *ايشيكلار مدروس و حجره ايشيك لاری مسدور* тарзидадир. Бунда танқидий матнда *ايشيكلار مدروس و مسدور*<sup>7\*</sup> аппаратда эса қилиб кўрсатдик.

62-мактуб матнидаги *هجران اوتى نينک* ибораси И ва II нусхаларда *هجر اوتين* кўринишида, И<sub>1</sub> нусхада эса яна бошқачароқ *هجر اوتى* тарзида. Бунда ҳам танқидий матнда аввалги вариантни бериб, аппаратда нусхалардаги фарқларни кўрсатдик: *3\* هجر اوتين* И<sub>1</sub> ; *هجر اوتى*.

Баъзи ўринларда учровчи сатрлар қурилишидаги фарқларни ҳам юлдузчали рақам воситасида кўрсатдик. Масалан, 74-мактуб бошланишидаги рубойнинг учинчи мисраси:

*صفحه لوحيدا قلمى قىلدى رقم*

И ва II нусхаларда бошқачароқ:

*صفحه لوحيدا چون قلم قىلدى رقم*

Котибнинг, биз И нусха котибини назарда тутмоқдамиз, билбми ёки билмай қилган ўзгартириши оқибатида рубойнинг мазмун бутунлигига путур етган, яъни ёр ҳақида бораётган сўз бу ўзгартиришдан сўнг қаламга кўчган. Шунга кўра, биз бу ҳолатни

хато деб топиб, уни саҳифа остида <sup>5\*</sup>ИП چون قلم قیلدی رقم 5\*  
دها қайд этдик.

Баъзи ўринларда бирор сўз маънодошига алмаштирилиб кўчирилган бўлса, аппаратда алмашган сўз, унинг ёнига “ўрн.” (ўрнига) қисқартмаси қўйилиб, сўнгра алмаштирилган сўзни кўрсатилди. Масалан, 47-мактубдаги **حق** сўзи ўрнида **Б** нусхада **تینگری** сўзи ёзилган. Буни аппаратда <sup>2</sup>**Б** **حق** ўрн. **تینگری** тарзида ифодаладик.

Сўз, жумла ва байтлар тушириб қолдирилган ҳолат “ – ” белгиси билан, қўшилган ҳолатлари эса “ + ” белгиси билан кўрсатилди.

Ишимизда асос бўлган қўлёмалар орасида **А** ва **И** нусхаларга хос бўлган бир жиҳат, яъни улар матнида учровчи тузатишларни ҳам эътиборимиздан четда қолдирмадик. Зеро, мазкур тузатишлар таҳририй характерда бўлиб, улар асар матнини мукамаллаштириш йўлида қилинган уринишлардек тасаввур пайдо қилади кузатган кишида. Аввало, “Муншаот”нинг дастлабки редакцияси (**Б** нусха)га нисбатан кейинги, иккинчи редакцияси китобатида анчагина таҳририй ўзгартиришлар қилинган ва бу танқидий матнимиз аппаратидаги **Б** нусхага доир фарқлар мисолида аниқ кўзга ташланади. Қолаверса, **А** ва **И** нусхалар кўчирилганидан кейин ҳам улар матни таҳририй назардан ўтказилганлиги мазкур тузатишлардан аён бўладики, биз юқорида **И** даги ана шундай тузатишларнинг баъзилари устида тўхталган эдик.

Маълумки, илмий-танқидий матн тузиш ўта машаққатли ва масъулиятли ишдир. Навоий “Муншаот”и устида олиб борган изланишларимиз давомида асарнинг илмий-танқидий матнини тузиш бугунги навоийшунослигимизнинг муҳим вазифаларидан бири эканлигини ҳис қилган ҳолда ана шу ишни амалга ошираётиб бунга янада иқрор бўлдик. Бинобарин, ушбу ишимизга жиддий қараб, холис баҳо беришни илмий жамоатчилигимиз, хусусан, матншунос мутахассислардан умид қилиб қоламиз. Ишимизнинг арабча хат асосидаги эски ўзбек ёзувидаги танқидий матнини компьютерда саҳифалашидан ташқари, асарда келтирилган ояти қарима ва ҳадиси шарифларни тўғри ўқиш ва ёзишда бизга беғараз ёрдам кўрсатгани учун ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг илмий ходими Озодбек Алимовга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Ҳамди мавфур ул сониъғаким, илми муншийси сунъ қалами била каломи мажид иншосин офариниш авроқиға рақам қилди, то офариниш аҳли анинг аҳкоми била амал қилғайлар ва яхшини ямондин ва килурни қилмасдин билғайлар.

*Рубоийй а:*

Ул ҳокимким, омдурур ихсони,  
Шаҳлар бошиға нофиз анинг фармони,  
Фармониға иншо сувари Куръони,  
Иншосиға иъжоз келиб арзони.

*“Жаллат а..ла..уху ва ғаммат неъмауху”.*

Ва дуруди номаҳсур ул рофиъғаким, шаръи муфтиси килки амри била шариаъати ҳамид имлоси замон саҳойифиға ёзилди. То замон эли анинг амру наҳйи била иштиғол кўргузуб, хато байдосидин савоб тариқиға росих бўлғайлар.

*Рубоийй а:*

Ул шоҳки, мойаи фасоҳат келди,  
Ҳар нукта анга маҳзи балоғат келди,  
Ҳақдин иши оламға рисолат келди,  
Шони бу рисолатда адолат келди.

Саллаллоҳу алайҳи ва ала а..лиҳи ва асҳа..бихи.

Аммо баъд: ажиллаи асҳоб оллида андоқ маъруз бўлур ва аиззаи аҳбоб хидматида андоқ арзға еткурулурким, атрок иншо-сида ва бу аҳли идрок баён ва адосидаким, биров бировга рукъа ёзғай, ё ул киши ул рукъаға жавоб битигай, дағи рукъа келгурган қосидни қайтарғай – алфози латофатдин муарро ва тарокиби бало-гатдин мубарро эрди. Ва адоси рангин фикаротдин намойишсиз ва мазмуни рангин абётдин оройишсиз. Ва муқобалада форсий алфоз-нинг иншолари дилписанд ва макотиб ва имлолари номаъдуд ва аржуманд эрди. Хаёлға андоқ келдиким, турк алфозининг дағи рукъалари ҳамул мисол била битилғай ва бу тилнинг номаларин ҳам ўшул минвол бида сабт этилғай. Оз фурсатда бу рукъалар жамъ бўлуб эрди ва номалар йиғилиб эрдиким, бу авроқ зимнида сабт бўлди.

*Рубоиййа:*

Ҳар кимки ани ўқурни бунёд этгай,  
Роқимни агар дуо била ёд этгай,  
Тенгри они ҳар банддин озод этгай,  
Ҳар ғамдин анинг хотирини шод этгай.

1

Тоғ-тоғ ниёз рафъидин сўнгра қоф-қоф ихлос юзидин маъруз улким, бу фаслдаким, наврўз насимининг мушкбезлиғи лола димоғин савдойи ва баҳор салқинининг атрангезлиғи булут мизожин ҳавойи қилибтур - лоладек савдойилиғдин тоғ ҳавоси қилиб, булутдек ҳавойилиғдин қайо савдоси бошқа тушти. Чун ул бийик пойаға сарафрозлиқ ва ул олий мақомда анжумандпардозлиқ даст берди, манзиле кўрулди – саҳо аҳли ҳимматидин рафиъроқ ва бисоте топилди – зако хайлининг хаёлидин бадиъроқ.

*Маснавиййа:*

Кўк сабзаси кўкка еткуруб бош,  
Ул кўкта бўлуб нужум ушок тош.

Авжики йитиб фалак симоён,  
Қаплондин олиб қамар низоён.

Ҳам субҳ шамомаси сумансо,  
Ҳам шом насими сунбулосо.

Сарбаландлиғи сабза тилидин “*ва ила-с-сама..и кайфа руфиъат*” адосиға жорий ва побаржолиғи садо тақриридин “*ва ила-л-жиба..ли кайфа нусибат*” баёниға зоқир. Мунунгдек дилкушо масканда баҳорий булут қатароти лола жомиға тушкони қарроба саҳобидин бода селин лолагун жомға куймоққа боис кўрунди ва бу янглиғ руҳафзо маъманда барқ ламъасидин тийра тошлар санг кабоб пишурғали чакмоқ чаққали муқтазий бўлди. Ва лекин ул баҳори ҳайот суҳбатидин айру ҳар лола аҳбоб жониға доғ ўртағали шуълае ва ҳар катра асҳоб ҳайоти шамъин ўчурғали Дажлае орди – густохлиқ юзидин фалонни қулукка йиборилди, агар кўхнавард ашҳабни қулла азиматиға сурулса ва анинг хорошигоф тувогидин секриған ўт била барқ ламъасидек мунтазирлар кўзларин

ёрутулса, тоғдин куёш чиққондек бўлғай ва баҳордин гул очилгондек кўрунғай.

*Рубоиййа:*

То фасли баҳор зеби олам бўлғай,  
Ул зеб ила боғ сабзау хуррам бўлғай,  
Лутфунг бир-бир элга дамодам бўлғай,  
Гаҳ-гоҳ бизинг жонибимиз ҳам бўлғай.

2

*Рубоиййа:*

Чун меҳр ўтидин самандар ўлди саратон,  
Оташкададек тутошти гулзори жаҳон,  
Эрмас бу исик гунашда чиқмоқ имкон,  
Хуштур кишига бўлса совуқ соя макон.

Чун спехр заргарининг анбури учидин бир кулича олтун секриб, сувға тушти, яъни чарх корхонасида жавзонинг икки пайкари аросидин куйош курси саратон обғирига тахвил қилди; сипехри куравий заргар кўрасидек меҳр ўтидин ул навъ кизидиким, яқиндурким, фалак тосидин савобит доналари тосдағи кальий қаторотидек эриб, тома киришғай ва тадовир бўталаридин саййорот сийми сув бўлуб, сиймобдек оқиб, арз кониға етишғай. Биҳор суйидин жаҳон жисми терга ғариқ ва бухор ўтидин хаёл пайкари ерда хариқ.

*Маснавиййа:*

Дарёға солиб исик ҳаво тоб,  
Тўлғонмоғи ўз-ўзига гирдоб,

Тоғдин кишиким, тилаб нишони,  
Бир тўда кизиқ кул англаб они,

Хуршид ҳароратидин анжум,  
Ер сояси остида бўлуб гум.

Тинмай югуруб куйун такидин,  
Қум узра аёғи куймакидин.

Кўк таъйиға чун ҳарорат ошиб,  
Жисмиға шафақдин ўт туютиб.

Ҳар насими дилфуруз ҳаво ҳароратидин бир самуми жонсўз ва  
ҳар зулоли хурушон ҳарорат шиддатидин бир марақи жўшон.

*Маснавиййа:*

Дегайсен юқорроқ чиқиб замҳарир,  
Куйирик тушубтур сипехри асир.

Анинг бирла хуршед ўлуб муттафик,  
Ҳавони ҳам айлаб турур муҳтариқ.

Уйдин бош чиқормоғлиқ ҳаво оташрезлиғидин мутаассир ва  
эшиқдин аёқ ташқари қўймоғлиқ ер оташангезлиғидин мутааззир,  
хусусанким, бу заифнинг мизожи неча кун май ўти иштиолиға  
муштағил учун ҳоло ул иштиғол асари табиатда муштаил бў-  
лубтур.

*Байт:*

Оҳ мина-л-хамри ва ҳолотиҳи,  
Аҳрақа қалби би ҳароротиҳи.

*Маснавиййа:*

Гаҳ усруклук андоқки, акшомғи ҳол,  
Кўрунуб сабуҳий чоғида маҳол.

Гаҳ ул навъ махмуру пажмурдалиқ,  
Гаҳ майдин неким, жондин озурдалиқ.

Бода ўти жисмимға туютиб, ул ўт дуди, балки, шуъласи бо-  
шимдин опқон учун “*Ал-узру инда киромин-на..си мақбулун*” маз-  
мунин шафиъ қилиб, бу ниёз руқъасин густоҳлиқ қилилди. Асҳоб  
мизожи истиқомат сафҳасида алифдек муқийм ва аҳбоб табиати  
эътидол гулшанида сарвдек мустақим бўлсун. Омин, ё Раббал-  
оламин.

### 3

*Маснавиййа:*

Чун хазон барғи ҳусн этар оғоз,  
Эвурур юзни зоҳир айлаб ноз.

*Рубоийй а:*

Чун бўлди хазон баргига ҳусн изҳори,  
Нозин этар оғоз тушуб ҳар сори,  
Лекин эвурур юзини зоҳир айлаб,  
Сафрат анго зулми фалаки зангори.

Сипехри дун шиор жуз талаввун ва ранг омезлиқ ва рўзгори буқаламунлуқ дисори ғайри дуранглик ва ҳийла ангезлиқ эрмас учун, ложарам ул биридин гоҳи бисот бўстони ранго-ранг гуллар била музаййандур ва бу биридин гоҳи бўстон бисоти гуногун йафроғлар била мулавван. Ва лекин, чун баҳор субҳининг ҳар гули кучёш гулидек гулбун сипехридин тулуъ этса, оқибат хазон офтоб зардиға мунтақилдур ва йигитлигининг ҳар чечаги ахтар чечакларидек сипехр гулбунидин очилса, охир субҳ асфар хазониға мунтаҳи.

*Маснавийй а:*

Не баҳорида шод бўл чандон,  
Айлабон ўзни гул киби хандон,

Не хазонида барг айшини соч,  
Юз уза заъфарон дўконин оч.

Аммо, чун маржеъ сўнғги қисм ва миод сўнгроғи шиқ бўлди. Ҳар ойинаким, пойада ани воло ва рутбада ани аъло деса бўлғай. Бас, сабаб бу бўла олғайким ва боис муни деса бўлғайким, чун фалак тожири таманно манзили мазраидин кучёш юсуфин биғ мизони каффасиға киюрди ва анинг саодат кундузи кофурий жисми кечанинг баҳоға келтурган саводий мушки била вазнда тенг чиқти. Чаманнинг рухсори Юсуф ишқида Зулайхо узоридек коҳий ва хазон ели ҳам анинг дамодам совуғ охи киби номутаноҳий бўлди. Қаро йиғочнинг сариғ баргларин ел учурғони тутундин учқунлар айрилғонининг мисолин ва қизил толнинг коҳий йафроғларин баъзи жисмида қолғай, шингарф хутути узра заъфарон афшоний қилғондин нишона кўргузди. Муртафеъ шохлар узра шамъ шуъласидек барглар шакли шарҳига бўстон музаккирлари **“ва лақаод зайъана-с-сама..а-д-дунйа бимасо..биҳа”** каримаси била мутакаллим ва ул шуълаосо барглар акси шишаи ҳалабийда ойнаи Чиний каби зулол ичра тушгандин чаман қушлари **“ка мишка..тин фи-з-зуъса..жа»** савтиға мутараннум.

*Маснавийя:*

Чу қилди қаҳрабогун меҳри гардун,  
Йиғочлар барги рангин қаҳрабогун.

Шажар йафроғи бўлди қаҳрабодек,  
Демаким қаҳрабо, меҳри самодек,

Сабо қилғоч сув узра зарфишонлик,  
Сувнинг тиғини айлаб зар нишонлик.

Учуб барг ўтидин ҳарён шарора,  
Нечукким, зарварақдин пора-пора.

Сариғ йафроғ узаким ўлтуруб зоғ,  
Бўлуб андоқки, сориғ лолада доғ.

Қилиб зарҳал хазон наққоши тартиб,  
Қилурға боғ авроқини тазҳиб,

Бу шуғли ичра айлаб саҳв таркин,  
Зар андар зар қилиб барг узра баргин.

Мундоқ фаслки, ҳеч фасл нишотқа мундин муносиб ва лойиқ-роқ эмас. Ва мундоқ вақтки, ҳеч вақт айшқа мундин ансаб ва мувофиқроқ киши нишон бермас. Ҳар ойинаким, ул хуршиди авжи камол олгун жом ичра асфар май била сархуш ва анинг кайфийатидин олам аҳлиға зарфишонлиғи хазоносо, балки хуршед-вашдурурким, айши мустадоми мудом бўлсун. Ва лекин агар гоҳи умиди бўстони хазонидин баргрезга қолгонлар ва ҳаёти гулистони ҳирмон баргрезидин хазонға учрағонларни журъа била ёд қилса, камоли куёшидин заррае кам бўлмағай ва қатра била шод этса, жамоли машъалидин шароае ўқсулмағай.

*Байт:*

Гулунг ранги асфар нишон бўлмасун,  
Баҳорингға ҳаргиз хазон бўлмасун.



Дуоеким, шито қалбида шито қалбидин дилсўзроқ ва ниёзеким,  
қиш айнида қиш айнидин дилфурузроқ бўлғай.

*Б а й т:*

Анинг ҳар ахгари ёқути аҳмар,  
Мунинг ҳар зарраси рахшанда ахтар.

Адосидин сўнгра арз улким, ҳеч вақти мувофақатлиқ аҳбоб  
бир-бири висолидин баҳра олурға ва ҳеч замони мусодақатлиқ  
асҳоб бода базми тарҳин солурға андин яхшироқ йўқтурким, мар-  
ғуб ёронлар машҳуд бўлғайлар ва ағёр юзига хужра эшиклари  
масдуд.

*Б а й т:*

Тузалғай ёр ила базми висоли,  
Вале ағёрдин ул базм холи.

Ва бу иқбол ҳеч қачон андоқ муйассар бўлмас ва бу мақсуд  
ҳаргиз андоқ дилпазир кўрунмаским, қиш бўлғай. Хусусанким, бу-  
рудат шиддатидин ҳавос идрокдин нокор ва кеча бўлғай. Батахсис,  
булут мушқфом ҳавоға қорнинг суда сиймидин кофурбор ва дай  
шоҳи шабихунидин ўт зардуштининг хайли манқал кўрғонида  
ҳисорий ва баҳман чериги чопқунидин шарора маздакининг сипоҳи  
тош бирла темур қалъасида мутаворий; фалак гунбазида анжум ан-  
жумани тун қаро кийпи ичра ниҳон ва рўзгор олачуғида қуёш тур-  
ки саҳобнинг ҳокистарий синжобида пинҳон, сипеҳр хиргоҳидек оқ  
уйда анжуман аҳли мужтамъ, нечукким, сипеҳр хиргоҳида сурайё  
соқийларға гоҳи муоширлар май тақозоси учун бу байт била му-  
такаллимким,

*Б а й т:*

Соқийё, дай шиддатидин аклу ҳис бетоб эрур,  
Чораси жоми булурун ичра лаъли ноб эрур.

Ва айқчиларға гоҳи муғаннийлар бода илтимоси учун бу назм  
била мутараннимким,

*Б а й т:*

Қасд этар эл жониға ҳардам совуғлуқ бирла дай,  
Соқийё, синмас ҳаво захри, кетур тарйоки май.

Нор ахгарларининг ламаоти нечукким, лаъли коний ва анор до-  
наларининг боғлонғони нечукким, ёкути руммоний.

*Маснавийъ а:*

Хушо, базм аро ўту май бўлса дай,  
Май андоқки, ўту ўт андоқки, май.

Анинг манқали шийра тазйин келиб,  
Муниг шийраси манқал ойин келиб.

Юзинда муниг май бати лаъли ноб,  
Анинг устида бўрдагон бат кабоб.

Муниг ламъаси кўзни равшан қилиб,  
Анинг шуъласи уйни гулшан қилиб.

Вале базм юз бошлиғ оқ уй аро,  
Оқ уй тоши тун мушки бирла қаро.

Ҳамул мушк узра абр кофурбез,  
Жаҳон узра якдаст кофуррез.

Алқисса, тафриқа имкони ончаким мақдури бор – нобуд ва  
жамъийат мақдури ончаким имкони бор – мавжуд. Ва ҳол улким,

*Б а й т:*

Ҳар неким тақдир бўлса, сарбасар топмиш вужуд,  
Бовужуди мунча юз минг, сен агар йўқсен, не суд?

Меҳр ваъдаси ҳамоно меҳри гиёҳдек итти, ёхуд тун яримида  
меҳрдек ер тубига кетти. Ул лаъли оташин ҳижронида не лаългун  
ахгарда ҳарорату не оташнок майда кайфийат ва ул меҳр осо жабин  
ҳирмонида не шамъ шуъласи ёруқ ва не кўз шамъи айни йиғидин  
очук; ҳар соя ҳаракатидин бағирда тоб ва ҳар аёқ унидин кўнгулда  
изтироб. Чун муҳлик интизордин жон оғизга етти ва шикеболиғ их-  
тиёри илиқдин беихтиёрона кетти. Бу паришон алфоз маркум бўл-  
ди ва ошуфта калимот таҳрирға келди. Агар шабранг сарсар хиром-  
ға рокиб бўлуб, рўзгори шабранг ва охи сарсар монандлар суҳ-  
батаға роғиб бўлулса, тун яримида куёш тулуъ қилғондек ва қиш  
ўртасида гул очилғондек бўлғай.

*Рубоиййа:*

То кишда совук табъга матлуб ўлғай,  
То айш совук вақтда марғуб ўлғай,  
То бу бори тийра тунда маҳбуб ўлғай,  
Мажмуъи сенинг ҳолинга мансуб ўлғай.

Омин, ё Раббал-оламин.

## 5

Ул саодат буржининг куёши бир ой камонхонада варзиш қилгондин сўнгра ўчку ови азиматиға тоғ сори юзлангандек фалак турки, яъни хуршид қавс чиллахонаси гўшасидин жадй қулласи авжиға таҳвил қилиб, ул бирида бурунғи кеча эриша олмай, фироқ зиндонида маҳбус қолгонларға қиёмат кунининг тунича кўрунгандек, бу бирида дағи аввалғи оқшом хўблар номи зулфи ялдосидек узун кўрунуб, анда ушшоқ охи дуди оламини тийра қилиб, ҳамул ел бурудатидин ашки ёмғурлари жола боғлангондек, мунда ҳам мушкфом булут саводидин олам зулматкирдор ва сарсар шиддатидин ул мушк кофурбор бўлубтур. Бу бурудатни оташкада ўти дафъ қилмас, магар майкада бодаси ва бу зулматни куёш ламъаси ёрута олмас, магар ул юз жилваси. Арз улким, аввалғиси димоғларни кизитибдур, агар иккинчи ҳам кўзларни ёрутса, ғоят лутф бўлғусидур.

*Байт:*

Гар май ўтидин қолмади базм ичра совуғлуқ,  
Келсанг кетарур тийралигин дағи ёруглуқ.

## 6

Талаб дарёсидин мақсуд гавҳарини биров иликлай олғайким, муроди сафинасининг дебчасин ул сонийи жавоҳир ҳамди била мурассаъ қилғайким, ҳар ноумидлиғ барри аро анинг ихйойи ихсони юз кўргузса, баҳри нажот қилғай ва мурод тенгизидин матлуб кемасини биров соҳилға еткурғайким, мақсуд жунгининг феҳрастин ул кодири завоҳир шукри била муламмаъ этгайким, ҳар дард соғарида анинг бодаи шавқининг дурди томса дарёйи ҳаёт қилғай.

*Маснавиййа:*

Анга ҳамдким, чархи дарё навол  
Топар андин анжум лаоли мисол.

Бу дарёда кишти янги ой ўлуб  
Ки, заврақ киби баҳр паймой ўлуб.

Бу завраққа гулмех этиб кавкабин,  
Қилиб бодбон субх чодиршабин.

Аммат биҳор афзолаху ва домат жавоҳир наволаху.

*Маснавийъа:*

Тенгрининг ҳамди чунки топти насақ,  
Наът дарёсиға сурай заврақ.

Улки чун баҳр қурбати тошти,  
Чарх тўкуз тенгизидин ошти.

Дуррат ут-тож ўлуб сифоти анинг,  
Баҳр ул-аброр наъти зоти анинг.

Эски наълайнидек вале нимаси,  
Нуҳ тўфони дафъиға кемаси.

Кўнгул баҳридин махфий дурларни олий мажлисқа бу навъ нисор қилилурким, бу сафарким, бу нотавони бечора ва бу беҳонумони овора илайиға тушубтур, биёбони суубатин, бал вусъатинким, хаёл тойири йиллар қанот уруб, анинг поёниға етмак хаёлдурур ва тоғининг шиддатин, бал рифъатинким, назар пайки қарнлар қадам солиб, анинг авжиға етмак маҳол –бурунги руқъада шарҳ қилилиб эрди.

*Байт:*

Ҳар неки варақда эрди марқум,  
Бўлмиш бўлғай ўқурда маълум.

Ул дашт ва тоғни ҳидоят дастёрлиғи ва иноят помардлиғи била дасту пой уруб қатъ қилғоч, дарёе илайиға келди – умқи таманно лужжаси била тенг ва сатҳи тахаййул баҳридин кенгким, андин чора убур эрди ва кемага кирмак зарур. Руҳсиз бадан гўрда ором тутқондек ва нурсиз мардум кўзда мақом қилғондек, ул мардуми йўқ кўзлар масаллик тийра уйларга кирилди ва ул мунхасиф ҳилоллар сайрининг суръати била бир ойға дегинча ул мартабада

эрдиким, ҳар бир кун минг йилчилик йўл бор эмиш, дейилса, мингдин бирини дейилмамиш бўлғай ва ул фалакваш баҳрнинг вусъатининг юзи ул ғоятқача эрдиким, сипеҳр лужжасига ташбиҳ қиллса, дарёсидин катрае айтилмамиш бўлғай. Баҳрий жонвардин ажойиб сувар ғоятсиз ва дарёий сувратдин ғаройиб пайкар ниҳоятсиз.

*Маснавийй а:*

Аён сув ичра ҳар ён юз ғаройиб,  
Бўлуб минг зоҳир ул юз бўлса ғойиб.

Неча кўз тушса кўк сув чарх монанд,  
Тошиб атрофи кўк зайлиға пайванд.

Хиромон ҳар тараф юз турфа моҳи,  
Хирад моҳиййатин билмай камоҳи.

Анингдек саҳмноку ўйла ҳойил  
Ки, айлаб кўргучи ҳушини зойил.

Равон юз тоғу бирга бўлмай ором,  
Вале тоғеки, бўлғай моҳи андом.

Нечаким орқаси тоғ авжи янглиғ,  
Танида нақш дарё мавжи янглиғ.

Кашафлар ҳар бирининг саҳми беҳад,  
Ясаб сув узра жисми бирла гунбад.

Бўлуб меъмори қудрат анда боний  
Сувдин қилмай хароб андоқ бинони.

Балиғ сайд айлабон ҳар ён наҳанги,  
Нечукким, ранг сайд этгай паланги.

Тани бир пушгаеким бўлса хоро,  
Темурдин тишу чангал ошкоро.

Кўрунуб жонвар баҳр ичра беҳад,  
Нечукким, дашт ичинда ҳар нечук дад.

Тамаввуж баҳр узаким тутмай ором,  
Алар устига субҳ илги ёйиб дом.

Ва гоҳи сарсар таҳрикидин дарё талотуми била “*ва иза-л-биҳа..ру фуҷжэсират*” саводиға роқим ва гоҳи кўлок ташвиридин амвож таоқуби сув хуруши уни била “*ва иза-л-биҳа..ру суҷжэсират*” адосиға мутакаллим.

Ҳар нафас юз офатдин кўнгул сув бўлуб, жондин илик йуйулуб ва ҳар замон минг хатардин жон оғизға етиб, ўлумга кўнгул қўйулуб; кўзга туфроқ иззати сурмаи сипоҳонийча кўрунуб, вале ул кўрунмай; кўнгулга тош қиймати ёқути руммонийча топилиб, вале ул топилмай, бу тавр балийот аро ҳалокка мушриф эканда ва бу навъ маҳолик аро ўлдум, деганда дарёдин обхўриш узулди ва туфроқ висоли насиб бўлди, юз ерга қўйуб ва кўз туфроққа суртуб, шукр бажо келтурулда ва шавк юзидин боштин қадам қилиб, каъбаи мақсад азмиға қадам урулди. Умид улким, андоқки висол водийси тай бўлди, ҳижрон баводийси ҳам катъ бўлғай. Ва лекин таваққуъ ахбоби жонийдин улким, дуо ели била гоҳи бу ниҳоятсиз даштдинким, наъли бараҳна қадам урубмен, балийот хасу хорин супургайлар ва илтимос асҳоби жовидонийдин улким, гоҳи ниёз ашки била бу шориъи йўқ биёбонғаким, қиловузсиз кирибмен, офот гарду губориға сув урғайлар.

*Рубоийи а:*

Ёнсам, яна ғурбатни ҳавас қилмағамен,  
Ҳижрон ўтиға танимни хас қилмағамен,  
Жуз жоми висол мултамас қилмағамен,  
Ҳақ ҳазратида шукрни бас қилмағамен.

## 7

Фано бешаси соҳатида висол шажарасидин самара топқонлар бошиға фалакнинг муҳолиф ҳаракотидин ҳар жафо арраси келса, зикриёқирдор тиллари жуз холиқи бечун ҳамдиға зоқир бўлмағусидурур. Ва вафо шажараси сойасида мурод самарасидин натижа кўргонлар аёғиға чархнинг мутаоқиб зурубидин ҳар ситам тепаси тегса, мансурвор нутқи ғайри сонё “*қун файақу..н*» шукриға тақаллум қилмағусидурур.

*Рубоийи а:*

Нахлаки ризо сохилидур беша анга,  
Руст онгла фано туфроғиға реша анга,  
Ҳар лаҳза аёққа тегса юз теша анга,  
Бошдин чу кечибтурур, не андеша анга.

*Рубоийй а:*

Ким этса фано бешасида буди анинг,  
Ҳар шохқа эл урмоқ эмас суди анинг.  
Истарки, етишгай улча мақсуди анинг,  
Маъдум керак ҳар неки мавжуди анинг.

Ва ал-ҳақ, бу шева бир сарвдек озодаваш даъбидурурким, сипехри тездав жафоси ҳароратидин иситма иштиғоли чинордек жисмиға ўт солса, жуз ҳақ ризоси нақдин истарга овучин очмағай ва бу тарика бир санавбардек нолакаш расмедурким, чархи сабукрав ҳаракоти бурудатидин титратма тазалзули сапийдордек аъзосиға раъша еткурса, сабот туфроғидин кадам олмағай ва сабр ҳавосидин бош чекмағай. Биҳамдиллаҳ ва оламинаки, то сипехри даввор ҳаводиси саргардонлиғидин рўзгори нопойдор навойиби бесомонлиғидин Мозандарон чанғалига қадам қўйулубтурким, ашжори касратидин сабоға ҳарими тавфидин маҳрумлуқ ишдур ва шохсори рифъатидин самоға ҳар лаҳза юз минг сарзаниш. Яфроғ ғулувси хижоблиғидин туфроғиға ҳаргиз меҳри зарфишон анворидин бир дирам тушмаган. Ва муртафиъ шажари беҳисоблиғидин соҳатиға мутлақ саҳоби гавҳарафшо жавоҳиридин жола етишмаган. Арш соқиға чирмашиб чиққан ишкпечондин бир дона суҳо ва сидра шохиға тўлғониб бош чеккан токидин бир хўша сурайё. Ғоятсиз ашжоригақим, ер била кўкка иттисол берур – “*Аслуҳа.. са..битун ва фаръуҳа.. фи-с-сама..и*” содиқ ва ниҳоятсиз туйуриғақим, ердин учқонда фалак юзин ёпар – “*Ва ҳийа тамурру марра-с- сиҳа..би*” мутобик.

*Маснавийй а:*

Не беша, Аҳраман бўстону боғи,  
Анинг не авжи пайдо, не кироғи.

Йиғочи устида кўк сабзалар фощ,  
Вале кўк сабзасидин ўткариб бош.

Кухан ашжор ҳар ён бокса юз минг,  
Ўтуб боши фалакдин ҳар бирининг.

Этиб ҳайкаллари пайдо маҳобат,  
Қилиб пайкарлари зохир ғаробат.

Паёпай девлоҳ анинг жиболи,  
Саросар девбод анинг шамоли.

Бўлуб ҳар барг бир миръоти васвос,  
Тутолмай хирад ўз ҳушини пос.

Қилиб ҳар руди суйининг садоси,  
Аён юз гулу шайтон можароси.

Шиголининг уни афғони андух,  
Чекиб кирган кишининг сўгига дух.

Ҳар эски йиғочини қўнгорурға фалак пили субҳ хартуми била ажз зоҳир қилиб ва агар қўнгорса балорин тоширға сипеҳр аробаси ул юк остиға ёнчилиб; хашорати маҳобатидин рўзгори буқаламун арқаи бир песа таноб ва сибоъи салобатидин чархи дун асадиға бир газдин ясағон шерча ҳисоб. Вухуши хайлининг аёғи кўпидин ер аъзосида юз минг жароҳат ва туйури жўшининг фиғону нафидин фалак димоғи пардасида юз туман қароҳат. Кундуз офат ўтидин куйган хирман шакли анда меҳри рахшон ва кеча талбис шуъласидин ёруғон кирми шабтоб шамъи анда нужуми дурахшон. Йиғочининг самари бори дил ва самарининг таъми захри қотил. Бовужуди бу ғариб ҳолат ва турфа мақолат чун анда бўлмоғлиғ рўзгорим носийасида қазо қаламидин таҳрир топмиш ва носийам сафҳасида қадар хомасидин нақшпазир бўлмиш – ҳар тикандин бир гулча осойиш етар ва ҳар тошидин бир дурча оройиш фахм бўлур. Муҳлик ҳавоси Масиҳо дами ва қотил суйи Хизр чашмасининг нами дўзахваш фазосида сели балодек рудхона “*жанна..тин тазри.. мин тахтиҳа-л-анҳа..р*”дин нишона, бадтаъм мевалари била номакбул ашжор “*ва фа..киҳатун ва нахлун ва румма..н*”дин намудордурур.



*Б а й т:*

Ўзлугин ошиқ агар дўст хавосиға берур,  
Ёрдин ҳар не келур руҳиға осойиш эрур.

Ва агар ватан ҳижрони айёмиға муқтазий бўлуб, бу фирок бешасидин висол даштиға юз қўйулса ва бу фуркат чангалидин қурбат саҳросиға қадам урулса ҳам чун қазо ҳодийси инонкаш бўлғусидур, барқвор секримақдин ўзга ва абрқирдор елмақдин ўзга чора бўлмағусидур ва давое топилмағусидурким, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло борча йироғлиқ муғилонлари аро саргардонларни яқинлик каъбаси тавофиға мушарраф қилғай, омин.

## 8

Ҳамду сано ул сонийғақим, олам бўстонида салтанат гулбунининг сарсабзлигин адл жўйборидин қилди, то бу судин сероб бўлуб, ул гулбунда сабот ва давом гуллари очилди. Ва давлат биносиға завол еткурур офат ёгинларин зулм саҳобида ниҳон этти, то ул ёгин селларидин бу бино асосиға бузуғлуқ етти. Ҳакимеки, ҳар ҳокимниким, ҳукумат тахтида пойдор истади, кўнглига ўзга ҳукмлари инқиёдини марғуб кўргузди ва ҳар фармонравонинг асоси давлатин бемадор тилади, хотири чаманидин саййид ал-мурсалин шаръининг мутобаати гулларин узди. Одилеки, нек аҳдлиғ шажарасиға мурод самарасин берди, то ул шажарани эгган киши бу самарани терди. Сабуреки, мақсуд гавҳарин тааммул дарёсиға солди, то ҳар ким ул дарёға ғавс қилди, бу гавҳарни олди.

*М а с н а в и й й а:*

Таоло Аллоҳ зиҳи ҳар покдин пок  
Ки, не шаҳ, не гадодин бор анго бок.

Гадони шоҳ этардин йўқ ҳаросон,  
Анго шаҳни гадо қилмоқ ҳам осон.

*Ва ҳува-л-ҳаййу-л-лази ла йаму..ту абадан ва фи шаъниҳи тақаддаса ва таоло.*

Ҳақ субҳанаҳу ва таоло ул дониш ҳадиқасининг юзин ҳаводис хазони ели хатаридин ва ул бийниш ҳадиқаси нурин навоиб чашми захми зараридин ўз паноҳида асрасун. Муборак хотириға борча они ўтқарсунки, вужудқа келтургач дунё ва укбосиға суд етсун ва

ариг кўнглини борча ул сори тутсунким, ул ишдин мусулмонлар рози ва Тенгри таоло хушнуд бўлсун, омин, ё Раббал-оламин.

## 9

Бу учурда чархи нигун қазосидин ва сипеҳри дун иктизосидин андак ғуборе ва жузвий изтирореким, ул ҳазратнинг рўзафзуи давлати ва хумойун зотиға мутаважжих бўлди – киёматеки, ул сабабдан бу нотавон ҳолға ва рустохезеки, ул жиҳатдин бу паришон аҳволға юзланди; шаммае андин қайси ҳома таҳририға кела олғай ва заррае андин қайси тил тақрир қила олғай. Аммо, Ҳак таоло сихҳат била ул офотдин ва саломат била ул балийотдин халос қилғон хабари таҳқиқ бўлғоч, ул машаққат ва меҳнатларға талофи ва тадорук бўлди.

Бу воқеъ бўлғон ишларда агарчи давлатхоҳ мушфиқ кулларға маҳал ул бор эрдиким, бирор таъномез ва киноятангиз сўз ғоят жонлари куйгондин ва кўнгуллари таҳаммул қилмагондин арз қилғойлар. Аммо, муқаррардурким, бу воқеъдин ул ҳазратнинг муборак хотириға ончаким, керак танбиҳ ва эътибор ва тажрибаи рўзгор ҳосил бўлмиш бўлғай. Ҳоло илтимос улким, чун инсон нисйондин ҳоли эрмас ва башарийат муқтазоси тағофул ва тақсирдин ўзга натижа бермас – ўз атворингиз теграсида яхши эврұлғайсиз, Тенгри таоло ҳазратида борча ўтган ишлардин ўзунгузни муқассир билғайсиз, қила олғанча Тенгри таоло буйруғи била саййид ал-мурсалин шаръининг муҳолифи ишларидин куллий ижтиноб қилиб, мувофиқ умурни жидд била иртикоб қилғайсиз; давлату мулк ва қолин сипоҳ ҳимойатидин, йўқки, бир Тенгри таоло иноятидин ва мусташор тадбиридин, йўқки, кирдикор тақдиридин эрконни билиб, ўзунгузни Тенгри таолонинг фазлу карами ҳимойатиға қочурғайсиз ва “*Ман кана лиллаҳи кана-л-лоху лаху*” мазмунича маҳбуби ҳақиқий била мусоҳабат лофин урғайсиз. Ҳар неким ўтти, азал қисматидин эрконни билиб, ортуқси ғусса ютмағайсиз. Аммо, ҳар неким келур, азал қисматиға ҳавола қилиб, ўзунгузни амр бўлғон ишдин маъзур тутмағайсиз. Салотинға сиздин кўпрак шикастлар гушганда, Тенгри таоло паноҳиға сигиниб, куллий нажотларига мулоҳаза қилиб, кўнгул солмағайсиз. Салтанат умурида иш ҳайратқа мунжар бўлуб, борча тааммул раҳналарин боғлиғ кўруб, таваккул шохроҳиға кирарни тақсир қилиб, боқиб қолмағайсиз.

Ҳар сахар то куёш чобуксувори Хўтан сипоҳининг муҳофазати учун субх жўйборидин хандақ қилиб, зулмат черигин дафъ этгай ва хар кун то бу хандақдин чикиб, зангбор шоҳининг гулчехралар сунбул зулфидек паришон хайлин торумор қилиб, фалак хисорин фатҳ қилгай. Ул сахархандақлик, куёшройлик чобуксуворлар шоҳи учун Тенгри таоло ўз жўйбор ҳифзидин хандақ қилиб, муҳолиф черигининг зулмин мунҳазим этсун. Ва ҳазму эҳтиёт хандақи жўйборидин сабо хайлидек ўткариб, хоксор адувнинг туфроғин кўкка совуруб, кишвару мулки хисорининг фатҳин насиб қилсун.

*Маснавийй а:*

Ўн икки буржлук гардун ҳисори,  
Ҳаводис тошидин то бўлса ори,

Сипоҳинг кўк ҳисори узра ҳоким,  
Ҳисори Шодмондин кам, десун ким?

Мусаллам зотинга кишваристонлиғ,  
Ҳисори давлат узра шодмонлиғ.

Арзадошт улким, бу ҳақирни баъзи маслаҳатлар учунким, ул ҳазратнинг маслаҳати дағи анинг зимнидадур, агарчи билҳақиқат иккаласи бир маслаҳат-ўқдур, Хуросон вилоятига йиборилди. Умидим Тенгри таоло карамидин улдурким, ул ҳазратнинг хумойун замири кўзгусида доим беҳбуд чехраси жилванамой бўлгай ва муборак хотири ўтрусида борча мақсуд шоҳиди чехракушой. Аммо, илтимос ҳам қилилурким, гоҳи ул паришон абётқаким, густоҳлик юзидин тобуқда топшурулубтур, койил ҳақоратиға боқмай, мулоҳаза қилилгай.

*Маснавийй а:*

Неча ганж ичра бўлса гавҳару дур,  
Кўрки, бордур анинг калиди темур.

Ганжи мақсуд кимга бўлса умид,  
Ул насиҳатлар эрур анга калид.

Куфл очарда гадову соҳиб тож  
Тенг бўлурлар калидга муҳтож.

Яна улким, талаб бўстонида мақсуд гули кечрак очилгондин кўнгул гунчасин хор-хори малолат била фиғор қилмоқ муносиб эмас. Нединким, тақдир чаманидин иноят насими эсиб, меҳнат хазонин ишрат баҳориға мубаддал қилмагунча мақсуд гули очилмоқнинг имкони йўқтур. Мундоқ бўлгондин сўнг таъжил суд қилмас ва малолатдин ғайри маломат иш очилмас.

*Маснавийй а:*

Агар юз қатла булбул чексун афгон,  
Баҳор ўлмай гул очилмоқ не имкон?

Агар оламни тутсун шоми дайжур,  
Тонг отмай кун чиқармоқ кимга мақдур?

Бу бобда ул хазратнинг муборак таъблариға куллий эътимод бор, аммо бу сўзлар мазкур бўлмоғининг нуқсони йўқ. Бу заифнинг хаёлида улдурким, ўз дуо ва ниёзим амнободин ул хазрат теграсига ҳисор қилибмен. Аммо, зулм тоши ул ҳисор томиға раҳна қилмоқдин ва номашруъ умур накби била бораси йиқилмоқдин Тенгри таоло иноятиға сиғиниб, ўзунгиз уҳда бўлғайсиз.

Илтимос улким, қачон юқори элчи йиборилса, маъҳуд тариқи била бирор иноят руқъаси йиборилса, муқаррар эрдиким, ёронлар ани бу хоксорға еткурур саъйин қилурлар. Эшикта андин келур элчилар иши бор эса ҳар навъ ишким, бу фақир анга муртакиб эрдим, арз қилиб, ёри азиз фалонга муқаррар бўлди.

*Маснавийй а:*

Дуо бирла оғоз қилдим калом,  
Керакким, дуо бирла қилсам тамом.

Ало, токи ҳар шаҳки, ком истагай,  
Жаҳон мулки тахтин тамом истагай.

Машаққат эса ибтидоси анинг  
Мурод ўлғуси интиҳоси анинг.

Муродинг биносиға етмай халал  
Машаққатларинг айш бирла бадал,

Не комеки кўнглунга бўлса ҳавас,  
Фалак берсун ул коминга дастрас.

Омин.

*Рубоийй а:*

Не қилса қазо қилки азалда таҳрир,  
Мумкин йўқ анга абадга тегру тағйир,  
Ақл айласа ҳар амрда юз минг тадбир,  
Суди йук агар мувофиқ эрмас тақдир.

Сунъ машшотаси мақосид гулчехраларининг жамолин ғайб пардасиға андоқ ёшурмайдурким, ақл хурдабин кўзи андин баҳра топа олғай ва қадар ғаввоси матолиб биҳори гавҳарларин хафо дуржида андоқ беркитмайдурким, хирад жавҳаршунос басорати андин нишона эта билгай. Ҳар ойинаким, анбиёйи мурсал аввал орзу саволин қилғонда *“ва ма.. тадри.. нафсун маза тақсибу задан”* жавоби била ноумид бўлурлар ва авлиёйи акмал *“урфатуллоҳи бифатҳи-л-азойим”* нуктаси била такаллум қилурлар.

*Байт:*

Анго ҳамдким, илми лорайб эрур,  
Ҳамул илм ила олиму-л-ғайб эрур.

*“Жалла субҳанаҳу ва ғаззама шаънаҳу”*. Бас, бу тақдир била ҳеч кишига ҳеч ишта вуқуф эшиги очилмайдур, то ихтиёрға не етгай ва шуур йўли топилмайдур, то иқтидорға не етишгай? Қазо амри юки оғирлиғидин фалак қадди нигундур ва қадар панжаси зўридин фалак мартабалар зору забун.

*Байт:*

Андаки, фалак туроб бўлғай,  
Туфроққа не ҳисоб бўлғай?

Ғараз бу калимотдин ва мақсуд бу муқаддимотдин улким, бу фақир хоксор ва бу ҳоқваши безътиборким, бу давлатлиғ остон туфроғиға ҳасдек ва бу саодатлиғ эшик остониға туфроғдек тушуб эрдим, хаёлимда бу эрдиким, магар ажал сарсари туфроғимни бу бўсағадин совурғай ва ўлум сели хошоқимни бу эшиқдин сурғай. Ва лекин хаёл ботил эрқондур ва муддао отил.

Бу учурда юкоридин, бу фақир хидматиға рақаме тортилди ва убудийят қалами сурулдиким, жавоби тасдиқдин ва хитоби сидқдин ўзга билмади. *“Йафғалулло..ҳу ма.. йаша..у ва йаҳқуму ма.. йури..ду”*.

Ҳосил, шаввол ойининг йигирми олтисида, душанба куни ижозат бўлуб, Марвдин Астрободға азимат иттифоқи тушти. Эмди, агарчи, сизга ҳеч ишта насиҳатға эҳтиёж билмасбиз, ва лекин бир-икки сўз айтурдин ҳам чорамиз йўқтур. Оламда ҳаргиз дўстлук киши душмансиз бўлмайду ва аҳбоблиғ одами аъдосиз топилмайду. Ва тавфиқ нишони улдурум, андоқ маош қилғойким, дўстлар тили душманлар қошида қисқа бўлмағай ва аҳбоб боши аъдо илайида қуйи тулмағай. Ва бу иш мунҳасирдурум икки ишга – бири ҳақ таоло амрига итоат қилмоқ ва ул бири наҳйдин ижтиноб қилмоқ. Ва лекин, чун башарийятнинг зулмоний ҳижоблари мақсуд нури юзига монъедур – жамиъ авому навоҳий уҳдасидин чикмоқ мушкулдурум. Аммо, бировниким, Тенгри таоло бир сурук бандалари устига ҳоким қилди – анга ҳеч амр итоати адлча бўлмас ва ҳеч наҳйдин ижтиноб чоғир таркича бўлмас, невчунки, *“Инна-л-ло..ҳа йаъмуру би-л-ъадли ва-л-ихса..ни”*. Ва ҳазрат рисолат саллаллоху алайҳи васаллам буйурубтурким, *“ъадлу саътин хайрун мин ъибадати-с-сақалайн”*. Ва чоғирни *“умму-л-хабоис”* дебтурлар. Жамиъ ёмонлиғ андин мутаваллид бўлурким, борча яхшилиқ ва ёмонлиғ бу икки нима зимнида мундариждур. Илтимос улким, агар муйассар бўлур – куллий ва агар муйассар бўлмаса, улча мумкин ва мақдурдурум бу икки ишта қўшиш қилилғой. Дағи, агарчи, фақир ҳеч ҳисобда эрмасман, аммо, эшикта эрконим била йироқ эрконимга бир ҳукм бермангиз ва улча имкон бор Мирзонинг ҳукми ижросида саъй қилиб, ул давлат маслаҳатининг дақойиқини ҳеч вақтда номаръий қўймангиз. Ва ҳазарот ва маҳодим била баса сойир наввоб ва худдом била хидматкорлиғ тариқин маслук тутунгиз.

Сўз мухтасар, бир рубоий била ихтисор қилилур.

Ҳақ амрийу наҳйини кетур яхши бажо,  
 Ўткарма қадам шаръи набийдин қатъо,  
 Шаҳ хидматини тузлук ила қилғил адо,  
 То икки жаҳонда бўлғасен комраво.

## 12

*Б а й т:*

Ваҳки, ҳажринг ўти жисми нотавоним ўртади,  
 Нотавон жисмимға тушган шуъла жоним ўртади.

Кўндин-кўп дуо ва саломдин сўнгра арз улким, бу фақир Хуросонда эрконимда ҳам сиздин айру эрдим, эмдиким Астрободдамен – фироқ ҳайсиятидин иккаласи бирдур, невчунким,

*Б а й т:*

Бировки, ёрдин айру бўлур – қатили фироқ,  
Арода хоқ яқин тут йўлини, хоқ йироқ.

Аммо, мунда келгали баданға фироқ ўтининг тоби ва кўнгулга иштиёқ суубатининг изтироби кўпрак бўладур. Жихат бу бўла олғайким, анда эрконда висол давлати маржуву-л-хусулроқ ва мулоқот саодати мумкину-л-вусулроқ эрди эркин. Аммо, бу ҳисоб хиради дурбин авзони ва акли дурандиш мезони била рост эрмас.

*М а с н а в и й й а:*

Яна бир ҳисоби дағи бордур  
Ки, ақлу хирад анда нокордур.

Эрур сирридин ақли кулл беҳабар  
Ки, отини дерлар қазоу қадар.  
Не иш бўлса беҳаду имкон баса,  
Эрур ул ҳисоб ичра осон баса.

Умид улким, ҳақ субҳанаху ва таоло кўнгулга кирмаган восита била ва хотирға кечмаган васила била мулоқот ҳузури ва мувосалат сурури насиб қилғай.

Йиборган руқбада битиб эрдингизким, анда борғали киши йибормадингиз деб, анинг жиҳати ул бўлдиким, йиборган кишимиз хануз келмайдур эрди ва элитган руқбаға жавоб келтурмайдур эрди.

Яна илтимос улким, мизожингиз риоятин яхши қилингизким, сиҳҳат неъматига бадал бўлмас ва ишингиз эҳтиётин андин яхшироқ қилингизким, нохуш иш воқеъ бўлса, пушаймонлигдин суд йўқтур. Ҳеч вақт кўнгулни Тенгри таоло ёдидин ғофил ва мусулмонлар додидин отил қилманг. Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволиғ жойиз эрмас ва бу иш надоматдин ўзга натижа бермас. Подшоҳ давлати маслаҳатин борча ишда мукаддам тутмоғи вожибдур. Тенгри таоло амрини андин ҳам ақдам кўрмак фарз.

Сизга бу сўзларни айтмоқ эҳтиёж эрмас, аммо айтмоқдин нуқсонни ҳам йўқ жиҳатидин мунча сўзга мусаддеъ бўлулди.

*Б а й т:*

Улким, фироқ мулкида қилмиш мани ғариб,  
Ҳам ул висол давлатини айлагай насиб.

Вассалом.

### 13

*Б а й т:*

Ул нишонким, келди шаҳдин, танда жон бўлди манга,  
Ўлмиш эрдимким, тирикликдин нишон бўлди манга.

Қуллуқ арзадош улким, сафар ойининг ғуррасида шанба сабоҳи Нишобурдин бир манзил Сабзавор сари Абушужоъ Ансорий мазори бошида – юқоридин келган пийодарав муборак нишонниким, бу банданинг мужиби сарафрозлиги эрди – еткурди.

*Б а й т:*

Ўпуб ер, бармогим қош узра қўйдум,  
Ани худ ўшгуму бош ўзра қўйдум.

*Б а й т:*

Жонда қўйдум чирмағон мактубини ҳижрон аро,  
Билмон, ул мактуб эрур ёхуд алифдур “жон” аро.

Мундағи ҳолатни нишон келган куннинг бурунғи кунни арзадошт қилиб, Мавлоно Ғиёсиддин Ҳалолийдин йиборилиб эрди. Етган бўлса, арзга еткурмин бўлғай, деб қуллуқ арзадошт якшанба кунни битилди.

*Б а й т:*

Оразинг нақшин кўнгул лавҳида тасвир этгамен,  
Бўлмаса тақдир ани кўрмак, не тадбир этгамен?

### 14

*Р у б о и й й а:*

Номангки, манга муждаи жоний эрди,  
Ҳижрон ғамидин хатти амоний эрди,  
Зулматқа саводи гар нишоний эрди,  
Мазмун анга оби зиндагоний эрди.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, шанба сабоҳи, сафар ойининг бошида иноятномаеким, бу ҳокисорға мужиби тафоҳур



эрди – етишти. Иноят юзидин шафқатангиз сўзларким битилиб эрди – ўқулди. Не ҳад била, балки не тил била анинг жавобин битиса бўлғай.

*Рубоийй а:*

Неча солса қуёш тўфроғ уза нур,  
Демак узрини туфроғдин не мақдур.  
Қуёшдек чархдин ўтсун камолинг,  
Фалақдин бўлмасун, ё раб, заволинг.

## 15

*Рубоийй а:*

То олам уза фалакка даврон бўлғай,  
Афлок уза то нужум рахшон бўлғай,  
Анжумға саботу сайр имкон бўлғай,  
Бу борча санга мутеъи фармон бўлғай.

Мухлисона дуодин сўнгра қуллуқ арзадошт улким, аввали жулусдаким, ул хуршиди авжи салтанат олам аҳли кўзин ўз партави била баҳраманд қилди ва ул жамшиди сарири хилофат тахти салтанат авжин ўз пойбуси била сарбаланд этти. Бу фақири ҳақирға бир нишони олийшон йиборилиб эрди. Ва бу бандаи афқандани бир мисоли вожибул имтисол била туфроғдин кўтарилиб эрди, мазмуни буким: “Паришон абётингни жамъ қилиб, Мавлоно Султон Али Машҳадийга ёздуруб, ҳазратимизға йиборгил”.

Ул китобат шукрига нотияк тили “*ал-ҳамду лил-ла..ҳи-л-лази.. анзала ғала ғабдиҳи-л-кита..ба*” адосиға мутақаллум ва анинг мазмуни жавобида “ал-ғабдук ва ма.. фи.. йадиҳи кана лимавлаҳи” савтиға мутараннум бўлди. Ва лекин чун ул хидматкорлиғ сурати кечрак зоҳир бўлди ва ул фармонбардорлиғ зуҳури ботроқ суврат боғламади. Анинг сабабин адо қилғали ва боисин арзға еткурғали ёри азиз Мавлоно Мир Ҳусайн Бовардийниким, юзи ул даргоҳ туфроғидин қуёшқа етиб эрди ва боши ул боргоҳ саждасидин фалақдин ўтуб эрди, илтимос қилилдиким, иқбол осо қуллуққа мутаважжих бўлғай ва бу муқассир қул тақсири узрин қўлғай. Умид улким, узрхоҳ мақбул кўрунғай ва узр мақбул тушғай.

*Рубоийй а:*

То қолғуси боқий бу жаҳони фоний,  
То бўлғуси инсонға ҳайот имкони,

Тенгри тутсун санга мусаллам они,  
Лекин қилибон бу хайлнинг султони.

## 16

То ҳар йил боши куёш заррин ғазоласи ҳамал ўтлоғида лолазор узра жилва қилур – ул салтанат сипехрининг куёшига шараф баҳори лолазори узра ғазолалар била анжуман тузулсун. Ва то ҳар гул чоғи сабо машшотаси райоҳин навъаруслари қулоғиға жола гавҳарлари била зийнат берур – ул хилофат бўстониинг сарви навхези чаман ҳулалида кўргузулсун.

Куллук арзадошт улким, инойатномада битилиб эрдиким: “муддатекурким, арзадошт битимайсен”. Бу паришон ҳолнинг ошуфта хаёлидин не содир бўла олғайким, ул олий мажлис мулозимлари эшитурга лойиқ бўлғай ва ошуфта хаёлнинг қаламий мақолидин не рақам суврат боғлағайким, ул шариф маҳфилнинг муқоринларининг фархунда ройлариға мувофиқ келгай.

Биззарурат ғойибона дуо била иктифо қилилибтур: Ҳайот боғи тоза ва ул боғда мурод райоҳини беандоза бўлсун.

*Рубоийй а:*

То дашт баҳор фасли рангин бўлғай,  
Гулзор нигорхонаи Чин бўлғай,  
Дашт узра санга салтанат ойин бўлғай,  
Гулзор ичра тахтинга таскин бўлғай.

## 17

*Рубоийй а:*

Эй боди сабо, айласанг ул сори гузор,  
Жон бирла қўнгулни тошшурай – олғач бор,  
Қўнглумни итига туъма қилғил зинҳор,  
Жонимни дағи аёғиға айла нисор.

То фалаки мудаввар қалқониға хуршиди анвар муҳрасидин кубба бўлғай ва қавси кузаҳ сафинасиға саҳоби сипехри пайкар сафинасидин бодбон қурулғай ва ул муламмаъ қалқон ҳумойун чатрингға яшил мушаммаъ бўлсун ва бу мулавван туслуқ ёйдек ҳилолий жоминг нужум жавоҳиридин мурассаъ.

Арз улким, мундағи ҳолот шоҳиди жамолиға хайр машшотаси илгидин оройиш ва умур зебоси узориға амнийят кўзгуси руҳ-сориди намойишдур. Ва лекин:

*Б а й т:*

Боғни нетсун киши сарви хиромон бўлмаса,  
Кўк равоқи тийрадур, хуршиди рахшон бўлмаса.

*Р у б о и й й а:*

Васлинг бўлубон жонға муйассар, ё раб,  
Чехранг қилибон кўзни мунаввар, ё раб,  
Нутқунг сочсун базм аро гавҳар, ё раб,  
Ё рабки, ижобат айлагил ҳар ё раб.

Омин.

## 18

*Р у б о и й й а:*

Ёшунгон эмиш қаро булутқа моҳим,  
Гардунни совурмоғлиғ эрур дилхоҳим,  
Кирмиш қаро туфрокқа куёшдек шоҳим,  
Невчун қаро қилмасун фалакни оҳим?!

Жигарсўз ҳодисаким, истимоъи кўзга мужиби хунборлиғ ва ғамандуз воқеаким, итгилоъи жонға боиси афгорлиғ эрди – етишти. Кўз ашк тўфонидин баҳор ёмғуридек сели андуҳ оқизиб, жон ғусса фиғонидин найсон булутидек ўқурмак оғоз қилди.

*Б а й т:*

Ўртанур эл фурқатингдин нола бунёд айласам,  
Кўзғалур олам ўқурмак бирла фарёд айласам.

Аммо, чун “*куллу нафсин за..иқату-л-мавт*” шарбатидин ҳеч мутанаффис маоф ва “*куллу ман ғалайҳа.. фа..н*” хилъатидин ҳеч кимарса халос эрмас, сабрдин ўзга чора ва таҳаммулдин ўзга тад-бир топилмас.

*Р у б о и й й а:*

Гул борди эса, чаман муаттар бўлсун,  
Шамъ ўчти эса, куёш мунаввар бўлсун,  
Шаҳзодаға гар равза муйассар бўлди,  
Султонға жаҳон мулки мусаххар бўлсун.

Омин.

## 19

Булбулеким, гул хори ҳижрони ғунчадек кўнглин фиғор қилмиш бўлғай – дostonсаройлиғ била не тарранум кўргузгой ва тўтиеким, кўзгу доғи ҳирмони замири кўзгусида ғубор солмиш бўлғай – ширин каломлиғ била не тақаллум тузғай.

Аммо “ал-маъмуру маъзурун” ҳукми била ўтлуқ оҳи дудидин ашқбор кўз суйи бирла мураккаб қилиб, кўнгул оташангизлиги била кўз ашқрезлиги шарҳида бир неча паришон байт мураттаб қилилди. Умид улким, мутолааси кўнгулга мужиби айш ва ҳузур ва мушоҳадаси кўзга боиси сафо ва нур бўлғай, омин.

## 20

Ҳидойат нуриддинким, мурод шамъи демак мақсуд анинг ламъасидиндур – хилватингиз мунаввар бўлуб, партави андин бу тийра рўзгорнинг залолатангиз авқотиға тушсун. Ва иноят кўзгусидинким, мақсуд куёши демак мурод анинг ашиъасидиндур – шабистонингиз музайян бўлуб, ламъае андин бу ҳокисорнинг зулматомез муродотиға юз кўргузсун.

*Рубоиййа:*

Мақсуд жамоли жилвагустар бўлсун,  
Нури била офок мунаввар бўлсун,  
Мундоқ кишвар сизга мусаххар бўлсун,  
Сиздин назаре бизга муйассар бўлсун.

Маъмул андоқдурким, кўнглунгуз ҳарамида фатҳ оламиндин матлуб шамъи ёқилса, бу тийра рўзгор парвонадек ул маъман гирдига эврулғай ва матлуб ушондоққи, жонингиз ирамида файз шабнамидин нишот гули очилса, бу зори беқарор булбул киби ул гулшан теграсига чеврулғай, то ул шамъ нуридин кўзи мунаввар бўлуб, бу гул атридин димоғи муаттар бўлғай.

*Маснавиййа:*

Этар хорани меҳр лаъли музоб,  
Қилур қатрани баҳр дурри хушоб,

Бу иккидин ўксук мени зори дун,  
Ва лекин сен ул иккидин ҳам фузун.

Куёш хорани жавҳар этган киби,  
Тенгиз қатрани гавҳар этган киби,

Ишим ҳимматинг бирла топсун низом,  
Паём ушбу эрди манга, вассалом.

## 21

*Рубоийй а:*

Бир мўр Сулаймонга бўлай деб ҳамроз,  
Кўп саъй ила йўл катъини қилди оғоз,  
Чун тахти Сулаймонга етишти қадами,  
Ер ўпти-ю қайтти қилиб арзи ниёз.

Қуллуқ арзадошт улким, Каъба тавофидинким, мурод ул қиб-  
лаи иқбол рутбалиғ остондур ва қибла сафаридинким, мақсуд ул  
каъбаи омом суддалиғ ошйондур – хокбўслуғиға эҳром боғланиб,  
яқин етишилди, аммо:

*Рубоийй а:*

Ҳар неча юзунг хаёлин эттим тасвир,  
Наққоши қазо бориға берди тағйир,  
Мен васл умидиға кўп эттим тадбир,  
Тадбир не суд, гар эмастур тақдир.

Арзадоштнинг шарҳи мужиби малолдур ва ҳолнинг баёни –  
боиси калол. Ружуъ руқъа ҳомилининг адосиға ва ҳавола нома но-  
қилининг дуосиға қилилди, вассалом.

## 22

То фироқ мубталосининг талх-талх шўробаси ҳижрон ўтининг  
лаҳза-лаҳза забона тортарига таскин бергай ва иштиёқ гирифтот-  
рининг нафас-нафас шуълаи шавқи кўнгул вайронасиға замон-  
замон ўт солгай.

*Рубоийй а:*

Мизожинга аламе етмасун фироқ била,  
Замиринг ўлмасун озурда иштиёқ била,  
Кўзумга Тенгри еткурсун икки тобонингни,  
Ҳал айлабон қаро қилмоқ икки қироқ била.

*Рубоийй а:*

Васлингни тилаб, эй шаҳи фархунда сифот,  
Кўнглум қуши эғнидин чикиб эрди қанот  
Ким, ҳукм етиштиким, ёниб келсун бот,  
Чун бўлди зарурат, айладим азми Ҳирот.

То фалак жафоси иштиёқ шажарасининг самарасини ҳижрон меваси қилгай ва то сипеҳр зулмидин ҳижрон аҳлиға шавқ ва ҳирс гулбунидин хирмон гуллари очилгай, фалак ул ҳазратнинг ҳукми чавғониға гўйдек фармонбардор ва сипеҳр анинг шодурвони азамат ва жалоли даврида тугмакирдор бўлсун.

Қуллук дуодин сўнгра арзадошт улким, бу банданинг заъфининг қуввати ва хурушининг хароши ул мартабаға етиб эрдиким, атиббо ташҳисида ва ҳукамо муолажасида бесомон бўлуб эрдилар. “Тасофиру тасихху” амр ва муждаси била ҳазрати Имом равзасиға дегинча рухсат била келилди, хаёлда остонбўслуг орзуси бағойат ва кўнгулда сариг юзни олтун бўсағаға суртмак муддаоси бениҳойат эрди. Андоқким, анинг кайфийатидин фалонеким, таъбининг диққат ва латофати жонбахшлиқда Масихосо эрур ва назмининг салосат ва равонлиғи Хизр зулоли хосиййати берур – соҳиб вукуфдур. Чун банда ҳукм йўсуни била маҳкумвор ёндим.

Мушорун илайҳниким, аладдавом бу фақирни ўз суҳбати била масрур тутар эрди – ўз ивазим (агарчи ул беиваз тушубтур) йибордим. Ул доғи бир икки қатла келсун, деб анинг отиға олий нишон келган жиҳатдин бу маъниға толиб эрди. Фақир илтимоси била анинг муддаоси мувофиқ тушган учун куллуқ эҳромин боғлаб, мутаважжих бўлди. Умид улким, ўзи мақбул ва арз қилур сўзи писандида ва маъкул кўрунгай. Неча китобким, ҳукм бўлуб эрди, улча муйассар бўлур чоғлиғ эрди, андин йиборилди. Қолгонни ҳам умид улким, бот муйассар бўлгондин сўнгра еткурулгусидур.

*Байт:*

Чарх давридин фузунроқ тули давронинг сенинг,  
Олам аҳли сарбасар маҳкуми фармонинг сенинг.

*Рубоийй а:*

Токим, назаримда шаҳсуворим йўқтур,  
 Ҳижронида жуз нолаи зорим йўқтур,  
 Бир ерда қуйун киби қарорим йўқтур,  
 Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, бу давлатхоҳ кул густохлиғ қилиб, Шайх Муҳаммад мирохурдин йиборилган арзадоштининг жавобин иноят қилибким, Султон Маҳмуд оғодин йиборилиб эрди, мазмунидин андоқ маълум бўлдиким, дойимғи дастур била мустаҳсан тушубтур. Тенгри таоло умру давлатингиздин бархурдор қилғой, дунйи ва охират муродот ва макосидини насиб қилғай.

Умид улким, ҳар неким бу банда давлатхоҳлиқ юзидин битиб – мақбул тушубтур, амал қилиб, натижа топмоқ рўзи бўлғай. Яна Муҳаммад Аминбек била Хожа Фаҳриддин битикчи бобида ҳам нишонларким, битилиб эрди – юқори арз қилиб борчаға жавоблар борди, наввоб арз қилғондин сўнгра маълум бўлғай, деб, куллуқ арзадошт битилди.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, ҳумойун битикким, иноят қилиб, фалондин йибориб эрдингиз – етишти ва мазмуни маълум бўлди. Андоқ ишорат бўлиб эрдиким, ҳазрати хон бобида икки сўзни Мирзо тобуғида арз қилиб, жавобин олиб йиборгил: бир улким, не дастур била аларни киши йибориб, сўрдурали. Яна бир улким, алар тобуғида мактуб не навъ битимак муносиб бўлғай? Буйруқ йўсуни била арзға еткурулди.

Сўруқ бобида андоқ ҳукм қилдиларким, “Инилари била сойир ҳазарот хонни не навъ дастур била сўрғонларининг нақлин келган киши айтсун, борчанинг ағоси ва аршади ул азиз фарзанддур. Ул нақлни кўруб, анга яраша яроқ қилиб, сўрдура киши йиборсун”. Яна битик бобида андоқ бўйурдиларким, “Агарчи, ёшқа ул фарзанд андин улуғроқдур, аммо ул султонлиғ мартабасидин мунда келмай-дур, хонлиғ маснадидин ҳодиса воқеъ бўлғон учун мунда тушубтур, бу муддатда бизга мундоқ азиз меҳмон келган эрмас, битикда “хон тобуғида”, деб битиб, мактубни охириғача таъзим била

битисун ва орқасида муҳр ё исмин битик ўртасида кироғи сори майл қила босиб, ё битисун”, деб, ҳукм қилдилар. Тобуғда маълум бўлсун, деб қуллуқ дуо арз қилилди, вассалом.

## 26

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, инойат нишони келди, инойат сўзлари маълум бўлди. Ҳар ойинаким, андоқ бўлғусидур қуёшдин заррапарвалиқдин ўзга иш келмағусидур ва бу қуёшдин равшанроқдур. Фироқномаким, йиборилибтур – тасвир қилилсун, деб, ани тасвир қилаолур киши устод Бехзоддур ва бу яқинда устоди мушорун илайҳни Мирзо тилаб олдилар: ўз қошларида боғда ҳужра ясашиб иш буйурадурлар. Яна андоқ кишики, ул китобатқа муносиб иш қила олғай – йўқ эрди. Ҳар нечук ул бобда ҳукм келса, анга кўра қилилғусидур, деб, арзадошт битилди.

## 27

Қуллуқ арзадошт улким, бу қул мулозамат эҳромин боғлаб, мутаважжих бўлурда толеъ заъфидин оризаи даст бердиким, ул таважжуҳ монийи бўлди. Аммо, Шайхимнингким, бу банда била аларнинг аросида ҳеч жудолиғ йўқтурур – банда эвази мутаважжих бўлдилар, кайфийат маълум бўлғусидур. Бандаи мухлиснинг давлатхоҳлиғ юзидин хотирига келган сўзни ҳам борғон ёронларга айтилибтур – арз қилсалар, умид улким, ул сўзга илтифот бўлғай, деб, қуллуқ арзадошт битилди.

## 28

### *Маснавиййа:*

Зиҳи нозил мақоминг тахти шоҳи,  
Тушуб тожинг уза зилли илоҳий,

Ҳам ўлсун пойаи тахтинг фалаксо,  
Ҳам ўлсун тожи кадринг арш фарсо.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, Мир Саййид Абу Исҳақ келиб, инойатнома била сойир инъомотни еткурди. Банданавозлиғ нишони била бошимни фалақдин ўткардингиз ва сарафрозлиғ маркаби била хоксор танимни туфроғдин кўтардингиз ва инойат либоси била зоҳир айбларимни мастур ва бу инойатлар



сипоҳи била бузулгон ботиним уйи маъмур бўлди. Муниг муқобаласида дуодин ўзга илгимдин не келгай ва санодин ўзга тилимдин не очилгай.

То жаҳон бўлгай, ҳимматингиз саманди чарх паймо ва то сипехр эврулгай, жаҳон аҳлига инъомингиз ташрифи зийнагафзо бўлсун, омин, ё Раббал-оламин.

## 29

Куллуқ арзадошт улким, инойатнома мазмунидин ҳумойун зот ва фархунда мизожингизнинг саломатлиғи маълум бўлулди. Умид улким, ҳақ таолонинг паноҳида бўлуб, муддао мувофиқи ва орзу мутобиқи давлат муйассар бўлгай. Бу кул бир неча кун зиёратгоҳда эрдимким, мирохур келгандурур. Ул жаҳатдин арзадоштни ўтқарурда ҳозир эрмас эрдим. Ҳамл мулозамат тақсирига бўлмагай.

Жаҳон мулки мусаххар ва икки жаҳон муроди муйассар бўлгай, омин, ё Раббал-оламин.

## 30

Куллуқ арзадошт улким, йиборган инойат нишониди Самарқанддин қочиб келган киши бобида сўзлар битилиб эрди. Арзадоштда дағи ул сўзлардин мазкур эрди, борчасин шарҳ била юқори арз қилилур. Чун қочиб келган киши ҳануз кўрунмайдур эрди, ул жиҳатдин ҳануз ул бобда ҳеч навъ ҳукм воқеъ бўлмади. Иншааллох, ул кўрунгондин сўнгра ҳар не ҳукм бўлса, шарҳ била арзадошт қилилғусидур.

Давлат бардавом ва саодат мустадом бўлсун, омин.

## 31

Куллуқ арзадошт улким, Мирзонинг муборак мизожлари сиҳҳат топиб, тахти равон била зилҳижжа ойининг йигирми бешиди, душанба куни тошқори чиқтилар. Умид улким, Мирзомнинг шариф зотлари дағи ҳамиша сиҳҳатда бўлуб, давлатлари кундин кунга ортқай.

Инойат қилиб, дойимғи дастур била ваҳйосор руқъалар била сарафроз қилилса, бу фақирнинг мужиби саодати дорайни бўлғусидур. Паришон назмлардин бир жузв тобуқта йиборилди. Чун муборак назарлари тушгай ислоҳ била мушарраф бўлгай.

Давлат мудом ва салтанат молакалом бўлгай.

### 32

Куллуқ арзадошт улким, ахтачидин инойат қилиб йиборган оғзи мухрлуқ битикни ўқуб, жавоб олгунча, ахтачи ошуқуб, кетган эрмиш. Ул битик бобида ҳар сўзким бўлса, бу банда мулозамат иқболига мушарраф бўлғали қуллуқ эҳромин боғлаб мутаважжихдурур. Умид улким, банда етгунча йайлоқларда бўлғайларким, мизожда жузвий ҳарорат бор. Астрободнинг шаҳрига банданинг бо-рури хожат бўлмағай. Чун остонбўслук иштиёқи ҳаддин ўтуб эрди – бу васила била хаёл қилилдиким, ул олий мақсадқа етгай.

Давлат рўзафзун ва икбол ҳамидун бўлсун.

*Б а й т:*

Кўзум учарки хумойун юзунгни кўргай бот.

Биайниҳ анга кирпиклар ўлмиш икки қанот.

### 33

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, Мирзонинг муборак мизожларида жузвий заъфким бор эрди – сихҳатқа мубаддал бўлуб, парҳез ушагилар. Бу учурда ул вилоятдин дағи жузъиёт учун Мавлоно Худойбердини қуллуққа йиборилди. Қуллуқ изҳориға арзадошт битимак вожиб эрди. Машҳаддин бу банда ўз ҳолин хожа фалондинким, арзадошт қилиб эрдим, ҳоло мулозимлар ҳиммат ва давлатидин бу банданинг марази ҳам сихҳатқа юз қўйубтур, аммо бирор нима заъф бор. Умид улким, ул дағи дафъ бўлғай, деб, қуллуқ арзадошт битилди. Бу матлаъ вокеъ бўлуб эрди, умид улким, ислоҳға мушарраф бўлғай:

*Б а й т:*

Рахшингки хиром ичра ўтар кабки даридин,

Истармен анинг наълини товус паридин.

### 34

Куллуқ арзадошт улким, бу банда ала-с-сабоҳ эшикка хозир бўлғоннинг жиҳати ул эрдиким, муборак дийдорингизни кўруб колғаймен. Хабар бўлғунча саломатлик била азимат қилиб эрмиш-сиз. Отланиб, йўлда қуллуққа мушарраф бўлур хаёл қилғоч, ҳукм келдиким: “Ғойиб бўлмасунким, сўз бор”. Бу жиҳатдин маҳрум қолилди. Ҳамл тақсирға бўлмаса, ғоят қарам бўлғай.

Буйурғон ғазаллардин тайёр бўлғонларни йиборилди. Қолғонни дағи тугатиб, борур кишидин йиборилгай. Хукм бўлуб эрдиким: “Хаёлингга келган давлатхоҳона сўзунг бўлса, айт”.

Сўз будурким, ҳаво исиди, улча имкони бор, чоғир ичарда риойат вожибдур. Ўзга сўзлар ҳам бўлса, арзадошт бўлғусидур.

### 35

Куллуқ арзадошт улким, Абдулкаримдин йиборган иноятномани бажинс Мирзонинг илигига бердук, хукм бўлдиким, сиз давлат била бориб, Мўғулбек кўмак йўсунлуқ керак бўлса келгайлар, аммо, мундоқ сўз кечтиким: “Мўғул андағи ишларга бағойат кўп ихтимомлар қилур эрди, Бадиуззамон Мирзо онча ихтимом қилгайму?” Арз қилдимким, андин кўпрак ихтимом қилғусидурлар. Эмди, иноят қилиб, ўзлукунгуз била машғуллуқ қилиб, иш-кучни киши-қаро умидига қўймасангиз яхшироқ бўлғай. Инойат қилиб, чун битирсизким, “Менинг иш-кучум санга ухдадур”. Агар андағи ишларда беихтимомлиғ воқеъ бўлса, Мирзо тобуғида бу кул уётлиғ бўлғусидур, деб, куллуқ арзадошт битилди.

Баъзи тарбийат қилғон куллар бобидаким, битилиб эрдиким, тақсирлари жиҳатидин хитоб ва мусодара воқеъ бўлубтур.

Куллардин тақсир ва салотиндин гоҳ афв ва гоҳ хитоб воқеъ бўла келгандур. Аммо, подшоҳнинг ўз иш-кучидин воқиф бўлуб, сиёсатидин кулларнинг ваҳмининг бир улук натижаси будурким, алардин жаримас оз воқеъ бўлур. Дағи подшоҳқа ҳам муқобалада итоб қилмоқ лозим келмас.

Бу маҳалда ҳар ҳол била бўлса навкар жонибини асрамоқ вожибдур. Аммо, аларнинг аҳволидин ҳам воқиф бўлмоқ вожибдурким, беқоидае воқеъ бўлмағай ва борча хушёрлиққа вобастадур.

“Май мехўру хушёр мебош”.

### 36

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, Вақфада зиёрат жиҳатидин Имом равзасиға келилиб эрдиким, давлатингиз дуоси қилилғайким, Илдириим келди. Яна бир дуо била ўзни соғиндурмоқ вожиб кўрунди.

Ҳар қаён юзлансангиз фатху зафар ёрингиз бўлсун ва жамиъ офот ва балиётдин ҳақ таоло ниғаҳдорингиз, омин.

Бу матлаъ воқеъ бўлуб эрдиким:

Ишк даштин ҳеч ғурбаткаш мусофир кўрмасун,  
Мен ғариб ул дашт аро кўрганни кофир кўрмасун.

Ислоҳға ҳоқимсиз.

### 37

Қуллуқ арзадошт улким, инойатномадин сарафрозлиғ даст берди.

*Б а й т:*

Не лутф эдики, мени нома бирла ёд этгинг,  
Не нома эрдик, маҳзун кўнгулни шод этгинг.

Давлат бардавом ва саодат мустадом бўлсун.

*Б а й т:*

Кўксумда наъл бўлди хадангинг нишонаси,  
Кўнглум уйи эрур анинг омочхонаси.

Яқинда бу матлаъ воқеъ бўлубтур, густохлиқ қилилди.

Борча ҳолотдин фарзанди аржуманд Ҳайдар соҳиб вукуфдур,  
сўрулса арзадошт қилғусидур.

Давлат мустадом бўлсун, омин, ё Раббал-оламин.

### 38

Қуллуқ арзадошт улким, мундағи ҳолот Тенгри таоло инойати била Мирзо давлатидин кўнгул тилагондектур. Бу учурда Султон Маҳмуд Мирзо қошидин Маҳмуд барлос келиб пешкаш ва сочик келтуруб, қуллуқ хидматгорлиғларин изҳор қилди. Яна атроф ва жавонибдин келган хабарлар дағи борчаси давлатқа мувофиқ эрди. Густохлиғ юзидин бир неча сўз битиб, қоғаз бошин ёпуштуруб, йиборилди. Анга дағи гоҳи мулоҳаза қилилиб, амалға келтурулса, давлатқа мувофиқ бўлғусидур, деб, қуллуқ арзадошт битилди.

### 39

*Б а й т:*

Сафардин келган эрмиш ул мусофир ойу мен маҳрум,  
Сабо, оллида арз эт, чунки, ҳолим айладинг маълум.

Куллуқ арзадошт улким, сафардин саломатлик била қайтиб, масканга тушулган хабардин давлатхоҳ куллар шодмон бўлдилар. Умид улки, ҳамиша давлат била соғ ва саломат бўлуб, олам аҳлиға комрон бўлғайсиз. Доранда мутаважжих учун дуо била ўзни муборак хотирға ёд бермак вожиб кўрунди, деб, куллуқ дуо била арзадошт битилди, вассалом.

#### 40

Куллуқ арзадошт улким, бу бандаға беҳжат ва сарафрозлиғ мужиби бўлғон руқъа етишти.

*Б а й т:*

Ўпуб они кўзу қошимға қўйдум,  
Не кошу қайси кўз, бошимға қўйдум.

Инойат килиб, мундағи ҳолотни руқъа ҳомилидин сўрулса, арз килғусидур.

Давлат мухаллад ва саодат муаббад бўлсун.

#### 41

*Р у б о и й й а:*

Қадринг уза чарх тоқи манзар бўлсун,  
Базминг аро офтоб мижмар бўлсун,  
Жавлонинга арса етти кишвар бўлсун,  
Ҳар не тиласанг, барча муйассар бўлсун.

Куллуқ арзадошт улким, Абдулкарим мирак ҳукм бўлғон ишкучни сўзлашиб, кўнгул тилагондек жавоб олиб борди – маълум бўлғусидур. Умид улким, маҳжур куллар муборак хотирингиздин чиқмағайлар, деб, куллуқ арзадошт битилди.

#### 42

*Р у б о и й й а:*

Эй, Зухра келиб мутриби базми тарабинг,  
Биржисдин ортибон ҳаёву адабинг,  
Олам элида хисраву ҳоқон лақабинг,  
Одамға дегинча хон бин хон насабинг.

### *Рубоиййа:*

Не чарх бисоти ишрат афзойингча,  
Не меҳр жамоли олам оройингча,  
Не ой даври чатри фалак сойингча,  
Не кўк авжи хоки кафи пойингча.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, бу фақирнинг паришон ашъори ва ошуфта абётидин ҳар неким тартиб либосига кириб эрди ва ҳар кайсиға тадвин ойини берилиб эрди – барча хумойун кутубхонаға етиб эрди ва андағи кутуб силкига кирар шарафин касб этиб эрди.

Бу ўтган икки йилдаким, бу банда бошиға ҳаводиси рўзгордин юз навъ бало ва ишқи забункуш бедодидин юз турлук ибтило юзланди. Оллимға ҳар шиддат келса, чун айтурға бир ёри ғамгусорим ва илайимға ҳар суубат етса, чун изҳор қилурға бир рафиқи соҳиб асрорим йўқ эрди, ул шиддат ва суубат мазмунин бирор байт ё матла хаёл қилур эрдим ва кўнглумни ул ғусса ва андуҳдин холи этар эрдим, бу оз вақтда кўп назм ойтилгон эрмиш ва ҳар навъ шеър ва ғазал йиғилгон эрмиш. Буларни зоеъ қилмоқ бандаға номақдур эрди ва тартибиға ҳам ҳукм била маъмур.

Бу сабабдин бурунғи икки девон ашъори била сўнгра ойтилгонларни била қўшуб, тартиб била тўрт ойрилди, дағи тўрт от қилилди: туфулийатда воқеъ бўлгон ғариб маъниларға “Ғаройиб уссигар” ва йигитликда зоҳир бўлгон нодир таркибларға “Наводир уш-шабоб” ва умрнинг васатида жилва қилгон бадивашларға “Бадойиъ ул-васат” ва умрнинг охириға яқин назмға кирган фойдаларға “Фавойид ул-кибар” от қўйулди. Дағи мажмуиғаким, махлут битилибтурур, чун табъ хазойинидин ҳосил бўлгон маоний эрди – “Хазойин ул-маоний” лақаб берилди, вожиб эрдиким, муборак назарға еткурулғай.

Ул сабабдин мафҳарус-савоҳиб Мавлоно Соҳибни қуллуққа йиборилди ва ул мусаввадани олий мажлисқа еткурсун, дейилди. Бу густохликқа афв умидидур ва ул густохлиғларға ислоҳ умиди, то тўрт табойиъ мухталиф инсон хилқатидаким, офаринишнинг хазойин ул-маъонийсидур – мувофиқ бўлғайлар. Рубъи маскунда ҳукмунгуз равон бўлсун ва рубъи маскун аҳлиға адлингиздин амну амон, омин, ё Раббал-оламин.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, Илдириим мирохур келиб, банданавозлиғ нишонин келгурди. Заиф жисмға андин қуввате ва мажруҳ қўнгулга андин сиҳҳате етишти.

*Б а й т:*

Ўпуб, кўзумга қўйуб, жоним ичра ер бердим,  
Алиф кибики бўлубтур макони “жон” ичра.

Агарчи, саъб мараз ниҳоятида ўлмак бийми бор, бу ранжур маразиға жон умиди, балки ҳаёти жовидон навиди етишти. Ул қаламғаким, ул варақ хошийасида бадойиъ нукта суруб, замон нотавонин масрур қилубтур – етти иқлим якқалам бўлсун ва ул иликкаким, ул қаламни ул сафҳаға еткурубтурур – Ҳақ субҳанаху ва таоло рубъи маскун кишварин мусаллам тутсун.

Бу заиф банда тобукта борғон беклар хидматида андоқ деб йибордимким, неча кун Машҳадда туруб, ўз ҳолимға мулоҳаза қилнумдурур. Аҳволимда тафовут маълум қилсам, қуллуқ эҳромин боғлағумдур, ул муйассар бўлмади.

Умид ила келдим, вале армон била бордим.

Эмди умидворлиғ Юсуф Алидин йиборган оғзи сирешлик арзадоштдадур. Тенгри таоло иноятидин ҳазратингизда осондур, деб қуллуқ арзадошт битилди.

*Р у б о и й й а:*

То даврдурур давр санга ёр ўлсун,  
То чархдурур чарх мададгор ўлсун,  
Зотингға Хизр умридин осор ўлсун,  
Умрунғға абад фурсати миқдор ўлсун.

Омин, ё Раббал-оламин.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, бу фақир муддате бўлдиким, муборак дийдорингизға мушарраф бўлмағон жиҳатдин иштиёқ бағойат ғолибдур. Бу қатла Машҳадға келгандин ғараз бу эрдиким, ўзумга онча қувват ченасамким, ўн, ўн беш-йигирми кунда қуллуққа етиб, побуслуқ давлатиға мушарраф бўлуб кела олғаймен. Қуллуқ азимати қилиб, андоқким, Шайх Алибек била Хусайнкулибекка шарҳ била айтиб эрдим, шойадки арз қилмиш

бўлғайлар. Бу муддаога далил буқим, бу муддатда заҳмат тортиб ясағон муракқаъни ва ҳар миқдор такаллуф қилиб тугатган китобларниким, булардин ўзга ҳеч нимага хотирбасталиқ йўқ эрди – олиб келиб эрдимким, чун бандага заъф чирмашибтур; муборак дийдорингизга мушарраф бўлуб, қазо ҳам етса, бу китоблар бори сизинг назарингизда бўлғай. Чун ўзумда ул қувват топмадим, ул китобларни Юсуф Алидин куллуққа йибордим. Алар тақрийби била гоҳи бу бандангизни соғинурга ҳокимсиз, деб, куллуқ арзадошт битилди, вассалом.

#### 45

##### *Рубоийй а:*

Эй тожу сариру мулк зебанда санга,  
Маъмур келиб толеъ фархунда санга,  
Ҳам бўлсун очун шохлари банда санга,  
Ҳам саркашлар борча сарафканда санга.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, манозил сайридин хуршид ўз манзилиға, яъни Асад буржиға юзланганни ва кулон овидин шер ўз бешасиға, яъни Журжон тахтгоҳи ғардун иштибоҳиға қайтқонни эшитилди. Ҳумойун зотқа саломати абадий ғоятсиз эрқонни кўргузмак вожиб ва рўзафзун давлатқа истиқомати сармадий ниҳоятсиз эрқонни сўрдурмоқ лозим эрди. Бу жиҳатдан:

Манга улким, надиму соҳибдур,  
Туну кун ҳамдаму мусоҳибдур

ани куллуққа йибордимким, кўзум мардуми хокбўслигин ул даргоҳ туфроғиға еткурғай ва кирпиким супурғуси ваколатидин ул боргоҳ остониға кўз суртуб, хошогин супурғай. Умид улким, бу давлатқа мушарраф бўлуб, бандани ҳам бу арзадошт жавобиға мушарраф қилғай.

##### *Маснавийй а:*

То доираи сипеҳр бўлғай,  
Тоқим, анга нуқта меҳр бўлғай,

Ҳам авжи сипеҳр тахтгоҳинг,  
Ҳам нуқтаи меҳр хоқи роҳинг.

Омин, ё Раббал-оламин.



Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, доим соҳиб давлати азимуш-шон салотин замонида мамлакатларининг мутаййин элидин баъзи даврон ҳаводиси ва замон навойиби лагадқубидин хоксорликқа қолиб, безътиборликқа тушар эрканда ул салотин ул шикастаи афтодга дастгирлик юзидин илтифот ва шафқат кўргузур эрминларким, аларнинг мадад ва ҳимматлари жиҳатидин ул бечора яна ўз ҳолига келур эрмиш.

Бу замонда Хожа Ҳожи Маҳмуд Табризийга ҳамул ҳол воқеъ бўлубтур. Агар ул салотин дастури била шафқат ва илтифот анинг ҳолига шомил тутулса, умид улким, ул шафқат натижасидин анга дағи бурунгудек жамъийят ва рафоҳийят насиб бўлғай, вассалом.

*Рубоийъа:*

Жон қасди кўп этти ёр хижрони манга,  
 Ҳирмон ўкин урди улча имкони манга,  
 Гар бўлса мутеъ чарх даврони манга,  
 Еткурса мени ул ойға ё они манга.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, заиф ва қувватсиз кулунгузнинг заъфи қувватқа ва марази сиҳҳатқа юз кўйуб эрди. Иноят қилиб, сўрдур а йиборилган нишонким, етти, айтса бўлғайким, баданда ҳарорат шуъласидин шараре ва кўнгулда изтироб шиддатидин асаре қолмади.

*Байт:*

Битикинғдинки, саводини кўруб жон топтим,  
 Зулмат ичра масало чашмаи ҳайвон топтим.

Хаста куллар учун ҳақ таоло ул хумойун зотни хасталиғдин асрасун ва қадимий бандалар учун ул фарҳунда сифотни дилбасталиғдин ўз паноҳида тутсун.

Бу учурда Хожа Ҳофиз Гиёсиддин Муҳаммад Дехдор тархон куллуқ эҳромини боғлаб, азимат қилди. Қайсари Рум илтифотин ва ул бобда топқон аҳком ҳолотин арз қилғусидур.

*Рубоийъа:*

Ё раб, бўлсун гарди раҳинг зевари Рум,  
 Зотингга насиб тахт ила афсари Рум,

Доҳили мулкунг ичинда юз кишвари Рум,  
Тобеъ сипаҳинг хайлида юз қайсари Рум.

Омин.

48

*Рубоийй а:*

Бер мужда кўнгулки, гулғузорим келаду,  
Жон гулшанида тоза баҳорим келаду,  
Бир кавкаба бирла шаҳсуворим келаду,  
Ким, юзини ой демакка орим келаду.

*Рубоийй а:*

Бу мужда билаки, тукқуси субҳи висол,  
Ҳижрон қаро оқшомига юзланди завол,  
Эмди мену интизори меҳри иқбол,  
Кеч қолса бу меҳр, то не бўлғай манга ҳол?

*Рубоийй а:*

Қосид келди зоҳир этиб кўп таъжил,  
Бир нома қўлида васл комиға далил,  
Бу номадурур каломи мунзалға адил,  
Ё юқоридин ваҳй кетурди Жабраил.

Не нома эрдиким, аршосо даргоҳдин нозил бўлдиким, анинг шонида “*ал-ҳамду лилла..ҳи-л-лази.. анзала ғала.. ғабдиҳил-кита..ба*”дин ўзга нима хотирға келмас ва не саҳфа эрдиким, фалак фарсо боргоҳдин нузул қилдиким, анинг баёнида “*ал-ҳамду лилла..ҳи-л-лази.. азҳаба ғаннал-хузна*”дин ўзга калима тилга эврулмас. Умид улким, зафар пайкар ройатнинг хумойунфол кўлакасининг фиروق даштида ҳижрон самумидин маҳрур бўлгон заифлар осудаҳол ва хужаста асар мавкибнинг жонпарвар хабаридин ҳажр зиндонида маҳбус ва маҳжур бўлгон наҳифлар фориғбол бўлғайлар.

Қуллуқ арзадошт улким, инойат нишониди битилиб эрдиким, Мирзо мулозаматлариға озим бўлулди ва ул азимат ижросига жозим. Шак йўқтурким, бу хидмат дунйи ва охираат маслаҳатиға мувофиқ ва Мирзодек атоға сиздек ўғулдин муносиб ва лойиқдур.

Иншааллоҳки, ҳар таважжухда кишваре фатх топқай ва ҳар ҳамлада аскаре мағлуб бўлғой ва ҳар онда жаҳоне мусаххар ва ҳар дамда оламе мўйассар бўлғай. Улча битилиб эрдиким, “Панждеҳ ва Марвчоқ навоҳисиде келиб, мулозамат давлатиға мушарраф бўла олурсен”.

Бу арзадошт не ерда етса, ҳукм бўлсаким, ул ердин Панждеҳ ва Марвчоққа дегинча манзилларни битиб, не кун ул навоҳийға етарни қиёс қилиб, иноят нишони йиборилсаким, бу банда ҳамул ҳисоб била чиқиб, иншааллоҳ, тараддудсиз битилган ерда мулозаматқа етсам. Бу умидворлиғ интизоридадур, деб, қуллук арзадошт густохлиқ қилилди.

*Рубоиййа:*

Ё раб, не тарафки азм қилғай ройинг,  
Мансур ўлғай ройати ғардун сойинг,  
Мағлуб ўлубон адуви кийнафзойинг,  
Масрур ўлғай хотири мулкоройинг.

Омин.

#### 49

*Рубоиййа:*

Номангки, кўнгул комича марғуб эрди,  
Топти кўнгул андин улча мағлуб эрди,  
Йўқ, номаки, дилпазиру маҳбуб эрди,  
Хаттида кўнгул муроди мактуб эрди.

Тойири давлат ва иқбол, балки, қосиди фархундапайи фаррухфол мукнат ва уббаҳат бўстонидин, балки, салтанат ва азамат остонидин маҳжурлар рўзгориға ташрифи ҳузур еткурди ва маҳрумлар сарвактиға саодат ва иқболосо қадам урди, илгида ҳуққай лаболаб лаъли коний ва дурри уммоний, балки қўйнида номаи саросар зеби алфоз ва гавҳари маоний. Ул ҳуққа оғзини муҳри ихфо урғон, балки, ул нома бошини ғайр кўзи тушмасун, деб ёпиштурғон.

Бу банда чун ул жавоҳири обдор қийматин билдим ва ул маҳфий асрорға филжумла вуқуф ҳосил қилдим. Маҳфий хитоб жавобин фош арзадошт қилмоқни ва ниҳон масала баёнини ошкор битмақни адабдин йироқ ва убудийатдин қироқ кўрдум. Ул жиҳатдин, чун ўзум қуллукқа озим ва бандалиғ азиматиға жозим эрдим,

муносиб андоқ кўрундиким, хотирға келган шикаста баста алфозни ўзум арзға еткургаймен ва бу паришон ва пароканда маънини ўзум наввоб қулоғига ўрғаймен, деб, қуллуқ арзадошт битилди.

*Б а й т:*

То жаҳондур жаҳонға ҳомий бўл,  
Салтанат тахтида киромий бўл.

## 50

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким,

*Р у б о и й й а:*

Номангки, етишти юз минг эҳсон бирла,  
Кўнглумни фидоси айладим жон бирла,  
Лутф айла бу хонумони вайрон бирла,  
Қил ёд қадаҳ ичар замон хон бирла.

Давлат мустадом бўлсун, вассалом.

## 51

Агар қозийи ислом Тенгри таоло раҳматиға борди – подшоҳи исломни ҳақ таоло кўп йиллар диёри ислом ва аҳли ислом бошиға пойанда ва мустадом тутқай. Ул мансабқа киши таъйин қилур учун кўп тааммул вожибдур, магарким, бу тойифанинг аҳволидин соҳиб вукуф қуллар ҳозир бўлгонда борчанинг салоҳ ва фасодин арзға еткургандин сўнгра нечукким, подошоҳи исломнинг давлатиға ва аҳли исломнинг маслаҳатиға мувофикроқ киши зоҳир бўлса, таъйин қилилғай, деб, қуллуқ арзадошт битилди.

## 52

*Б а й т:*

Эй келиб журму гуноҳ аҳлиға лутфунг узрхоҳ,  
Узрхоҳ андоқ эса, нетонг киши қилмоқ гуноҳ?

Арзадошт улким, бу вақтда Ҳайдар қўқалтошнинг толеъининг кавкаби нуҳусат тийралигидин чиқиб, саодат буржиға юзланган учун ва иқболининг ахтари ражъат вуболидин қутулуб, истиқомат авжидин тулуъ қилгон учун қилгон тақсирларидин шарманда ва кўргузган журмлари била сарафкандалиғ била саодат ахтаридек

фалак фарсо даргоҳқа ва иқбол кавкабидек сипеҳр осо боргоҳға юзланди. Хаёли буқим, бошин эшикдаги қуллар оти аёғида ўйнағай ва муроди буқим, жонин остонадаги итлар оллида фидо қилғай. Умид улқим, ниятига кўра илтифот назаридин баҳраманд ва азиматиға кўра шафқат асаридин сарбаланд бўлғай. То абад қарам мужримларға паноҳ ва шармандаларға узрхоҳ бўлсун, омин, ё Раббал-оламин.

### 53

*Рубоиййа:*

Не ҳолат эрурки, ошики шефта ҳол,  
Қўйғон юрагига ҳажр юз доғи малол,  
Солиб бошиға соя ҳумойи иқбол,  
Етқургай анга муждаи уммиди висол.

Аллоҳ! Аллоҳ! Фироқ шоми саводи не бало дилгиру умрфарсо эрмиш! Ваҳ, ваҳ! Висол субҳи кушоди не ажаб дилпазиру руҳафзо эрмишқим, ҳақ субҳанаҳу ва таоло анинг гирифторлариға нажот рақами сургай. Ва мунинг шақар гуфторлиғиға ло илонихойа муждасин етқургай.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улқим, бу банда куллуқдин маҳрум бўлғали дойим умидвор кўнглум хаёл водисида саргардону мудом умидим кўзи интизор йўлида ҳайрон эрдиким, дойимғи дастур била келур кишидин ҳабар ва бирор номадин асар зоҳир бўлғай. Бу жиҳатдин кўнгул хароб аҳволу кўз тийра ҳол эрди. То бу вақтқачақим, Арслонбек ахтачи фатҳ нишонлари била мазкур бўлғон инойатномани етқурди. Кўнгулга андин осойиш ва кўзга кушойиш етишти. Алҳамду лиллаҳқим, ҳарне матлуб эди – ҳосил ва ҳарне марғуб эди, восил бўлди. Умид улқим, эмди бори киши келса, маъхуд инойатнома била мумтоз ва анинг мазмунида илтифотлар била сарафроз қилилғай.

*Байт:*

То жаҳон ўлғай, мутеъ ўлсун санга,  
Тобеи таъби бадеъ ўлсун санга.

Омин.

*Рубоийй а:*

То пайки сабо кетурди ёрим хабарин,  
Шарх айлади сарви гульзозорим хабарин,  
Билмас кўнгул эмди жони зорим хабарин  
Ким, пайк кетурди шаҳсуворим хабарин.

Фироқ шомида висол субҳидин навмидларга насими сахар пайки муждасидин жонфизороқ хабаре мумкин эрмас ва иштиёқ мақомида жамол **мехридин** кўзи тийра бўлгонларга васл куёши тулуғидин ўзга нима ёруғлуқ бермас. Биҳамди лиллаҳким, бурунги давлат муйассар бўлди, ва иншааллоҳким, сўнгги саодат ҳам мушарраф қилғай.

Куллук дуодин сўнгра арзадошт улким, шотир фалон фалон ойнинг нечасида фалон кун келиб, инойатномаким, бу бандани ёд қилиб эрдингиз – келтурди. Ҳадсиз нишот ва ғойатсиз инбисот юзланди. Эмди дағи келур кишидин бирор инойатнома бирла жамоат куллардин мумтоз ва сойир бандалардин сарафроз қилурга ҳокимсиз. Давлати абадий бардавом ва саодати сармадий мустадом бўлсун, омин, ё Раббал-оламин.

## 55

Ҳадиси кудсийдурким, “*ман ка..на лилла..ҳи каналло..ҳу лаҳу*”, яъни ҳар киши Тенгрига бўлса, Тенгри ул кишига бўлур ва Тенгрига бўлмоқнинг маъниси муни дебтурларким, Тенгри таолонинг буйруғи била амал қилғай ва наҳйидин ижтинобда. Ва Тенгри таоло бу кишига бўлмоқнинг маъниси муни дебтурларким, қулнинг ҳар навъ муроду мақсуди бўлса, Тенгри таоло буйруғи била амал қилиб ҳосил қилғай ва борча офату балодин сақлағай. Бас, лозим келди: ҳар киши тиласаким, муроду мақсуди ҳосил бўлуб, офату балодин эмин бўлғай. Тенгри таоло буйруғи била амал қилиб наҳйидин ижтиноб қилғай. Ва оламда ҳеч киши йўқтурурким, ҳар навъ муроди бўлмағай ва ўзин балодин эмин тиламағай. Аммо, ҳар кишининг муроди кўпрак бўлса, ҳақ таоло амрига итоати кўпрак бўлса керак, батаҳсис, салотин. Ҳар ойинаким, гадейским, матлуби бир дирам сийм бўлғай, ё подшоҳеким, мақсуди бир иклим бўлғай, агарчи иккаласининг Тенгри таолога эҳтиёжи бор, аммо чун матлубларда тафовут кўштур; заруратким, итоатда ҳам тафовут кўп бўлғусидур.

Ғараз бу муқаддимотдин буким, чун салотин Тенгри таолонинг баргузида ва азизроқ бандаларидур ва эхтиёжлари ва муддаолари ўзга бандалардин кўпрақдур. Муқаррардурким, ниёзу хоксорлиғлари ҳам ва амру итоати ҳам аларға кўпрак керак ва жамиъи итоатни ҳазрати рисолат саллаллоху алайҳи ва саллам ўз жоддаи шаръиға муқаррар қилибтур. Ҳар киши шаръ жоддасиға росихроқ – Тенгри таоло била пайғамбар алайҳуссаломға мутеъроқ ва муроди ҳосилроқ ва балиётдин эминроқ.

Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам буйурубтурким, *“Ризоур-рабб фи ризоил-волиди ва сахту бир-рабб фи сахтил-волиди”* яъни, Тенгри таоло ризоси ато ризосиға вобастадур ва Тенгри таоло ғазаби ҳам ато ғазабиға вобастадур. Бас, киши ато ризосини ҳосил қилса, Тенгри таоло ризосини ҳам ҳосил қилмиш бўлғай ва ато ғазабиға учраса, Тенгри таоло ғазабиға учрамиш бўлғай. Мундоқ бўлгондин сўнгра киши нечук ато ризосдин айру дам урғай ё қадам қўйғай. Ва машойих раҳимахумуллоху сўзидурким, *“ва..лидука раббука”* яъни, отанг парвардигорингдур. Бу жиҳатдинким, Тенгри таоло сени йўқдин бор қилмоққа васила улдур ва туфулиятдин шабоб синниғача парвариш бергувчи ул. Ва Ҳаким Сулаймон алайҳи-р-рахмату ва-л-туфрон сўзидурким, ато кодири қаййум, ано розиқи мақсум. Ва Адиб Аҳмад раҳматуллох дебдурким:

Атодин хато келса, кўрма хато,  
Савоб бил хато қилса доғи ато,  
Атонинг хатосини билгил савоб,  
Сени юз балодин қутарғай худо.

Иброҳим Ҳалил саловоту-р-рахмону алайҳнинг атоси бовужди улким Озари буттарош эрди, ул Ҳазрат атосиға насиҳат қилурда нидо келдиким: “Таъзим ва мулойимат била насиҳат қил!” Ва Юсуф алайҳуссалом Яъқуб алайҳуссаломға сахв юзидин бир тарки адаб қилгон учун бовужуди нубувват ваъда будурким, сойир анбиёдин етмиш йилдин сўнгра биҳиштга киргай. Ва Ҳомким, Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғлидур, ул ҳазратқа адаб тарки қилди, ул ҳазрат доуси била ранги қаро бўлуб, пайғамбарлиқ анинг наслидин мункатеъ бўлди.

Ғараз бу муқаддимотдин улким, бу банда дойим сизга давлат-хоҳлиқ сўзин айтибмен ва сизни умру давлатдин бархурдор тилаб,

дуо қилибмен ва бир номуносиб ишким, сиздан кўрубмен, сизга айтибмен, балки китобларимда насиҳатномалар назм қилиб, арзингизга еткурубмен.

Бу учурда бир неча иш сизинг тарафингиздин эштилдиким, вожиб кўрунди сизга арз қилмоқким, борча Мирзонинг жонибининг рийоатидин ғофил бўлгон чоғлиғ кўрунди.

Бир улким, вилоят молин машваратсиз олилибтур ва бу маъхуд эмас эрди. Ҳеч уч-тўрт кун эмаским, бир кишингиз келмас, агар имойи қилсангиз эрди, йўқ дейилмагуси эрди.

Яна улким, битибсизким: “Астрободқа киши йибормангким, бермагумдур”. Бу мазмунни ҳам мулойимроқ битий олур эрдингиз. Ва “Ироқ вилоятларин улошибмен, деб, битибсиз. Иншооллох, Ироқ иликка киргай. Кирмасдин бурун, Мирзо била бир-икки қотла сўзлашмай, арз қилмай бу иш қилилмиш бўлса, ўзга элдин ажаб бўлмаса, сиздин ажаб вокеъ бўлубтур.

Булар ҳам саҳлдур. Аркони давлатингизнинг сақолин қирқтурмакнинг қабоҳатини агар мулоҳаза қилсангиз, шойад топқойсизким, ажаб иш вокеъ бўлубтур. Керак эрдиким, шаръ риюяти учун ўзунгиз ҳам оз ё кўп қирқмасангиз эрди, то анга не етгайким, элингизнинг ҳам қирқтурғайсиз. Мунда кўп сўз бор, деса бўлмас.

Яна улким, бир нишонингизни келтурдилар, туғросида Мирзо отини битимайдурсиз. Сизингдек оқил, хуштабъ, мусулмонваш йигитдин мундоқ нималар раво бўлғайму? Агар бу нишонни билиб битибсиз, не ҳисоб била бўлубтур?! Агар мунший ё ғайр саҳв қилибдур, нечук ҳар нишонни ўзунгуз кўрмай бир ерга йиборилгай?!

Ато била ўғулдин ато била ўғул аросида фарқлар бор. Бойсунгур мирзо ўғлонларидин Бобур мирзодек эрмас эрдингизким, кўп шафқат кўрмамиш бўлғайсиз; Улуғбек мирзо фарзандларидин Абдуллатиф мирзодек ё Жаҳоншоҳ мирзо ўғлонларидин Ҳасаналидек – Тенгрилик ўртададур. Сизинг кўпрак ишингиз аросида бу фақир эрдим, борчадин соҳиб вуқуфмен. Сиз дойим борча махдумзодаларнинг махдуми ва Мирзонинг севуклути ва курратул-айни эркансиз. Ўзунгиз билурсизким, Мирзонинг мо физ-замирин нисбат сизга бу фақирдин яхшироқ киши билмас. “Билла..ҳи-л-ъалий-йи-л-ъазим”ким, ушбу битгандек маълум қилибмен.

Ҳолоким, Астрободни бериб, яхши навкарлар қўшуб, сизни йибордилар ва бу хабарлар Ироқдин келди ва яна кўмаклар хаёл қилиб эрдилар. Ҳам махдумзодалардин, ҳам беклар ва ичкилардин



ва ҳам сойир халқ сиздин андоқ кўз тутар эрдиларким, агар Ирок вилояти фатҳ бўлса, дағи хидматкорлиғ ва бандалигингизни улуг-рок қилғайсиз. Ҳануз ҳеч ерда ҳеч нима йўқ, бу навъ суратларким, зоҳир бўладур – сиздин ҳайфдур.

Мирзога Темурбек тўртунчи насабдур. Мирзо хутбада бекнинг шариф руҳига масжиди жомеъда ҳар одина куни дуо қиладурлар. Бу ишта Мирзога ҳам дуодин ўзга не келгай? Сиз нишонингиз туғросидин Мирзонинг муборак отин чикорурсиз! Керак эрдиким, Ироқдин Макка, балки Мағриб заминғача олсангиз бу воқеъ бўл-маса эрди. Агар Мирзони заиф хаёл қилибсиз – Тенгри таоло кавийдур. Фарзанд керак заифлиғда атосиға хидмат маҳалин топтим, деб, жонсипорлиғ қилса.

Биллох, Мирзонинг азиз боши ва сизинг азиз бошингизким, бу арзадошт битилган тарихдин йигирми кундин бурунроқдин бери сабоҳдин туш вақтиғача, пешиндин акшомғача ўлтуруб, онча иш қилурларким, неча девон, неча нависанда, неча бахши, неча парво-начи жонларига етиб, юз ҳийла била кутулурлар. Бу маънидин фарзанд Мавлоно Дарвеш Муҳаммад соҳиб вуқуфдур, бу навъким, ўзлуги била борча ишнинг накиру китмириға етишиладур. Агар ўтган авқот мунингдайки бўлса эрди, не ишларки бўлмағай эрди.

Соҳиб давлат салотин мушфик давлатхоҳ қулларининг беғараз сўзларига кирибтурлар. Ўзунгуз билурсизким, Мирзо тобуғида бу кул не навъ сўзларга густохлиғ қилибмен. Сизинг доғи қошингизда ҳамул дастур била воқеъ бўлубтур. Ёшингиз узун бўлсун. Андоқ кам воқеъ бўлубтурким, бу қулнинг сўзин рад қилмиш бўлғайсиз. Эмди дағи бу қулнинг жони куйганда, ўзгаларнинг этаги куймас. Бу бир неча сўз густохлиғ қилилди. Умид улким, қабул тушгай. Тушмаса, бу банда айтур сўзни бўйнузмдин адо қилмиш бўлғаймен.

Тенгри таоло тонукдурким, бу арзадошт Мирзо буйруғи била эмас, балки, вуқуфлари ҳам йўктур. Хаёлингизга келмайгайким, буйруқ била битилиптур. Чун сизинг тобуғунгизда айтурча давлатхоҳлиғ сўзини айтурға маъмурмен. Ул жиҳатдин густохлиғ била арзадошт битилди.

## 56

Куллук арзадошт улким, бир неча сўз хотирға келиб эрди, арз қилмоғи вожиб кўрунди.

Аввал улким, илтизом қилилсаким, эрта уйғониб, намоз қил-лса, агар эшикта масжид таъйин қилиб, фарзани жамоат била қи-

лилса – худ фабиҳо ва илло беш вақт намоз бори тарк бўлмаса, борча масжидда муйассар бўлмаса, баъзи бори бўлса.

Яна улким, алас-сабоҳ ҳарамдин чиккач, девонда ўлтуруб додхоҳ сўрулса, дағи додхоҳ сўрарда ўзлук била мапгуллуқ қилилса, агар бир мазлумға бировдин зулме ўтган бўлса, золимға андоқ сиёсат қилилсаким, ўзга золимларға мужиби интибоҳ бўлса.

Яна улким, додхоҳ иши тугагондин сўнтраким, шелон ҳам бар-тараф бўлур, ичкихона таъйин қилиб, анда ўлтуруб, аркони давлатни тилаб, мулк ва мол иши айтилса, ўзлук била борчаға етилса.

Яна улким, аркони давлатқа ҳар ишким, буйрулур, агар бутмаги бир кун муйассардур, агар икки ё уч кун – андоқ муқаррар бўлсаким, бот бутардек ишни ҳамул кун арз қилиб, жавоб олсалар. Кечрак бутар ишни тонгла ё индиндин ё миоддин ўткармасалар. Ҳар кун не миқдор бутганин келиб арз қилсалар. Агар баъзи ҳукм йўсуни била миоддин ўтқориб, арзга еткурмасалар, аларға андоқ хитоб бўлсаким, ўз ишларидин ғофил бўлмасалар.

Яна улким, умид улдуким, Ҳақ таоло чоғирдин куллий тавфик бергай. Агар бу учурда иртиқоб қилилса, албатта, пешиндин бурун бўлмаса. Икки намоз орасида бунёд қилилсаким, уйур чоғ маъхудий уйқу вақти бўлса, тонг намози фавт бўлмаса. Бори борча ҳол била ҳар неча ичмак ишида эҳтиёт, балки таъхир вожиб билилса.

Яна улким, мулк ва мол ишидин, баса додхоҳ ишидин фароғат ҳосил бўлса, малолат дафъи учун китобхонаға кирилса, кутубхона аҳли била машғуллуқ қилилса, наввобдин ҳар қайси муносиб кўрулса, таворих ўқумоқ буйрулса, батахсис “Зафарнома”, агар маъшойх сўзи ё баъзи даввоиндин дағи гуфту шунуфт бўлса, номуносиб эрмас.

Яна улким, судурға ҳукм қилилсаким, эшиқда ободон имом била муқри таъйин қилсаларким, салоти хамсни тамом қойим тутсалар; дағи мухтасиб таъйин қилилсаким, элни намозға тарғиб қилса.

Яна улким, ҳафтада икки кунким, эшиқда акобир жамъ бўлурлар. Ҳофиз Муҳаммад Санойиға яхши эҳтиром қилилса, балки буйрулсаким, яқинроқ ўлтуруб, шаръийа умурни қатъ қилса, то муборақ хотир ул бобда дағи мулойимат пайдо қилса.

Яна улким, Ироқ мамлақатиға фаҳмлиқ, хушлуқ кишилар йибориб, дойим хабар тутула турулса. Арз қилур йўсунлуқ хабарларни арзадошт қилиб, юқори йиборила турулса, ул бобда не ҳукм бўлса, анга кўра қилилса.

Яна улким, шахр эҳтисоби амрида яхши эҳтимом қилилса, андоқким, шаробхона, байтул-латаф ва қиморхона – буларға ўхшар номашруъ умурни куллий манъ қилилса. Мухтасиблар ҳафтада икки қатла бозор аҳлининг нархларидин вуқуф топсалар.

Яна улким, судурларға ҳукм бўлсаким, шахр масождин эҳтиёт қилиб, имом ва муаззиндин маҳалла аҳлин сўруб, балким ҳаг олиб, намозға тарғиб қилсалар, ағар фиску фасод аҳли бўлуб, алар амри маъруф қилолмасалар, арз қилсалар, то судур шаръ йўсуни била аларни манъ қилсалар.

Дағи ҳар масжиднинг имомига таъйин қилилсаким, ул маҳалла аҳлининг ўғул ва ушоғиға мактаб тутуб, нима ўқутсалар.

Яна улким, бу дастур билаким, шахрда таъйин қилилуру булуқот улугларидин Хожа Фахруддин бошлиғ борчаға бу дастур била муқаррар қилилсаким, булуқлар кент-бакент бу навъ амал қилсалар.

Яна улким, судурға ҳукм бўлсаким, вилоят авқофидин хабардор бўлсалар, бузулғонин тузсалар, мутағаллиба илгида бўлса чиқориб, ҳосилин масрифига еткурсалар. Бу ишларким, судурға буйрулуру Хожа Фалонни дағи ҳукм бўлсаким, алар ишидин хабардор бўлуб, аларға мадаққорлиғда тақсир қилмаса.

Яна улким, Ҳофиз Муҳаммад Санойи ғаниматдур, шаръда анинг қавлиға қувват берилсаким, шаръға мужиби тарвиж бўлса. Баса масжиди жомеъға бормак тарк бўлмаса. Мунда кўрулгондек дастур била масжиди жомеъда масоили шаръийа мазкур бўлса.

Яна улким, девон бекларига ҳукм бўлсаким, ҳар кун девонда ўлтуруб, мусулмонлар ишин яасалар, бу кунги ишни тонғлаға қўймасалар.

Дағи сорт девонлар ҳам раоё ишин ўзлари қила олурчани қилиб, қила олмасни арз қилиб, ҳукм олсалар.

Яна улким, тавочи бекларига ҳукм бўлсаким, мол девониди муҳр босар беклар дастури била ясоғлиғ ишга машғуллуқ қилсаларким, анда дағи иш фавт бўлмаса.

Яна улким, шахр доруғасидин беклар била Хожа Фалон андоқ соҳиб вуқуф бўлсаларким, жузвий ишдин куллий имдод олмасалар. Ва мужримдин жаримасига кўра журмона олсалар.

Яна улким, бир муносиб киши таъйин қилилсаким, Мирзом давлат била девонда ўлтурғонда ҳар ишким, воқеъ бўлуру, борин қаламий қилиб, рўзномада сабт қилилса, дағи тарихин битилсаким,

қачан ул ишни эҳтиёж билмак бўлса, мазмуни ва тарихи маълум бўлса.

Яна улким, бекларга ва девонларга баса парвоначи ва муҳрдор муншийга ҳукм бўлсаким, мусулмонларнинг нишонин ортуқ тамаъ била кечга қўймасалар, шаръий ва қавлий нишонни бир чорсу муҳри била ҳукм бўлган кун-ўқ бутқариб берсалар. Куллийрак нишонларни дағи қилаолганча ҳукмдин қўрқуб, ботроқ бутқарсалар.

Яна улким, мажлис куруб, чоғир ичарга кўп хирс кўрсатилмаса, агар аҳёнан биз-зарура воқеъ бўлса, наввобга муқаррар қилилсаким, ҳукм бўлмағон киши мутлақо муртакиб бўлмаса, то мажлисда фил-жумла тартибе маръий бўлса.

Яна улким, юқоридин ҳар навъ ҳукм етса, агар куллий ва агар жузвий – вақтда ҳукм йўсуни била ишга файсал берилмай, ҳеч ишга шуруъ қилилмаса, агар қилғулуқ иштур ҳам ҳукм йўсуни била қилилса, агар муйассар бўлмас бўлса ҳам жавобин бот арзадошт қилиб йиборилса.

Яна улким, ҳар турлук арзадоштим, юқори битилса, “насхталик” хати била андоқ хона битилсаким, ўқурда ўқур кишига ташвиш тегмаса, “туркча” хат била худ асло битилмасаки, бу бобда дағи қавле бор. Ҳар сўзким, арзадошт қилилур улча имкони бор машруҳ битилса, ҳар ишнинг тарихин не ой, не кунда экандур андоқ битилсаким, ул мақсудда ҳеч иштибоҳ қолмаса.

Яна улким, атроф ва жавонибдағи элнинг арзадошти келса, бот узотур элни кўп мавқуф қилилмаса. Ҳар қайсиға ўз хўрд ҳолиға кўра илтифот қилиб, батахсис, Мир Зайнулобиддин жонибиким, риойати бағойат вожибдур, мундағи илтифот дастури била алар жонибин дойим риойат қилилса.

Яна улким, ул вилоятнинг бир куллий иши даҳоналарнинг забтидур. Бу маҳалдаким, кўнгул тиламасдек амре воқеъ эмас, даҳоналарда андоқ мазбут кишилар қўйуб, андоқ мустаҳкам ва мазбут қилилсаким, наузу биллоҳ, агар амре ҳодис бўлсаки, мужиби тараддуди хотир бўлса, даҳоналар тарафидин хотир биккуллий жамъ бўлса.

Яна улким, иш-кучга андоқ машғуллуқ қилиб, ғавриға етилсаким, аркони давлатдин ҳар қайсиға иш буйрулса миоддин ўтқара олмасалар, тағофил била ичкуга машғул бўллуб, эшикка келиб арз қилмасдин эҳтироз қилсалар.

Яна улким, отланмоқ, тушмак, ов ва кушқа машғуллуқ қилмоқ кўп бўлмаса, ул бобда эътидол риойат қилилса, то ул индин зарурий иш-куч фавт бўлурға боис бўлмаса.

Яна улким, Мирзо навкарлариким, анда куллуқа машғулдурлар, Мирзо навкарлиги ҳайсийатидин иноят ва ҳурмат алар бобида кам бўлмаса. Лекин, агар беқоидалиге бириндин зоҳир бўлса, бозхост ва сиёсатда маъзур тутулмаса.

Яна улким, тавочи бекларига ҳукм бўлсаким, ётиш элин мазбут таъйин қилиб, ётиш тавочиси ҳар кун аларнинг ётишиға келган-келмаганин яхши тергаса, то ётиш иши фавт бўлмаса.

Яна улким, девонийларға ҳукм бўлсаким, атрофдин келган бозиргонлар жонибин риойат қилсалар. Ул вилоятда “тамға” лафзи мазкур бўлмаса. Закотни шаръ ва ҳукм йўсуни била алардин мустахлас қилилса. Закотчилар ишидин бавожиби моҳ бамоҳ, балки ҳафта баҳафта вуқуф топиб, арзға еткурсалар. Жузвий жарима қилғонни куллий сиёсат қилилса бок йўқтур, то бу овоза олам мамоликига ёйилса, тужжорнинг ружуъи кўпрак бўлса.

Яна улким, мундин ортуқ жузъийоти арз қилилса, шойад мутолааси мужиби калоли хотир бўлғай. Аммо, саъй қилилсаким, жамъи умурда Тенгри таоло ёдидин ғофил бўлулмаса. Мирзони доғи кўрулса, то бу икки иш мужиби саодати дину дунйи бўлса.

Илтимос улким, бу арзадоштни Мавлоно Дарвеш Муҳаммадка топшурулса ва ҳар икки-уч кунда бир қотла тилаб, мулоҳаза қилилса, дағи ҳукм бўлсаким, агар муборак хотирдин нўшида бўлуб, тиламак унутулса, ул ўзи тиламай дағи ҳар икки-уч кунда келтуруб, тобуғда арз қилса, дағи бу фузулдин ҳар қайси ишким, арз қилғон йўсунлуқ суврат боғласа, ани шарҳ била иноят қилиб, битиб йиборилсаким, Мирзо арзиға еткурулса, вассалом.

## 57

Куллуқ арзадошт улким, иноятномангиз бу бандаға мужиби сарафрозлиғ бўлди. Ҳамиша банданавоз бўлғайсиз.

*Б а й т:*

Ётишти рукъангу овора қилди кўнглумни,  
Не рукъа эрдик, юз пора қилди кўнглумни.

Давлатингиз мустадом бўлсун, омин.

## 58

Ул қатор теваким, хижрон кунида ашким қатралари қаторидин намуна бўлғай ва ул оқ уйким, фироқ айёмида сиришким селоблари хубобидин нишона бўлаолғай – етишти. Ул бири раҳмат малойикидин ашраф ва бу бири сипеҳр саодатидин арфаъ кўрунди.

*Маснавийъа:*

То фалак бухтилари тузғай қатор,  
То тўлун ой оқ уй этғай ошкор,

Сорбонингга ул ўлсун боркаш,  
Бу бири фирошинга хиргоҳваш.

## 59

*Байт:*

Кўнглума келмас хазони боғ аро норанж хуш  
Ким, хазони ҳажр аро бўлди юзум норанжваш.

*Байт:*

Хазоний боғ аро ул ой тану чехрамни кўрган чоғ,  
Дегайким, бир куруқ шох узра қолмиш бир сориг яфроғ.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, банданавозлиғ қилиб йиборган инойатнома етишти, дурри обдордек маонийси фироқ ўтиға сув урди ва лаъли шохвордек алфози кўнгул жароҳатиға жавҳари руҳ еткурди.

*Байт:*

Нома эрмас эрдиким, таъвизи жон эрди манга,  
Ҳажр тиғи қатлидин хатти амон эрди манга.

Ўзунгуз унутмай, гоҳи Мирзо тобуғинда соғиндурсангиз.

*Байт:*

Аввалғи: Ўлук танимға жон бермақдур.  
Иккинчи: Ҳаёти жовидон бермақдур.

Икки дуний саодати муйассар бўлсун.

*Рубоийй а:*

То ҳажр асиру дилфигор этти мени,  
 Дашт узра куйундек ошкор этти мени,  
 Девона мисолу беқарор этти мени,  
 Саргашталик ичра хоксор этти мени.

Куллуқ арзадошт улким, инойатномаеким, саводи зулматидин ҳижрон тиғи катиллариға зулоли зиндагоний еткургай ва сафҳаси баёзидин фирок туни шаҳидларига субҳи ҳаёти жовидоний кетургайки, бу заррани мазмунидин куёшқа еткуруб эрдингиз ва бу туфроғни фалақдин ўткариб эрдингиз – етишти. Заиф танға боиси қувват ва наҳиф жонға мужиби сихҳат бўлди.

*Байт:*

Бу наъв руқъа била гоҳ-гоҳ ёд айланг,  
 Шикаста хотиру вайрон кўнгулни шод айланг.

Мундағи мулозимлар била раойо хушвақтдурлар. Умид улким, кундин-кунга яхшироқ бўлғайлар. Абадий давлат мустадом ва сармадий саодат бардавом бўлсун, омин, ё Раббал-оламин.

## 61

Бадномлиғ майхонасининг азалий сармастлари ва бесаранжом-лиғ паймонасининг ламйазали майпарасатлариким,

Шарибна ала зикри-л-ҳабиби мадамаҳу  
 Сакарна биҳа мин қабли ан йахлуқа-л-киром.

аларнинг нағмаи руди ва

Риққату-з-зужажу ва риққату-л-хамр,  
 Фаташабиҳа ва ташакили-л-амр,  
 Факааннама хамрун вала қадахун,  
 Ав кааннама қадахун вала хамрун.

буларнинг таронаси сурудидурур.

*Рубоийй а:*

Исмат ҳарамида жилвагоҳинг бўлсун,  
Иффат чамани ҳарими жоҳинг бўлсун,  
Иқбол сипехри хоки роҳинг бўлсун,  
Тенгри бори ҳолатда паноҳинг бўлсун.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, мулозамат муфорақатининг шиддати шарҳи қалам таҳририга келмас ва убудият муҳожаратининг суубати баёни рақам таҳририга сиғмас.

*Байт:*

Бировки васл насими тарабфизодур анга,  
Чу кадрин англамади, ҳажр ўти сазодур анга.

Умид улким, иноят чаманидин васл насими эсиб, фироқ туфроғининг хасу хашокин учургай ва ҳидойат булутидин курбат ёғини ёғиб, ҳижрон ўтининг аҳгар ва шуъласин ўчургай.

Бу фақир бу вилоятқа келганда воқеъ бўлгон ишлар кайфиятин юқори арзадошт қилиб, фалонни йиборилди. Ул бобда иноятни кам қилмай, дорандани ботроқ узотурға мулозимлар ҳокимдурлар.

*Байт:*

То Зухалдур, қошингда кул бўлсун,  
То қуёшдур, бошингда эврулсун.

## 63

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким,

*Байт:*

Хазони ҳажр аро қолдим йироқ баҳоримдин,  
Юрурмен итдек улуб айру шахриёримдин.

## 64

*Байт:*

Истарам Луқмон киби касб айласам паррандалиқ,  
То етиб ул остонға, зоҳир этсам бандалиқ.

Куллуқ арзадошт улким, Луқмон келди, иноятномаларким сойир кулларга воқеъ бўлуб эрди – еткурди. Борчанинг боши тафохурдин кўкка етиб, Мирзонинг давлатлари дуосин бажо келтур-



дилар. Мундаги сойир ҳолотни арзадошт қилиб йиборган учун мукаррар битилмади.

Ём отлари била ёмхоналар иши бузукдур, ул бобда қуллар тобуғида сўз арз қилилибтурур. Арзадошт қилсалар, умид улким, мустахсан тушгай, деб қуллуқ арзадошт битилди.

## 65

*Рубоийя:*

Эгнимни мушарраф айлади хилъатингиз,  
Жисмимни муаззаз айлади кисватингиз,  
Кўнглумни хуш этти руқъаи шафқатингиз  
Ким, кундин кунга ортсун давлатингиз.

Ташрифотеким, иноят бўлуб эрди – ҳижрон дўзахида азоб тортадурғон урён жисмга висол биҳшитидин раҳмат ҳуллаларидек ёпилди ва ийд шоми ятим атфол мунгга қолғондек, яланг пайкарға иноят махзанидин каромат деболари келди.

Арз улким, мулозамат муфорақати шарҳи чун вараққа мужиби туташмоқ ва қаламга андуҳ шуъласи бошдин ошмоқ эрди – ложарам ул бобда шуруъ муносиб кўрулмади.

Икки дунйи давлати муйассар бўлсун.

## 66

*Байт:*

Фироқ ароки, етар кўкка шуълаи оҳим,  
Бу ўтқа, оҳ, агар раҳм қилмаса моҳим.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, иноят нишони билаким, бу қулунгузни ёд қилиб эрдингиз – мужиби сарафрозлиғ бўлди. Тенгри таоло давлатингизни ортурсун, ёшингиз узун бўлсун.

*Байт:*

Гамим еткурди мингдин бирга руқъанг  
Ки, бергай Тенгри бир ёшингга минг ёш.

Битиб эрдингизким, Мирзо тобуғида камина қулни ёд қилиб йиғларбиз. Ёд қилурунгузга розимен, йиғларингизга йўқ.

*Б а й т:*

Дема, хажрингдин манга одат бўлубтур йиғламок,  
Шод бўл сенким, манга қисмат бўлубтур йиғламок.

Давлат бардавом ва саодат мустадом бўлсун.

67

Руқъаеким, сафҳаси баёзи мажруҳ кўнгул жароҳатиға кофурий мархам еткургай ва номаеким, саводи нуқтасидин оқорғон кўзга мардуми бийно кетургайким, бу хижрон дарди бечорасин ва фироқ дашти оворасин анинг била мукаррам қилиб эрдингиз – етти.

*Р у б о и й й а:*

Мазмуни била кўнглум ўти кам бўлди,  
Алфози била замир хуррам бўлди,  
Ҳижрон сўзи гарча мужиби ғам бўлди,  
Васл уммидида шодлиғ ҳам бўлди.

Ҳақ субҳанаҳу ва таоло ул зоти малакий сифотни фалак ҳаводисидин масун ва ул ройи жаҳонройни ҳаводис кудуратидин маъ-мун тутсун.

68

*Б а й т:*

Ҳам тутулмиш жон кўнгулдин, ҳам кўнгул жондин манга,  
Мен аларға хасм, алар ҳам дарди хижрондин манга.

Қуллук дуодин сўнгра арзадошт улким, иноятнамаеким, йибориб эрдингиз – келди.

*Б а й т:*

Йўқ-йўқки, олиб кошимға кўйдум ани,  
Кўзга суртуб, бошимға кўйдум ани.

Агар бу фироқ ўтиға зор бўлғонда ул савод зулматидин оби ҳаёт зулоли келмаса эрди, ул ўтка не нима таскин бергай эрди ва бу хижрон шомига гирифтор бўлғанда ул субҳ баёзидин умид куёши тулуь қилмаса эрди, бу тийраликни не нима ёрута олғай эрди?!

Ҳаётингиз зулоли абадқа дегинча жорий ва давлатингиз куёши киёматкача завол касофатидин орий бўлсун, омин.

*Б а й т:*

Қадим ҳам ўлди айру қошингнинг хилолидин,  
Бағрим су бошқа тушгали қаддинг ниҳолидин.

69

*Б а й т:*

Боғдин келди насиму, гул исин келтурмади,  
Не тиканларким, бу ғам кўнглум аро синдурмади.

Қуллук дуодин сўнгра арзадошт улким, ахтачи келди, мулозимларнинг муборак мизожларининг сихҳати хабари битилмайдур эрди, синук кўнгулга мужиби ғам ва бузук хотирга боиси алам бўлди. Умид улким, ҳақ таоло ул синук била бу бузукдин ул ғам била бу аламни дафъ қилгай.

*Б а й т:*

Даҳр бўлғунча жоҳингиз бўлсун,  
Тенгри дойим паноҳингиз бўлсун.

*Б а й т:*

Етишти қосиду йўқ анда ёрнинг раками,  
Бузук экинга булут келдийу, йўқ эрди нами.

70

*Б а й т:*

Баски ҳижрон ҳар замон кўнглум аро юз ғам солур,  
Ногаҳон кўрса биравни шодмон ҳайрон қолур.

Қуллук дуодин сўнгра арзадошт улким, гоҳ-гоҳ илтифот килиб йиборур иноятномаким, мутолааси фурқат дардиға дофеъ ва мушоҳадаси ҳижрон аламиға рофеъ эрди, бирор нима камрак бўлубтур.

*Б а й т:*

Толеъ агар будурки, кўрармен мени ғариб,  
Андин эмастурур буву юз мунча ҳам ажиб.

Ва лекин:

Лутф агар қилсанг дамодам – бандамен,  
Дамбадам қилсанг жафо ҳам – бандамен.

Аммо, неча дағи мундоғ бўлса, табиат одат қилгон лутфу ино-  
йатни кўз тутар эрмиш ва кўнгул ўрганган шафқати бениҳоятни  
соғинур эрмиш. Исмату давлат боргоҳи гардунсой ва иффату шав-  
кат саропардаси сидрафарсой бўлсун.

*Б а й т:*

Кўзунгни Тенгри дойим шаҳ жамоли бирла ёрутсун,  
Йамон кўздин сени, сендин йамон кўзни йироқ тутсун.

## 71

*Р у б о и й й а:*

Ҳам чарх бисоти арсаи боргахинг,  
Ҳам ой жирми наъли саманди сипахинг  
Ҳам кун сипари қазо ўқидин панахинг,  
Йўқ-йўқки, чарху ойу кун хоки рахинг.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, иноят нишониким,  
туғроси учун куёш олтуни фалак садафида ҳал қилилиб эрди ва  
муҳри учун Муштарий юзига ҳумойун алқоб ёзилиб эрди – етишти.  
Чун ул олий мисолни бошимга кўйдум – мартабада бошим куёш-  
дин ўтти ва саодатда юзум Муштарий юзига етти. Шоҳона хилъат-  
лар мужиби ул бўлдиким, қуллуқ қисватин бири-бири устига кий-  
гаймен ва мукаррар фўта боиси ул бўлдиким, қуллуққа белимни  
икки ерда боғлағаймен ва от сабаби ул бўлдиким яхши от била  
олам аро от чиқарғаймен ва нафис рухут била сипеҳр атласиға бош  
индургаймен. Бу иноятлар жозибасидурким, иродат риштаси била  
тортиб келтурадур ва бу шафқатлар кашинедурким, муҳаббат қул-  
лоби била чекиб югуртадурким, не олий даргоҳ мулозамати орзу-  
сидин қарор бордур ва не ул орзуни қилмоққа ихтиёр.

То сипеҳр бўлғай, ул сипеҳр осо даргоҳ фалак қадарлар сажда-  
гоҳи ва то меҳр бўлғай, ул фалак фарсо боргоҳ хуршидвашлар па-  
ноҳи бўлсун.

*Б а й т:*

Мутеъи амру наҳйинг аҳли олам,  
Алар хайли аро мен нотавон ҳам.

Омин.

*Рубоийй а:*

Гулшанға, насими субҳ, розим еткур,  
 Не роз, ҳадиси жонгудозим еткур.  
 Гул бошиға эврулуб, ўпуб сару аёгин,  
 Кўпдин-кўп куллуку ниёзим еткур.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, фироқ зовийасида оворалиқнинг баёни мужиби кудурат ва боиси малолат бўлғай, деб андин шаммаи изҳор қилмоқ маслаҳат кўрулмади.

Яна арз улким, инойатномаларким, ҳар бири рашки нигорхонаи Чин ва ғайрати бихишти барин эрди – ҳар биридин қарорғон кўзга нур ва бузулгон кўнгулга сурур етишти. Ва улча салтанат дуржининг дурри поки ва хилофат буржининг кавкаби тобноки Султон Муҳаммад Мирзо – таввала умраҳу ва халлада давлатаҳу – бобида битилиб эрди, ул шодмонлиғ шарҳини қайси тил била қаламнинг тахрир қилурға салоҳиййати ва қайси рақамнинг баён қилурға қобилийати бўлғай. Ул дурри гаронмойани Тенгри таоло Мирзом била Бегим учун пойанда тутсун ва ул ахтари баланд сояни ҳақ субҳанаҳу ва таоло Мирзом била Хоним учун тобанда асрасун. Ва давлати абадий ва саодати сармадий пойанда ва мустадом бўлсун, омин.

Мирзом тобуғида куллуқ дуо ва ниёздин сўнгра арзадошт улким:

*Байт:*

Даҳрға берсун мудом мақдамидин зебу зайн,  
 Шоҳ Муҳаммад Бадеъ ибни Музаффар Хусайн.

*Қитъа:*

Талаб баҳорида боғингки, гулбун этти аён,  
 Бу гулбунунгға дағи тоза гуллар очилсун.

Умид боғида экдинг, ниҳолу гул берди,  
 Гулунгни ҳақ карами эмди борвар қилсун.

Бу салтанат авжининг ахтариким, шараф буржидин тулуъ этмиш –партавидин даҳр шабистони равшан бўлсун ва бу хилофат

бўстониинг вардиким, саодат чаманидин жилва қилмиш – тароватидин олам вайрони гулшан бўлсун. Бу нахли баланд пойа волидайнга боровар ва жаддайнга соягустар ва бу дурри гаронмойадин обоға осойиш ва уммаҳотга оройиш.

*Рубоийй а:*

Ҳам шохқа дурри тожи торақ бўлсун,  
Ҳам халққа зилли ҳақ таборақ бўлсун.  
Андоқки, Хуросонда муборақ бўлди,  
Машрикдин Мағрибқа муборақ бўлсун.

*Байт:*

Тирик бўлсам гар, ўзни базми васлинг ичра солғаймен,  
Фироқинг шиддатин дей олмасам, худ йиғлай олғаймен.

## 74

*Рубоийй а:*

Не рукъа эдики мендин ўқсугтали ғам,  
Ёр илгига олиб қаламу сафҳани ҳам,  
Сафҳа лавҳида қаламий қилди рақам  
Ким, хаттига офарин деди лавҳу қалам.

То шафақнинг рангин сафҳаси қуёш муҳрасидин жалий тобқай – ул сафҳа сунъ қотиблари қилкидин шох мадҳи шох байтлари била зевар ва зийнат тобсун ва то ул сафҳа қазо наққошлари сунъидин собиту сайёр била зарафшон бўлғай – шаҳаншоҳ васфи гавҳари шохворлари била зевар кўргузсун. Не икки байт эдиким, икки сарой ҳосилин фидоси қилсам, ҳеч иш қилмаиш бўлғаймен. Ва не назму наср эрдиким, жону кўнгул жавҳарларин нисор этсам, қадрин билмаиш бўлғаймен. Назмининг раъноларида юз ноз ва насрининг зеболарида минг роз.

*Рубоийй а:*

Наср андаки, анжом ила оғоз эрди,  
Ҳар лафзи анинг мойан эъжоз эрди,  
Ҳар турфа хат анда роз пардоз эрди,  
Йўқ айб агар, десам, хатти роз эрди.

*Байт:*

То жаҳондур, умру давлат пойдор ўлсун санға,  
Салтанат тахти уза дойим қарор ўлсун санға.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, иноят нишониди ҳазрат ҳақойиқ паноҳ наввара-л-лоҳу марқадаҳу ва жаъала-л-жанната масва..ху нуран ходисаи вафотларин сўруб эрдилар. Ҳақ субханаҳу ва таоло ул ҳазрат зоти малакий сифотин аҳли олам учун кўч йиллар бокий ва пойанда тутсун ва давлатларининг хуршидини жовиди мазо ва тобанда асрасун. Муборак хотирга равшандурким “*куллу ман ъалайҳа.. фа..н*” каримаси манзуми била ҳар кимгаким, бақо жомидин нашъа етишти, фано хуморини тортардин гузире йўқтур ва “*Куллу шайъин ҳа..ликун илла.. ваъжҳаҳу*” ойати мазмуни била бокийи мутлақ ва ҳаййи барҳақ вужудидин ўзга жамеъ ашға заҳри ҳалок жомин ичардин чорае йўқ. Ва бу фано мақоми бақо дору-с-саломии йўлида бир манзилдурки “Кун фи-д-дунйа каиннака ғарибун ав обири сабилин” ондин хабар берур. Ва аҳлуллоҳким, бу йўлдин ва бу манзилдин огоҳдурлар – ўзларига бу водий қатъини осон ва дори фанонинг бору йўқини яқсон қилибтурлар. Алар бу маҳалли ҳаводисдин “фи мақъадин сидқин ғинда маликин муқтадир”ға роғиброқ ва шавқлари бу соридин эрса ул сори ғолиброқдур.

Аммо фақирларким, аларнинг шариф зотлари баракотидин маҳжур ва жонбахш тақаллумлари оби ҳаётидин маҳрум қолурлар – ҳар ойинаким, мужибии сўғи абадий ва боиси мотами сармадийдек бўлур. Аммо, ул ҳазратдек сўргучи бўлса, кўнгул ғамидин не ғаму хотир аламидин не алам.

*Рубоиййа:*

То жоми бақоға маст бўлғай Жомий,  
Кавсар майидин бўлғай анинг ошоми,  
Шах жоми ичинда бодаи гулфоми,  
Бўлсун тўлаву ҳамипша андин коми.

Анинг тобуғидаким:

Эрур мажмуи султонларға султон  
Ки, эмди Тенгри они айласун хон,

бош уруб, тобуқ анинг жонибидаким:

Хилофат авжида андоқ куён эмас мумкин  
Ки, тахти Санжар уза шох эрур Абулмуҳсин.

анинг остонидаким:

Хисрави пок гуҳар шаънида бўлди марқум,  
Покликдин деб они халқ Муҳаммади Маъсум,

анинг хазратидаким:

Эрур салтанат жисмига нури айн,  
Музаффар Хусайн ибни Султон Хусайн.

Улки шаҳ хидматида мендин ўзин шод этгай,  
Илтимосим буки, гоҳи мени ҳам ёд этгай.

Яъни Сафийабека хидматларида ниёз бирла дуо мажлис аҳли-  
нинг жавоблари:

Шаҳ қошида азизу соҳиб қадр,  
Нури айни замона Саййид Бадр,  
Улки, туғмас атодин андоқ ўғул,  
Якжиҳат банда шаҳга Мири Мўғул,

Шоҳга жонин тилар, этгай нисор,  
Шоҳ Хусайн улки, эрур жонсипор,

Шаҳ давлатидин қадаҳқашу гуҳарпош  
Ким, дерлар ани Муҳаммад Кўкалтош.

Улки бўлғай карам қилиб маъбуд,  
Уйлаким, оти оқибат Маҳмуд.

Шоҳ базмида қадаҳ тутқучи,  
Мир Дарвеш Муҳаммад сувчи.

Улким эрур суруди зоти киби мулойим,  
Бошида йўқ сари мў куллуқдин ўзга қоим,



Улки эгрида туздур оҳанги,  
Яъни устодзодаи чанги.

Яна шаҳ қуллуғида бемуҳобо,  
Надиму ғамгусору банда Бобо.

Яна ёрики софу бегашдур,  
Ҳам вафокашу ҳам жафокашдур.

Анга йўк борча фазларда бадал,  
Фазл аҳлидин отидек Афзал.

Борининг хоксору хоки пойи,  
Ғариби бенаво, яъни Навойи.

Дуо айтиб қилур бу навъ эълوم  
Ки, шаҳ базмида майдин олсангиз ком,

Гар итган итларин ёд айласа шаҳ,  
Мени ҳам айлагайсиз ёд гаҳ-гаҳ.

## 77

### *Маснавиййа:*

Зиҳи рукъанг ҳаётимға васила,  
Кўнгул захмиға марҳамлиқ фатила.

Етиб чун ул фатила бирла марҳам,  
Бутуб қонлиғ кўнгул захмин жигар ҳам.

Мазкур бўлгон рукъаким, илтифотингизға мушъир эрди ва мастур бўлгон номаким, саломатлиғингизға мухбир – маҳзун хотирға андин фориғболлик ва мағбун кўнгулга андин хушҳоллик юзланди. Марфуъ улким, битиб эрдингизким: “Сен мукаррар қилгон ишлар баъзи ёронларнинг номувофиклиғидин суврат тутардек эмас”. Олам аҳлининг муддаолариким, муҳолиф бўлғай бир мақсудқа – мувофиқ ясамоқ душвордур. Аммо, таъби салим ва ақли мустақим шонидин будурким, қила олғонча ўз ҳолиға муҳофиз ва ўз афъолиға мулоҳиз бўлғайким, анинг жонибидин амре вуқуъ

топмағай ва суврате юз кўргузмағайким, индаллоҳ маъхуз ва инданнос маълум бўлғай.

Сиз қила олгонча борчани Мирзо давлатиға муносиб ишларга соий бўлунг. Қилсалар, давлатлари бўлғай, қилмасалар, сизинг нек андишлигингиз натижаси сизга етишгусидур.

*Қ и т ь а:*

Ҳамиша то аносири тўрт зиддайн,  
Қилур таркиби инсоний мувофик,  
Қила кўр маҳзи инсонийятингдин,  
Неким азод эрур они мувофик.

Тавфик рафик бўлсун, омин.

## 78

*Б а й т:*

Меҳри оламтоб агар бўлса жамолинг кўзгуси,  
Кеча ҳам кундуз киби тутқай жаҳонни ёғдуси.

Қуллук дуодин сўнгра арзадошт улким, инойат қилиб йиборган сочикким, қизилидин фироқим тийра кунига юз меҳри рахшанда толеъ бўлди ва окидин ҳижроним қаро тунига минг анжуми дурашанда ломеъ. Ва хулла кирдор хильатким, мажнунлуқ мотамидин чикмоқ нишонаси ва ваҳй осор китобатким, маҳзунлуқ ғамидин қутулмоқ нишони эрди – етишти. Ул икки била висол сармойасидин ғани бўлдум ва бу икки била фироқ бесармойалигидин мустағни. То меҳр фулурийси кўрунғач, анжум дирамлари итғай ва то субҳ хулласи ошкор бўлғоч, кеча палосининг рақамлари кетғай.

*М а с н а в и й й а:*

Қамар бирла хуршиддин муттасил,  
Сочилсун бошинг узра оқу қизил.

Кириб даҳр ташрифи ихсонинга,  
Фалак бош қўйуб хатти фармонинга.

## 79

*Р у б о и й й а:*

Эй тойири давлат, айласанг азми висол,  
Бу чок кўнгулни уз, урубон чанғол,

Бўлсун бирисини айласанг тўъма ҳалол,  
Қолғон бирисини итлари оллига сол.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, бу банданиким, ул даргоҳ куллуғининг ҳавоси ёру диёрдин нуфур ва ул боргоҳ хидматининг муддаоси сабру қарордин маҳжур қилиб, бу вилоятда маскан ва бу сарҳадда маъман туттум, шак йўқки, хулуси акидам натижасидин эрди. Ҳам мавкиби ҳумойундинким, гарди сурмасидин адолат ва нусрат кўзлари равшан ва асокири мансураким, тиглари суйидин фатҳу зафар биёбони гулшандур – бу тарафдаги вилоятда қишлоқ қилдилар.

*Маснавиййа:*

Қишингнинг қори сийми ноб бўлсун,  
Саҳоби қоқиму синжоб бўлсун.

Май ул сийм устида ёқути маҳлул,  
Тутуб ёқут хат соқийи мақбул.

Сен ўл соқийу ул май бирла ҳушҳол,  
Очилғунча баҳори айшу иқбол.

Баҳор ўлди чу бахти комрондин,  
Ани ҳақ айласун эмин хазондин.

Чун бу тавр давлат муйассар бўлди ва бу навъ саодат юз кўргузди – куёш оташи буржға таҳвил қилғондек, ул салтанат сипехрининг меҳри жаҳонтоби қишлоққа кирган комронлигнинг ва арслон мурғзорға чиққондек ул хилофат бешасининг шери ғоби буйла тоққа юзланган шодмонлигнинг таҳнийатин сўрғали ва буларнинг зимнида бу бандаи хоксор ва чоқари умидвор ўзининг сойир куллар жавориға келганин ва умум бандалар силкига кирганин арз қилғали муътамад анис ва муътаман жалис Хожа Ҳофиз Гиёсиддин Муҳаммад Дехдорни остонбўслукқа йиборилди. Умидким, илтифот кўзиға мақбул ва иноят назариға машмул тушгай.

*Маснавиййа:*

То жаҳон бўлса, даҳр шоҳи бўл,  
Даҳр элининг жаҳонпаноҳи бўл.

Васфинг ичра улус тили косир,  
Зотинга Тенгри хозире нозир.

## 80

*Б а й т:*

Бўлмас эрмиш жилвагар сарви хиромоним менинг  
Ким, аёғига фидо бу потавон жоним менинг.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, нишон мазмунидин  
маълум бўлдим, маъхуд мараз зоҳир бўлгандур. Бу хабарни  
ўқуғоч:

*М а с н а в и й а:*

Анингдек беҳабар бўлдум ўзумдин  
Ки, зойил бўлди нур икки кўзумдин.

Кўп урдум дарду меҳнат тошига бош  
Ки, синди ҳар тарафдин бошу ҳам тош.

Ва лекин чун бу мудҳиш хабар зайлида сиҳҳат сўзи битилиб эрди  
ва ул заъф сўнгида шифо кайфийати ёзилиб эрди – ғамгин кўн-  
гулга мужиби таскин ва олом ўтлариға боиси ором бўлди.

*Р у б о и й а:*

Гулдек баданинг бўлуб саломат, ё раб,  
Шамшодинга бўлсун истиқомат, ё раб,  
Бир умр ҳақ айласун каромат, ё раб  
Ким, кирсун аросиға киёмат, ё раб.

Омин, ё Раббал-оламин.

## 81

*Б а й т:*

Не баҳор ўлғайки, бир гул ҳажридин бадҳолмен,  
Уйлаким, булбул хазон фаслида гунгу лолмен.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, иноятномаеким, бу  
фақирға мужиби мувоҳот бўлуб эрди – етишти. Сафҳаси баёзидин  
фироқим шомига субҳи иқбол юзланди ва ҳуруфи саводидин ҳиж-  
роним кунига шоми висол зоҳир бўлди. Аммо, Мирзонинг муборак  
мизожлариға заъф юзланган жиҳатдин ва ул заъфка сиҳҳат бўлгон  
кайфийатдин ҳеч нима изҳор қилилмайду эрди ва ул ҳайсийатдин

шаммае битилмайду эрди. Агарчи, кўнгулга изтироб ва хотирға изтирор юзланди ва лекин, чун бу иш маразнинг озлиғига далолат қилур ва сиххатнинг ботлиғидин хабар берур эрди, бу дағи мужиби нишот ва боиси инбисот бўлди.

Умр асоси мухаллад ва давлат биноси муаббад бўлсун.

## 82

*Рубоиййа:*

Ул даргаҳдин келди расули макбул,  
Афлокдин андоқки, наби килди нузул,  
Фархундалиғига боксалар аҳли укул,  
Ҳам деса бўлур расулу ҳам оли расул.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, инойатномаеким, саф-ҳаси рангинлиғидин жон гулшанида оташин гуллар очилғондин ва обдор лолалар сочилғондин намунае ва рақами ул гулу лола аро-сида мушки ноб сепилган ва сунбули сероб экилгондин нишонае кўргузур эрди – етишти. Гулининг ҳар йафроғи бузулгон кўнглум равсасиға зевар берди ва лоласининг ҳар чароғи қароргон кўзум уйин мунаввар қилди. Инойатларким, қилилиб эрди – аларнинг муқобаласида не шукр дей олғаймен ва не узр бити олғаймен.

То фалакнинг ложувардий атласи қуёш зарриштасидин му-талло бўлғай, кулларингиз эғнига чорқаб тикилсун ва то меҳру ан-жумнинг оку қизил дирамлари сипеҳр атбокини музайян қилғай, бандаларингиз бошиға сочиқ сочилсун.

*Байт:*

Нома ёзгон чоғда бўлмиш эрди хунафшон кўзум,  
Оқ varaқ гулранг бўлди, токи сочти қон кўзум.

## 83

*Рубоиййа:*

Эрмас андин нола била ох ғариб,  
Гурбат истар гар ўлса огоҳ ғариб,  
Тушса киши бир мулк аро ногоҳ ғариб  
Ким, сўрғай ани шоҳи жаҳон – Шоҳ Ғариб.

Куллуқ арзадошт улким, ғарибнавозлиғиким, бу афтодаға му-жиби сарафрозлиғ эрди ва бандапарварлиғиким, бу шикастаға дил-навозлиғ берди, яъни:

Ул рукаъки, сочиб эди кофур уза анбар,  
Ҳар нуктаси мушк эрдийу ҳар нуктаси гавҳар –

етишти. Нуктаси мушкини кўзум мардуми устида кўйдум ва нукталари гавҳарини жон риштасиға чектим, кўз уйи ондин мунаввар бўлди ва жон кулбаси мундин зебу зевар топти. Ул шоҳлар ғарибин Ҳақ таоло ўз паноҳида ва ул ғариблар шоҳин Тенгри таоло мурод жилвагоҳида тутсун.

*Маснавиййа:*

То жаҳондур, санго мурод ўлсун,  
Ишинга дам-бадам кушод ўлсун,  
Ҳам кушодинг мурод сори яқин,  
Ҳам муродинг кушод бирла қарин.

#### 84

То ҳар кеча кўк бинафшазори кавокиб норанжлари била зийнат топар, ул ҳазратнинг сипехросо тахти кавкаб мисол сабот ва давом гулмихлари бирла истиҳком топсун ва то саҳар гулистони куёш сариғ гули била зеб тутар, жаҳоноро маснади хуршид тимсол бақойи локалом гирд болишти била ораста ва мустадом бўлсун.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, то ул ҳумойун мавкиб ғубори кўзлардин йироқ тушубтур, кўзлар фироқ зулматидин тийра бўлуб, ҳамул ғуборни тўтиёликқа топмайдурлар.

*Байт:*

Дедимки, сурма қилай гарди раҳнавардингни,  
Фигонки, топмади кўз тўтиёға гардингни.

Ва то ул рўзафзун давлатлик остон туфроғи юзлардин айрилибтур, юз сори юз кўймоқ учун юз уруб, ҳамул туфроғни кимёликқа топса бўлмайдур.

*Байт:*

Ғубори остонинг не ажойиб кимиё эрмиш  
Ки, рухсоримға онинг ҳажри олтун рангини бермиш.

Чун бу фироқ шиддатидин тақрир ожиз ва бу иштиёқ суубати-дин тақрир косирдур – хома тили равонлиғидин не фойда ва тил хомаси гавҳарфишонлиғидин не натижа? Лоҷарам, бечораларға дуо била қонёб бўлмоғдин ўзга чорае йўқтур ва дардманларға хаёл била ўзини хуш тутмоқдин ўзга давое йўқтур.

То афлоки даввор тўккуз хони анжум дирамлари била музай-йандур, ул дирамлик хонлар мулк фатҳ қилгон жайшинда сочиқ бўлсун ва кавокиби саййор дурусти секка хутутидин муарродурур, ул сода сиймлар очқон кишвар зарробхонасида секкаи адлингга сўкулсун, омин.

*Рубоиййа:*

То Тенгри эрур боқийу олам фоний,  
Тенгри тутсун санга мусаллам они,  
То бўлғай улусқа шоҳлиғ имкони,  
Сан шохқау шоҳ санга арзоний.

## 85

*Рубоиййа:*

Десамки, сўрай сени, не тил бирла сўрай?  
Ё улки кўрай сени, не кўз бирла кўрай?  
Итлар киби махласингни истаб югурай,  
Гоҳи қилибон дуо, сенинг сори хурай.

Бовужуди бу ҳол сўрмоққа дағи рухсат ҳосил эрмас ва кўрмакка дағи ижозат бермас. Аммо, тириклик ғаниматдур. Бу фақир илгимдин келганча саъй қилдимким, бу ерга етмагай, чун тақдир бу воқеага борғондур – суд қилмади ва чун казо бу ҳодисага боис эрқандур – натижа бермади. Эмди мултамас улким, Тенгри таоло тақдирига ризо берилгай ва борча тақирни ўз нафсидин кўрулгай. Дағи қилгон-қилмагон ношойиста ишдин Тенгри таоло ҳазратида тавба қилилғай ва бўлгон-бўлмагон нобойистадин худойи таоло даргоҳида инобат воқеъ бўлғай. Шак йўқтурким, асру бот мақсуд восил ва мурод ҳосил бўлғай, албатта.

Ўзунгузни таскин бериб, ғусса туғён қилгонда Тенгри таоло ёди била бўлуб, “*ла илаҳа иллаллоҳ*” зикрига иштиғол кўргузгай-сизким, оз фурсатда азим ёруғлуғлар етишгай, деб густоҳлик қиллиди, вассалом.

## 86

Даврон базмида ким бир мурод жоми ичтиким, сўнгра юз номуродлиғ хуноби сумурмади ва сипеҳр анжуманида ким бир иззат маснадиға мутамаккин бўлдимким, оқибат юз мазаллат туфроғиға ўлтурмади; абнойи замонға ким бир вафо гули очтиким, алардин

юз жафо тикани бағриға сончилмади; аҳиббойи давронға ким муҳаббат эшиги очтиким, алардин юзига юз адоват абвоби очилмади. Даҳр бозорининг нақди рўйандуддур ва аййом жашнининг шахди заҳролуд. Бу жиҳатдин кўзларин басират шамъи ёрутқонлар дунё сори кўз солмайдурлар ва кўнгулларин ҳидойат зилоли оритқонлар олам меҳрини зарраи кўнгулга олмайдурлар.

Аммо, агарчи, сипеҳр золининг макри бешумордур ва лекин хунари дағи бордурким, нечукким, иззу улосининг мадори йўқтур, банду балосининг ҳам эътибори йўқтур.

Андоқким, жоҳу жалолиға вафо бўлмас, меҳнату малоллиға дағи бақо бўлмас. Басо бандким, анинг зимнида кўп кушодлар ва басо номуродлиғким, анинг сўнгида ўқуш муродлар бўлғай. Яъс қаро шомидин сўнгра субҳи умид тулуъ этар ва баъс зулмати зимнида ҳаёти жовид навиди этар.

Борча ҳолатда шукр вирди забон ва борча малолатда сабр хирзи жон бўлмоқ авлодурур. Ва бу тарийқни алардин яхшироқ ким била олғай ва риоятин ҳам алардин ортуқ ким қила олғай? Тенгри таолоға ибодат ва подшоҳқа дуони мудовамат қилмоқ вожибдур. Умид улким, борча меҳнатлар давлатқа ва борча паришонлиғлар жамъийатқа бот мубаддал бўлғай, омин ё раббал-оламин, вассалом.

## 87

Дунйи давлати андоқки, бемадордур меҳнати дағи нопойдордур. Ҳаводис тигидин нечукким фуқаро кўкси захмнокдур, ағниё бағри дағи чок-чокдур. Душман қасди нишидин агарчи гадолар қутулмади, подшоҳлар ҳам халос бўлмади. Тадбир хасу хошоки тақдир тунд бодидин соврулмой не қилғой? Ҳар не қазодин воқия бўлса, шукр қилмай шикоят қилмоқдин не очилғай? Банда иши Тенгри таолоға тоат қилмоқдур ва анинг борча амриға итоат ва кўпга шукру озға сабру қаноат. Ва эътироз шумдур ва нохушнуддук мазмум. Невчунки, кўп банд борки, мужиби кушойиш бўлур ва баса ранжки, боиси осойиш. Чун, иш ғайб пардасиға чирмолди, ақл кўзидин махфий қолди. Ҳар ойина инсон қуввати муниг идрокига вафо қилмас ва башар ҳар не орзу қилса, ўз беҳбудин билмас, беихтиёрлиғдин халқ иши зорлиғдур ва ихтиёр даъвосин қилмоқ маҳзи беихтиёрлиғ.



Бу учурдаким, шоху гадони Тенгри таоло хости ихтиёрсиз бу сафарга озим килди. Сизни кўрмай борурга ихтиёр йўқлуғидин чора топмай, бечоравор азимат вокиъ бўлди. Соғ-саломат Тенгри таоло паноҳида бўлғайсиз.

## 88

Куллуқ арзадошт улким, Абушаҳма Баҳодирга фарзандғинаси воқеъаси юзлангандин сўнгра шахрга келиб, юқори ўтти. Ул ходиса жиҳатидин ҳазинлиғи беғойат ва ғамғинлиғи бениҳойат эрди. Аммо, чун подшоҳи ислоннинг шафқат била чорасозлиғи борча ғамзадалар дардиға даводур ва марҳамат била банданавозлиғи борча мотамзадалар ранжига шифодур. Умид улдурким, анинг дағи бу жароҳатига марҳаме етиб, андин кўнглига коме етгай ва бу захмиға иложе етишиб, андин жониға ороме юзлангай.

Эй сенинг лутфунг ила шод бўлуб ғамзадалар,  
Жон топиб нафҳаи хулқунг била мотамзадалар.

Ҳақ субҳанаҳу ва таоло подшоҳи марҳаматгустар ва султони бандапарварнинг сойаи давлатин ва зилли шафқатин борча маҳзун бандалар ва мағбун сарафкандалар бошиға пойанда ва мустадом тутсун, вассалом.

## 89

*Рубоийй а:*

Эй тойири бахт, қилсанг ул ён парвоз,  
Ёр оллиға мендин қилиб изҳори ниёз,  
Куллуқдин сўнг сўзни бу навъ эт оғоз:  
К-эй маҳзи сахо подшоҳи банданавоз,

*Рубоийй а:*

Бандангни фироқ сенсизин куйдурди,  
Юз қатл қиличи бошиға келтурди,  
Аъзосиға минг ҳажр тоши ёғдурди,  
Куйдурдийу кўкка кулини совурди.

*Рубоийй а:*

Тиргузмак агар истасанг икромингдин,  
Бир журъа ҳавола айлагил жомингдин,

Масрур этгил бу махзунни инъомингдин,  
То баҳравар ўлсун карами омингдин.

Чун ул вилоятдаги бандага тааллуқ маҳсулдин ҳарне ҳосил бўлуб келсаким, борча маошка мадад берур, ё мубаррот буқъалари такмилиға имдод еткурур – фақир ул ҳазратнинг иноъомига ҳисоб килибмен.

Бу учурдаким, Мавлоно Худойбердини бу иш учун куллуққа йиборилиб эрди, дойим киладурғон иноят ва саъйни бир қатла соғиндурмоқ вожиб эрди. Ул сабабдин бу журъат ва густохлик қилилди.

*Рубоийя:*

То чархдурур амринга чокар бўлсун,  
То дахрдурур санга мусаххар бўлсун,

Лутфунг ҳам улусқа файзгустар бўлсун,  
Зотинг ҳам ўзига бандапарвар бўлсун.

Омин.

## 90

*Рубоийя:*

Етти манга давлат рақами тархондин  
Ким, келтуруб эрди бандага султондин,  
Ҳам кўнглум умидвор бўлди жондин,  
Ҳам жонға висол ўлди тамаъ жонондин.

Бу иқбол нишониким, бандага етишти – махмурға етган бодаи тахуро мисолғаму ўхшатайин ё биёбандаги ташналаб махрурға йўлуққан жоми зулолғаму нисбат килайин? Тилга мазкур бўлгон ва қаламға мастур қилгон будурким:

*Байт:*

Илоҳи, жоми васли дилфурузи,  
Мени лабташнаға бот айла рўзи.

## 91

Дину давлат арбоби ва мулку миллат асҳоби ҳазратларида фақири ҳақирнинг арзадошти улким, бу фурсатда сулук бодийасининг раҳнаварди ва фақру фано зовийасининг соҳиб дарди ва

шавку муҳаббат шевасининг комили, яъни, руқбаи ниёз ва ихлос ҳомилики, муддате бу фақирлар баданига Масихосо мақолоти била жон кийурди ва руҳафзо мулоқоти била ҳайоти жовидон еткурди ва ул саодатманд кишвар ва диёр ва ул равза монанд билод ва ҳисор сори мутаважжих бўлди.

Илтимос улким, ҳар қайон Хизрвор кадам урса, хужаста мақдамини боиси нишот ва сурур билгайлар. Ва ҳар қайда Давудосор дам урса, фараҳбахш дамини мужиби инбисот ва ҳузур тасаввур қилгайлар.

*Б а й т:*

Гарчи бизга бўлди рўзи ҳажридин дарду малол,  
Муғтанам тутсун висолин топса ҳар фархунда фол.

Ҳақ субҳанаҳу ва таоло дарвешдўст подшоҳлар сойаи иқболин дарвешлар бошига мустадом ва ғарибнавоз аҳлижоҳлар сармойаи жоҳу жалолин ғариблар сарвактига бардавом тутсун, омин, вассалом.

## 92

*Р у б о и й й а:*

Эй нафс ҳавосига гирифтор ўлгон,  
Шайтон ишига ишинг намудор ўлгон,  
Ҳам зуҳд ила иззатка сазовор ўлгон,  
Ҳам фикс ила олам элига хор ўлгон.

Эй саргаштаи худрой ва эй бахти баргаштаи бесарупой, ул вақтдин бериким, мазаллат туфроғидин рўзгоринг чеҳрасин супурдум ва меҳнат дашти саргардонлиғидин паришон хулқунгни йиғиштурдум. Агарчи кичик эрдинг, аммо андоқ эрмаски, хотирингдин маҳв бўлмиш бўлғай ва агарчи тифл эрдинг, андоқ эрмаски, замирингдин унутулмиш бўлғай.

Ҳаётимни сенинг тарбийатинга машғуф ва авқотимни сенинг муҳофазатингга масруф қилдим ва фарзандлигинг ракамини хотиримга муҳаррар ва оталиг меҳру шафқатин ҳолингга муқаррар эттим. Ойу йилда бир кун, балки кечалик-кундузлукта бир соат аҳволингдин ғофил бўлмадим ва риоятинг қондасин эл кўргудек туздум, балки кўрганлар рашк юзидин ҳасад егудек кўргуздум. Зоҳирингни аҳли зоҳир фунун ва фазойили била ораста ва бо-

тинингни аҳли ботин ҳақойиқ ва маорифи била пийроста бўлурға саъй қилдим, то рўзгоринг покиза ойин ва даъб ва шиоринг тавозеъ ва тамкин бўлуб, аквол ва афъолинг тақво ва тоат била маъмур ва иштиғол ва хисолинг одабийлиғ ва инсонийят била машхур бўлди. Ва подшоҳи исломнинг фирдавс ойин базмида илтифот ва эҳсонға абнойи рўзгордин мумтоз ва мулоямат ва иноъомға аҳли замондин сарафроз бўлдунг. Шахзодалар мажлисида аржуманд ва озодалар субҳатида сарбаланд ва ўз фанинг аҳли мутеъ ва фармонбардор, балки ходим ва шогирд кирдор. Ва бу фақирнинг фарзанди аржуманд кўрмагим ва риойатингни авлод монанд, балки акбод пайванд маръий тутмоғим шоҳу гадо оллида возиҳ ва яхшиёмон қошинда лойиҳ бўлди.

Аммо, дўстларим насиҳат юзидин ишъор қилурлар эрдиким, хар муҳра тожға тикилган била фируза бўлмайдур ва мийпойи шиша бўйунға оскон била зумуррад ўрнин тутмайдур. Ва душманларим таън ва киноят била кулоғимға урарлар эрдиким, хўйнинг нопок суйин саъй била обиҳайвон қилурмен, деган ва кеча ишнар куртнинг тийра пайкарин жаҳд била хуршиди рахшон ясармен, деб, ҳарза хаёл қилгон басоки хижолат бармоғин тишлагай ва пушаймонлиғ овучин бир-бирига қоққай. Ва бу фақирни ғофил дўст сўзи била мутанаббих ва душман таъни била мутақоид бўлмай, сенинг тарбийятингға кундин-кунга устиворроқ ва риойатингға лаҳзадин-лаҳзаға беқарорроқ эрдим, то ишинг ул ерга еттиким, Фисоғурс ҳаким замонидинким, адвор илмининг возиъидур, Арасту замониғачаким, муаллими аввал дебтурлар ва Абу Наср Форёбий чоғидинким, муаллими соний дебтурлар, Хожа Абдулқодир асригача маълум эмаским, бу фанда ҳеч подшоҳ замонида бу фан аҳлидин ҳеч кимға мунча тарбийят ва нашву намо воқеъ бўлмиш бўлғайким, санга воқеъ бўлди.

Аммо, чун ишлар ўз ерида эмас экандур, боқиб тургунча оздинг. Рўзгоринг салоҳи фасодқа ёнди ва афъолинг покизалиғи нопокликка айланди. Насиҳатни кулоққа солмадинг ва панд била маломатни кўнгулға олмадинг. Ҳолингдин хабардор қилгон сойи беҳабарроқ ва фисқу фужурунгни манъ қилгон сойи батарроқ бўлдунг. Подшоҳи исломнинг, халлада мулкаҳу, мунча йилғи тарбийятин ва бу фақирнинг мунча вақтлиғ саъйи ва эмгакини ва ўзунг йиллар тортқон риёзатингни нафси шум ҳавоси ва феъли мазмум муқтазоси била зойиъ қилдинг ва дўстларнинг ҳам мулоямат била

панду насихатин кулоғингға олмадинг ва душманларнинг ҳам шиддату шунуфтин сариҳ ва киноят била истимоъ қилмадинг ва улуғларнинг ҳам ваиду таҳдидин эскармадинг ва ҳақ субҳанаҳу ва таоло қошида дағи тавбалар қилиб, аҳдлар боғлаб, онтлар ичиб, борчани бузуб, Тенгри таолодин кўркмадинг.

Холо не сўзунгга, не аҳдингга, не қавлунгга, не онтингга эъти-мод қолибтур. Невчунки, ҳар қайсини борлар маълум қилилибтур ва синалибтур.

Мунча бекоидалиғларинг асносида борчанинг талофиси ва тадоруки учун от йиборурсен ва мундин ғофилки, отингни тўрт дафтардин чиқорилибтур: бир – мулозимлар дафтаридида фарзандлик лақабидин, балки ошнолик исмидин; иккинчи – “Мажолис ун-на-фоис” дафтаридида фазлу таъб аҳли чаргасидин; учунчи – шаҳрнинг яхши-ёмон, улуғ-кичиги қошида эрлик ва инеонийат ва мусулмонлиғ ва ҳамиййат дафтаридин; тўртунчи – подшоҳи ислом хазратидаким, муборак тилларига ёмон дуонг ўтубтур. Ҳайот аҳли дафтаридин сен мунча турфалиғинг билаким, дину исломнинг уйин бузубсен ва мундоқ шариф ва азиз хотирларни ўзунгдин озурда қилмоқ била, айтса бўлурким, Каъбани йиқибсен, балки ҳайот ва тириклик биносин вайрон қилибсен.

Ғафлат ва нодонлиғинг ул мартабадаким, буқъаи хайр ясамоққа ўзунга бози бериб, битиб йиборурсенким, сени яхши йигит ҳаёл қилғайлар ва одамий киши соғинғойлар. Бу таманнодин юз ҳайҳот ва бу муддаодин юз минг уёт! Сенинг мунча қилғонларинг муқобаласида мен дағи сазо ва жазо еткура олур эрдим. Аммо, икки жиҳатдин еткурмадим: бири буким, мунча панду насихат ва ташниъйу маломат ва онту аймон била бировким мутанаббих бўлмамиш бўлса, бир неча ийзоу азоб била ҳам бўлмағусидур, балки ул ийзо ва азоб еткурурда бу фақирнинг заъфлиғ мизожиға тараддуд ва ташвиш кўпрак етгусидур ва санга худ тафовут қилмоғусидур. Яна бири буким, сен ҳар бекоидалиғким, қилибсен, анга кўра сазоу жазо топибсенким, ул подшоҳи ислом хумойун хотирининг ғубори ва мураббий ва валинеъматнинг ва сойир азизларнинг кўнгуллари-нинг озоридурким, ҳар бири филҳақиқат юз ўлумдин ортуқтур, аммо бу маънидин сен ғофилсен.

*Рубоийя:*

Эй ғофилу ғафлатқа вужудинг мағлуб,  
Мажмуъи ёмонлиғ назарингда марғуб,

Бординг дағи келмадинг, бу эрди матлуб,  
Ёлғонларинг ичра йўк эди мундин хўб.

### 93

Мавлоно Қосимға сўз улким, инсон жойизул-хатодур ва лекин  
надомат ашкиким, иборат тавба суйидин бўлғай, гуноҳ чиркин  
оритур. Ўзунгни бу навъ ариғ қилсанг, умид улдурким, ҳақ таоло  
кечургай, ибодатқа не етгай.

Дарвеш Алибек хидмати била бизинг хидматимиз аросида та-  
фовут йўқтур ва лекин ўзунгни яхши ясангки, дебдурлар:

Жома чиркин макун, агар карди,  
Пок покаш бишуй, агар марди.

Дар хона агар кас аст – як ҳарф бас аст.

### 94

Аз руқбаи шарифки, ирсол намуда буданд мазмуни анзал ул-  
китоб фаҳм шуд ва аз туҳфаи латифки, илтифот фармуда буданд  
фаҳвойи аҳсан ут-тақвим мушоҳада афтод. Илтимос аз вуфури  
карам ва таваққуъ аз маҳосини шиям онки, дар ҳар моҳи якбор  
бачунон руқбаи мамлу аз жавоҳири шоҳвор хушнуд созанд ва дар  
ҳар сол як навбат ба мисли он туҳфаи музаййан аз савобит ва сайёр  
баҳраманд кардонанд. Руқбаи омол ва амони фархунда ва нужуми  
толеъ ва зиндагоний пойанда ва раҳшанда бод, вассалом.

### 95

Ниёз рафъидин сўнгра эълум улким, Хожа Аҳмад келди ва  
ййборган руқбангизни келтурди. Битиб эрдингизким, назмларинг-  
дин муддате бўлдиким, битиб ййбормайсен. Ҳоло ҳам бўлса  
битиб ййборгилким,

*Мисраъ:*

Қадри зар заргар шиносад, қадри жавҳар жавҳарий.

Бу корхонада мусаллам тутарбизким, сиз жавҳарий бўлаолур-  
сиз, аммо бизда ул жавҳар йўқтурурким, Сизинг назарингизга еткур-  
рур қобилияти бўлғай. Мисраинг яна бир рукнининг ҳам ушбу  
хукми бор. Яна фасли билхайрда ҳазрати махдумзода таърифида

муболага қилиб эрдингиз. Ул таъриф мужиби хушҳоллик ва умидоворлик бўлиб эрдиким, мунинг асносида аларнинг бир муборак китобати келди. Илтифот қилиб сўзларким, битибтурлар. Бириси будурким: “Ҳар жафо қилсангиз, илингиздин келур”. Мулоҳаза қилингким, бизинг илгимиздин не жафо келур, балки элдин бизга юз жафо етса, таҳаммул қилурбиз. Ҳазрат махдумзодага не сабаб била жафо қила олғаймен. Тенгри таборак ва таолога назримиз борким, ҳеч кишига интиқом мақомида бўлмағайбиз. Яна бу эшикда қайси мансабдурким, менинг анда дўхлим, бўлғойким, Сизинг иш-кучда тақсир қилмиш бўлғоймен. Мирзо мажлисида маҳал била тақриб сўз воқеъ бўлса ҳошоқим анда худ бу муддатда тақсир воқеъ бўлмиш бўлғой. Ул доғи ҳам ҳар тўрт-беш кунда бир қатла борурда. Агар тақрибий тушса, тақсир бўлмас ва махдумзоданинг ҳеч ишига мутааҳҳид эрмас эрдим. Бу боришнинг ҳам тақрибин агар Сиз унутубсиз мен унутмойдурменким, ондин воқеъ бўлди бартақдирким мутааҳҳид бўлгон бўлсам. Дағи одамизод мараз аййомида фаройизу вожиботдин маофдурур, то ўзга ишларга не етгай? Махдумзода то шаҳрда эрдилар, алар мулозаматида худ хусусият йўқ эрди. Машҳад йўлида алар йўлукқонда жузвий мулозаматеким қилилди. Онча азимушшон элнинг киноят ё сариҳ била таъризу ташнеъларин эшитилдиким, ул фузуллуқдин ҳам пушаймонлиг даст берди. Икки йилга яқиндурурким, фақир мараз тортадурмен. Султон Бадеъуззамон Мирзодин Ҳайдар Муҳаммад Мирзога дегунча сарҳаддағи жамъи махдумзодалар кишилар йибориб сўрдурдилар руқбаларида анвоъ риёойат хотир била дилжўйлулар қилиб.

Бовужудким, махдумзода борча оғоларининг қоидасин такаллуф қилиб бир бекдин бир руқъа битиб сўрдура олмадилар. Бу фақирнинг ондинким, ҳеч кишидин бу тамаъим йўқтур, ҳеч ерда изҳори шикойат қилмадим. Алар сарбасарға ҳам рози бўлмайин, бу фақирни ўзларига жафо қилмоққа нисбат берибдурлар. Андоқким, руқъани бажинс Сизга йибордук. Агар Сизинг изтиробингиз била эркондурур, мужмал битигунча ул жафони муфассал била битисангиз керак эрдиким, инсон жоиз ул-хатодур, шойад воқеъ бўлмиш бўлғай. Агар Сизинг вуқуфингиз йўқ эркан фақир олам аҳлининг жафосин тортиб, ҳаргиз мунча куфт етмайду эрдиким, фақирни жафогарликка нисбат қилибтурлар. Агарчи, сўз кўп эрди, малул бўлмағайсиз, деб ушмунчага ихтисор қилилди.

*Рубоийй а:*

Ул шаҳ тобугиндаким, эрур маъдани жуд,  
 Шаҳлар аро бўлмагон бир андоқ мавжуд,  
 Ҳам волиди покийдек хисоли маҳмуд,  
 Ҳам ахтари толеъдек исми масъуд.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, йиборган жузвки аврок киёсидин секиз беҳишт намудор эрди ва маонийи абкори ғавғосидин хур анжуми анда ошкор. Ҳар обдор лафзи куйган кўнгуллар ўтига таскин ва ҳар оташбор калимаси совуғон юраклар ҳароратиға барқ ойин. Мисралар салосатидин Масих анфоси хосияти анда пайдо ва байтлар латофатидин ҳайот суйи натижаси анда ҳувайдо – бу фақирға етишти. Ўқумогидин рух тоза ва такроридин кўнгулга файзи беандоза ҳосил бўлди. Ниёзмандлик адоси била умру давлат дуоси бажо келтурулди.

Бу нотавоннинг паришон назмлариким, йиборурга ишорат бўлуб эрди, анинг тартибиға машгул бўлулди. Умид улким, олий мажлис худдоми мутолаасиға бот мушарраф бўлғойлар.

*Рубоийй а:*

Афлокча тахти иктидоринг бўлсун,  
 Анжумча сипохи бешуморинг бўлсун,

Ҳақ ҳифзу сийонати ҳисоринг бўлсун,  
 Яъни, бори ишта Тенгри ёринг бўлсун.

Омин, ё Раббал-оламин.

Ҳукамо қавли бода тарбиятида мундоқдурким, киши тиласаким, май улча мумкиндур талх келгай, они қуйарда керакким, узуми улча мумкиндур чучумиш бўлғайким, висол шарбати чучуклугидин сўнгра сипехр даври соғаридин андоқки фироқ хуноби аччик келур – узум доғи ҳар неча чучукрак бўлса, бодаси аччикроқ келур. Бу мазкур бўлгон узумни ёнчкондин сўнгра янги купгаким, неча қотла ёғлоғондин сўнгра қалин мумламиш бўлғайлар, қуйулгай ва бир йилдин сўнгра сузгайлар, доғи уч ой таъриф қилгон йўсунлуқ купда бошин беркитиб қўйғайлар, ондин сўнгра соф



пишаларга солиб қирқ кун бийик тоқларда қўйғайларким, ҳазрат  
Ҳожа Ҳофиз қуддиса сирруху дебдурким:

*Б а й т:*

Аё сўфий, шароб онгаҳ шавад соф  
Ки, дар шиша барорад арбаине.

Ондин сўнгра ул май тўрт сифатқа мавсуф бўлур: сафойи лавн,  
тийби таъм, атри ройиха, эътидоли қивом. Бу навъ тартиб била  
тўрт сифатқа мавсуф бўлгон жинсдин оз миқдори кўп маразға илож  
бўлур, деб муқаррар қилибтурлар. Бу вақтда “Дор уш-шифо”даги  
ғурабо ва муразодин баъзиға атиббо буйруғи била бу навъ жинс  
дарбойист бўлубтур. Хотирға андоқ келдиким, чун ул фарзанд  
кўпрак авқот бу амрға иштиғол кўргузур, анинг сувчихонасида шак  
йўқки, бу навъ жинс бўлғусидур. Ондин бирор нима йиборилса,  
нотавон ғарибларға ва сихҳат сармойасидин бенасибларға агар  
қуввате ва сихҳате етишса, шак йўқки, куллий савоб анинг зимнида  
бўлғусидур.

*Қ и т ь а:*

Караму лутф бирла қил ирсол,  
Бор эса бу савод аро ёзгон.  
Ичибон кўп гуноҳ қозғондинг,  
Ичуруб бир савоб ҳам қозгон.

98

*Р у б о и й й а:*

Эй пайки сабоки мушкбор омадаи,  
Аз нофаи охуйи татор омадаи,  
Ё онки з-гулхойи баҳор омадаи,  
На-наки, з-жилвагоҳи ёр омадаи.

Куллуқ дуодин сўнгра арз улким, инойатномаским, бу бандани  
анинг била ёд қилилиб эрди. Чун, сихҳатингизға мушғир ва  
саломатлиғингизға мухбир эрди – ошуфта хотирға мужиби ком ва  
музтариб кўнгулға боиси ором бўлди. Тўрт ғазалким, тўрт жаво-  
ҳири инсонийдин хабар берур эрди, балки тўрт кутуби осмонийдин  
асар еткурур эрди – етишти. Алфозидин хўблар ҳуснидек сафҳаға  
оройиш ва маонийсидин аларнинг васлидек кўнгулға осойиш юз-  
ланди. Тарокиби латофатомиз ва латофати нашотангиз. Таърифин

қила олмағондин дуо қилилди ва шарҳин айта олмағондин сано айтилди. Умид улким, то жаҳон бўлғой дуо ва санойингиз тилларга жорий бўлсун ва ул дуо ва сано ўқлари ижобат ҳадафиға корий, омин, ё Раббал-оламин.

## 99

*Рубоиййа:*

Зотингга жаҳон мулки мусаххар бўлсун,  
Амрингга улус ҳукми муйассар бўлсун,  
Зотинг қайон этса майл, сурур бўлсун,  
Аъдо уза мансуру музаффар бўлсун.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, Мирзонинг муборак мизожлари айни саломат ва маҳзи истиқоматдадур. Алҳамдулиллоҳи вал-минна бу учурдаким, ҳукм йўсуни била форсий паришон абёт ва пароканда ашъорни йиғиб, девон йўсунлуқ жилд қилилиб эрди, Юсуф Алидин тобуғда йиборилди. Умид улки, қабул давлатиға музаййан ва писанд саодатиға мушарраф ва мустаҳсан бўлғай.

Доимға дастур била бирор инойатнома била сарафроз қилурға мулозимлар ҳокимдурлар.

*Байт:*

То жаҳон бўлғой, жаҳон аҳлиға сен шоҳ ўлғасен,  
Шарт буким, кулларинг ҳолидин огоҳ ўлғасен.

## 100

*Байт:*

Ҳар бағир коники, ҳажрингда кўзумға айланур,  
Кўз ани тўккач, бағир янглиғ ҳамул дам боғланур.

Арзадошт ҳомили билмаслик ва ғафлат жиҳатидин мулозаматдин қолғон эрмиш. Эмдиким, ўз ҳолиға келибдур, билибдурким, не хато қилғон эрмиш. Ўз гуноҳиға муътариф бўлуб, Мирзо карамиға эътимод қилиб, мутаважжих бўлди, умиди улдурким, бурунги дастур била қуллуғин қабул қилғай ва сойир қулар чаргасига кирғай.

Бу матлаъ воқеъ бўлуб эрди, ул маҳрум қолғонининг ислоҳиға борди. Бу маҳжур қул ҳам айтқонимға ислоҳ умид тутармен.

Иншааллох, иккаласи муйассар бўлғай, деб қуллуқ арзадошт битилди, вассалом.

## 101

*Рубоиййа:*

То даҳр уза гунбази даввор ўлғай,  
Ул гунбаз уза собиту сайёр ўлғай,  
То собиту сайёрдин осор ўлғай,  
Тенгри бори ҳолингда ниғаҳдор ўлғай.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, замонаи дуннинг бедоду жафоси ва сипехри буқаламуннинг зулму ийзоси шоҳдин гадоғача ва фосиқдин порсоғача етмаган киши мавжуд эмас. Ва замон аҳлидин мурувват ва вафо маъхуд эмас. Аммо, чун Ҳақ субҳанаху ва таоло одили ҳоким ва қодири мустақимдур. Умид андоқдурким, ҳеч мазлум то додига етмағай, ул адл эшигидин маҳрум кетмағай. Мундин ортуқ тилга ҳадди калом ва қаламға ёройи эълום йўқтурур, вассалом.

## 102

*Рубоиййа:*

Олам элига шафқат этиб аҳли худо,  
Иршод йўлидин эттилар бўйла нидо  
Ким, ҳар кишигаки неъмате берди худо,  
Шукрини анинг вожиб эрур қилмоқ адо.

Ҳақ субҳанаху ва таоло онча неъмат бандасига каромат қилиб-турким, анинг ҳисобини қилмоқдин нутқ лолу қалам шикаста мақолдур. Ихтисор юзидин ва ижмол тарийқидин бир нечани баён қилмоқ йироқ эмастур. Ул жумладин бири бандани йўқдин бор қилмоқдур ва ўз санойиъин анда намудор этмак; яна жаҳолат зулматидин хирад анвориға тегурмак ва туфулиййат ғафлатидин шуур ва вуқуф давлатин насиб қилмоқ; яна ҳавосу идрок ва таъби салиму фарси мустақим бермак ва ислом шарафи била баҳраманд ва дин саодати била сарбаланд қилмоқ. Бу неъматлар шукри борчаға ўз хўрди холиға кўра вожиб ва лозимдур. Аммо, ҳукмрони соҳибжоҳларға ва нофизи фармон подшоҳларға борчадин кўпрак. Невчунким, бовжуд бу мазкур бўлгон неъматлар ҳақ субҳанаху ва таоло

аларни борча бандаларидин жоҳу жалол била мумтоз ва изаммату иқбол била сарафроз қилибтур ва бу неъматларға шукр адоси бу эмас, киши шукр лафзини тилга эвургай, балки улдурким, амру наҳйин бажо кетургай. Ва бу мазкур бўлгон неъматлардин куллийраги ислом шарафидурки, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло анда бандаға неча амр таклиф қилибтур: бири ўзининг ваҳдониятиға ва пайғамбарининг рисолатиға иқрор қилмоқдур; яна бири кунда беш вақт намоздур; яна бири йилда бир ой рўза тутмоқдур; яна бири мол нисоб ҳаддиға етса, закотдур; яна бири иститоат ва амни тарийк бўлса, ҳаждур. Аммо, бу беш амрда ҳам тўртида ожиз бандасиға мусофаҳа қилибтурким, шаҳодат калимасин ағар банда юз яшаб, умрида бир қотла мазкур қилмиш бўлса, кофийидурур. Ва рўзани сафарда ва заъф айёмида еб, иваз тутмоқни тажвиз қилибдур. Ва закотқа нисоб ҳаддини шарт қилибдур ва ҳажқа иститоат ва амни тарийкни маршрут этибдур. Аммо, намозда муболага воқеъ бўлубтурким, узру баҳона била банда бўйнидин адо бўлмас, то бажо кетурмас. Заъф ва хасталиқда, ифлос ва шикасталиқда, совуғ ва ёгинда, душмандин қочқонда ва дарё ва биёбонда саргардон бўлгонда ва ҳар саъб ҳолда адо қилмоғунча чора йўқтур. Заъфда ўлтуруб ва кўпрак заъфда ётиб ва назъ ҳолатида ишорат била муқаррар бўлубтур ва су бўлмағонида тайаммум била, аммо, маоф бўлмайду.

Бу давлатхоҳ бу котлаким, қуллукқа мушарраф бўлдум, андок маълум бўлдиким, ул ҳазрат ўзларин бу таклифдин маоф тутубтурлар ва қавму хайллари доғи подшоҳлариға мутобаат қилиб, ўзларин маоф тутубтурлар, жамоат ва Тенгри таоло амрин бажо келтурмак кўзга кўрунмади. Агарчи, Тенгрининг бу навъ муболагағалиғ амридин алар ўзларин маоф тутубтурлар, бу банда давлатхоҳлиғ сўзин айтурдин ўзумни маоф тутолмон. Тенгри учун ё Тенгрининг буйруғини бажо келтурунг, ё бир оят, ё ҳадис, ё машойих нақли, ё ривоят, ё масъалае топилгон бўлсаким, бу амрни тарк қилмоқ жойиздур. Топилгон бўлса, бу бандаға ирсол қилинғизким, заъфим голибдур ва бу таклиф бағоят кулший.

Яна улким, салотинға ваъда будурким, ҳақ субҳанаҳу ва таоло адлдин сўрғусидур. Бас, подшоҳға вожибдур борча халойикидин вокиф бўлмоқким, алардин бир фақирға зулм ўтмағайким, Тенгри таоло подшоҳдин сўрғусидур ва бу бобда ҳадиси саҳиҳ бор.

Банда куллуқдин ёниб, Панҷдехға келганда бир киши бу фақирға додхоҳлиқ қилдиким, Мирзо навкарлари усрук они ўқлаб

